

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**  
Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

**Бош муҳаррир:**  
Собир УНАР

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
Луқмон БЎРИХОН

**Масъул котиб:**  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Бобур АЛИМОВ  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Сирожиддин САЙИИД  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи:** Фиёсиддин ОМОН ўғли  
Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг  
компютер марказида саҳифаланди.

**Манзилмиз:**  
Тошкент. ш.  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-"а" уй.  
**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru  
**Tel/факс:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



## © "Ёшлик" № 3 (265) 2013 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

### МУНДАРИЖА

#### МУЛОҚОТ

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ.** Муаммонинг кўзи очилса. .... 2

#### АДИБ ХОНАДОНИДА

**Энахон СИДДИҚОВА.** Бедорлик саодати. .... 6

#### НАСР

**Жамила ЭРГАШЕВА.** Қир устидаги аёл. Роман. .... 10

**Зухра МАМАДАЛИЕВА.** Қари қизнинг қисмати. Ҳикоя. .... 40

#### НАЗМ

**Энахон СИДДИҚОВА.** Аёл кетиб борар ёниб, гувиллаб. .... 8

**Дилшод РАЖАБ.** Баҳор келар музаффар, ғолиб. .... 24

**Абдувоҳид САИДМАТОВ.** Мозийлардан оққан ҳар сас қадрдон. .... 44

#### НИГОҲ

**Гўзал АТАБОЕВА.** Гўзал хотиралар жилваси. .... 39

**Отабек САФАРОВ.** Сукутдан ортиқ сўзлар. .... 46

#### АДАБИЙ ҲАЁТ

**Уйғун РЎЗИЕВ.** Ижод масъулияти. .... 49

#### МУШОИРА

Дилга илҳом солади баҳор. .... 50

#### МУШОҲАДА

**Замира БАЛТАЕВА.** Шеърятда туйғулар силсиласи. .... 58

#### БИРИНЧИ УЧРАШУВ

**Шахноза НУРМАТОВА.** Ҳаёт билан хаёлим чалкаш. .... 59

#### ДРАМАТУРГИЯ

**Ғулом КАРИМИЙ.** Қадимий севги қиссаси. .... 60

#### ЕЛПУҒУЧ

Рассом хандаси. .... 64

Бошишга 02. 04. 2013 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ИССН 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.  
"Ўқитувчи" НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма № 89-13. Адади 6660 дона.  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.



Иброҳим ҲАҚҚУЛ



## МУАММОНИНГ КЎЗИ ОЧИЛСА

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори  
Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан суҳбат

– *Иброҳим ака, суҳбатларингиздан бирида: “Буюк аждодларга муносиб ворис бўлишнинг бош шарты – худди ўшаларга ўхшаб доимий ва қатъият ила олдинга ҳаракат қилиш”, деган эдингиз. Айтинг-чи, бугунги авлоднинг аждодлар олдидаги қарзи нимада?*

– Ўшаларга ўхшаб табиий, тўғри ва эркин умр кечиришни эплай олишида. Қачонки тил билан дил, сўз билан амал орасида узилиш бўлса, аждодлар билан авлодлар ўртасидаги узилиш ҳам шу бўлади. Бундай пайтда тарихий сиймоларни мақташ ўз ожизликларини яшириш никобига айланади.

– *Авлодлар алмашинуви ҳар қайси жамиятга хос хусусият. Табиийки, ҳар қандай авлод вакиллари маълум жиҳатлари билан фарқ қилади, ўз навбатида, бир-бирини тўлдиради. Сиз авлод тушунчасига қандай қарайсиз?*

– Авлод тушунчаси бўлган. Бор. Кейин ҳам бўлади. Бир авлод иккинчисидан фикр-қарашлари, маслағи, журъат-жасорати, қай мақсадлар учун курашганлиги билан ажралиб турмаса, авлод дегани маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қиёфадан маҳрум тўдадан ҳеч фарқланмайди. Шўро давлати ҳукм юритган даврларда бир неча авлод зулм ва қарамлик қурбони бўлишган. Бу фожиани унутмаслик керак.

– *Сизнинг авлодингиз(бу иборани алоҳида таъкидлагим келади) фақат адабиётдагина эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам фаол, кези келганда, муросасиз эди. Сизлар ўшанда “Дунёни адабиёт қутқаради” деган ақида билан яшаганга ўхшайсиз. Бу уринишларингиз бесамар кетмагани аниқ. Нима дейсиз,*

*бугунги авлод давр эҳтиёжларига муносиб жавоб бера ол(а)дими?*

– Биз учун адабиёт чиндан ҳам муқаддас бир мавжудлик эди. “Дунёни адабиёт қутқаради” деган ақида билан яшамаган бўлсак-да, адабиёт ҳаётни, инсонни ўзгартиришига ишонардик. Тенгдошларимдан кўпчилиги шахсий ҳаёт ташвишларини назарга илмай адабиёт, ҳақиқат, ҳуррият дарди билан кун кечиришган. Бугун бундай ҳолатни кузатиш қийин. Ёш ижодкорларда давр, замон, келажакка муносабатда қандайдир торлик, маҳдудлик борга ўхшайди.

– *Бутун илмий фаолиятингиз Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти билан боғлиқ ҳолда кечаётир. Утган йиллар давомида неча-неча ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишлари муҳокамасида қатнашгансиз. Бугунги навқирон илм, бўлғуси олимлар ҳақида фикрларингиз қандай? Улар фаолияти сизни қониқтирадими?*

– Илмга янги кириб келганлар олдинги авлод вакилларидан албатта ўзиб кетишади, деган фикр яқин-яқингача менда барқарор эди. Ҳозир ундай эмас. Чунки дид, савия, дунёқараш ва шахсият хусусида жиддий ўйлаб, қаттиқ заҳмат чекилмаса, олимлик ҳам ўзига яраша бўлади. Ёшларимиз фаолиятини имкон даражасида кузатаман. Аммо улар сафида ҳис қилиш, англаш, ҳаракат борасида салоҳияти юксаклари анча сийрак. Ваҳоланки, мустақиллик шарт-шароитида ўзига ишончи балинд, кўнгли ҳам, фикри ҳам эркин истеъдод соҳибларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоғи керак. Бу ҳақда ёшларнинг ўзи кўпроқ фикрлаши лозим, деб ўйлайман.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

*Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. Мумтоз ва замонавий адабиёт тадқиқига бағишланган “Бадиий сўз шукуҳи”, “Занжирбанд шер қошида”, “Шеърят – руҳий муносабат”, “Абадият фарзандлари”, “Тасаввуф ва шеърят”, “Тақдир ва тафаккур”, “Навоийга қайтиш”, “Мерос ва моҳият” каби китоблари чоп этилган. Олимнинг айрим мақола ва китоблари турк, уйғур, озарбайжон, тожик ва рус тилларига таржима қилинган. Кўп йиллардан буён Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида фаолият юритади.*

**– Мақола ва суҳбатларингизда ижод ва эътиқод вобасталиги ҳақида кўп таъкидлайсиз. Биз ёшлар эътиқодни жуда тор маънода, асосан, диний истилоҳ сифатида тушунадиганга ўхшаймиз. Айтинг-чи, ёш авлоднинг ҳаётий эътиқоди учун нималар муҳим? Умуман, эътиқод тарбияланадими?**

– Эътиқоднинг пойдевори, албатта, дин. Диний ишонч ва тушунчалардан ажралиш – ўзни рухоният-сизлиқ офатию дахрийлик кулфатларига маҳкум айлаш демак. Айни пайтда эътиқодни диний ва илоҳий мазмун-моҳият билан чеклаб ҳам бўлмайди. Ишқ, Маърифат, Ҳақиқат... – буларни эътиқоддан айри ҳолда тасаввур этиш мумкинми? Ор-номус, ҳаё, ғурур сингари безавол туйғуларнинг муҳофизати ҳам, аввало, эътиқоддир. Инсон иродаси қанча бақувват бўлса, эътиқод ҳам ўшанча кучга тўлади. Одамнинг энг катта душмани – кўркүв ва таҳлика. Эътиқод ана шу ғанимни таниш ҳамда унга қарши туришга рағбатлантиради. Умуман, эътиқодсизликдан ҳалос бўлишнинг ягона чораси ҳаёт синовларидан ўтган эътиқодга суяниш ҳисобланади.

**– Шу пайтгача ижодингизнинг асосини мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижодини ўрганиш, тадқиқ этишга бағишлагансиз. Назаримда, биз Навоийни ўрганиш учун ўша давр – XV асрга бормоқчи бўламиз ва бу мумкин эмас. Ваҳоланки, мутафаккир бобомиз вақт масаласида ҳам шунчалар илгарилаб кетганки, чексиз имкониятлар асри авлоди ҳали-бери унинг этагини тута олмас керак. Гарчи бу борада кўп фикрлар билдирган бўлсангиз-да, сўрамоқчиман: Навоийни қандай қилиб XXI асрга қайтариш мумкин? Бунинг энг самарали йўллари санаб ўтсангиз.**

– Навоийни ҳеч бир маънода ўз асри ва замонидан ажратиб бўлмайди. XXI аср ўқувчиси Навоийни билишга кучли эҳтиёж сезса, мақсадга етишмоқ учун тил, тарих, анъана ёки дин ва фалсафадан бир йўл излашга киришади. Буни биров санъат ва маҳорат жозибасидан, кимдир ҳаётий таассуротлар тасвиридан, бошқа бири тасаввуфий тушунча ва тимсоллар ифодасидан топиши мумкин. Муҳими, у ёки бу асосга таяниш.

Навоийни Навоийнинг ҳиммати ва ёрдамисиз ўқиб-ўрганиш анча қийин. Бу нима дегани? Аввало, дунёга, ҳаёт ва инсонга мутафаккир шоир нигоҳи билан қарашга уриниш дегани. Навоий ёқлаган ва улуғлаган ҳақиқатларни юракдан ўтказиб, қоралаган нарса ва тушунчаларни дил-дилдан инкор айлашга бел боғланг, кутилмаганда кўнгилда ўзингиздан норозилик ҳисси бош кўтаради. Ана шунда Навоий сўзларини англаш ва ҳазм қилишда тафаккур кучи билан бирга маънавий-руҳий қувват зарурлигига тўла иқрор бўласиз. Улуғ шоир қитъаларидан бирида, мана, нима дейди:

*Кимки махлуқ хизматиға камар,  
Чуст этар – яхшироқ ушолса бели.  
Қўл қовуштурғуча бу авлодур,  
Ки анинг чиқса зени, синса илти.  
Чун хушомад демакни бошласа кош,  
Ким тутулса дами, кесилса тили.*

Яъни: Кимки манфаат тўфайли ўзига ўхшаш бир банда – махлуқнинг хизматиға қаттиқ бел боғласа, бундан кўра унинг бели шикастлангани яхшироқ. Қўл қовуштириб қўллуқбозликни қойиллатишдан кўра эса одамнинг елкаси чиқиб, қўли сингани авло. Агар тил хушомад айтишга

бошласа-чи? Унда нафас тутилиб(ёки чиқмай), тилнинг кесилгани мақбулдир.

Гўё қарғиш “тил”и билан битилган бу қитъа шеър-хонни ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга нисбатан мурасасиз бўлишга чорлайди. Лекин амалий уриниш ва қиёсий фикрлаш сўнггида ўқувчи ички азобдан бошқа бир нима топмайди. Тирикчилик ташвишу армонлари билан қуршалган ҳалойиқ асрлар мобайнида хурлиқдан мутъелик ва тобеликни, ғурурдан ғурурсизликни, ростгўйликдан хушомад ва тилёғламаликни афзал кўрган. Зеро, нима яшашга энгиллик бериб, қулайлик туғдирса, инсон ундан ажралишни хоҳламайди. Демокчимизки, Навоий талқин қилган ҳақиқатларнинг моҳиятига етиш, замон талабларига мувофиқ равишда уларни ривожлантириш учун ўқувчида наинки ақлий, балки маънавий-руҳий имконият ҳам баланд бўлмоғи шарт.

**– Очиғи, бир жиҳатдан, бугунги ёш авлод Навоийни тушунмаётганидан (ўқимаётганидан дея олмади) хурсанд бўламан ҳам. Негаки, орада беш ярим асрдан зиёд вақт (аммо улуғ шоир ҳамон асримиздан олдинда эканини айтиб ўтдик) ёки мураккаб тил, ажнабий сўзлар эмас, бутун башариятга маънавий раҳнамо бўлгулик улуғ даҳо “тўсиқ” бўлиб турибди. Бошқачароқ айтсак, биз ёшлар Навоийни тушунмаётган эканмиз, бунга буюк мутафаккирнинг ўзи “айбдор” гўё. Замонавий тил билан айтганда, “супперинсон” – Навоий оламига бўйлашга ҳар кимнинг, айниқса, ҳали деярли ҳеч нарса қўлидан келмайдиган беқарор туйғулар эгасининг юраги бетлармиди? Шунинг учун ҳам мен ўз-ўзидан “Навоийни ўқиялман” дея кўкрак кержан тенгдошимнинг гапларидан шубҳаланман. Албатта, бу ерда гап уқиб ўқиш ҳақида кетмоқда. Табиийки, Навоийни ўқийётган ёшлар ўзи сезган-сезмаган ҳолда бошқалардан ўзини устунроқ қўя бошламаслигига кафолат йўқ. Улуғ даҳо дунёсига ҳануз ошно бўлиб келаётган инсон сифатида фикрларимни малол олмайсиз, деган умиддаман. Ўзингиз “Навоийни маълум манфаатлар, ақлий муддаолар нуқтаи назардан турибгина ўқимаслик керак”, дейсиз. Айтмоқчи бўлганим, Навоийни ўқиш учун, аввало, ички эҳтиёж ва руҳий яқинлик бўлиши керак эмасми? Бугуннинг ёшлари орасида Навоийга ботинан боғланганлари бормикин? Ёш навоийшунослар орасида-чи?**

– Биласизми, Алишер Навоий ижодиётига теранроқ кириб бориш кишини “майдагина ғолиб, майдагина мағлуб”лик қисматидан бир қадар қутқazaди. Навоийшунос бўлишнинг асосий шартларидан бири “ўзлик иморати”ни бузиш, яъни сифат эътибори билан ўзини ўзи ислоҳ айлашдир. Бу ишнинг ўзига яраша қийинчилик ва азоблари борки, буларни ҳеч кимга суянмасдан, ҳар кимнинг ўзи ҳал қилади. Навоийни пухта ўқиб, яхши тушунган ёшлар “ўзи сезган-сезмаган ҳолда бошқалардан ўзини устунроқ қўйса”, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Навоийни билиш, истанг-истаманг, одамни маънан ва руҳан баландга кўтаради. Ана шунда руҳда чексизлик, самовийлик иштиёқи қанот ёзадикки, ботиний ҳаётда ажаб ҳолат ва манзараларни кўриб ҳайронлар қоласиз. Ҳамма даҳо санъаткорлар сингари Навоий ижодиёти ҳам қалбни сўнгсизлик завқ-шавқи билан орзиқтиради. Руҳан Навоийга яқинлашишни кўзлаган киши бунинг албатта эътиборга олмоғи лозим...

**– Мақола ва суҳбатларингизда Навоийни Навоийга яқинлаштириш ёки Навоийни Навоийдан**

*йироқлаштириш борасида гапириб, бугунги маънавий муаммоларимизнинг аксарияти классик меросдан узоқлашиш туфайли келиб чиқганини куйиниб таъкидлайсиз. Шахсан менга мумтоз ва замонавий адабиётни бир-биридан айирмаслигингиз, аксинча, бирини иккинчисига узвий боғлиқ ҳолда ўрганишга даъват этишингиз жуда маъқул тушади. Яна, улкан ижодкорлар фикрига таяниб, замон адабиёти намуналари ўқувчи диққат-эътиборини ўзига чуқур жалб эта билмаса, мумтоз адабиёт билан алоқа ҳам сусайиб боради, дейсиз. Демак, классик меросдан узоқ эканимиз замонавий адабиёт билан боғлиқ экан-да?*

– Ҳеч бир давр, ҳеч қайси замонда адабиёт ҳаёт ҳақиқати ва инсон тақдирини ўзи истаган даражада эркин ҳамда ҳаққоний тарзда тасвирлаб бера олгани йўқ. Бунга қарши кучларнинг қўли эса доим баланд бўлган.

Бадий асар қачон қизиқиб ўқилади? Қачонки халқ унда ўз турмуши, ижтимоий аҳволи ва ғам-ғуссаларининг рост, табиий тасвирини кўрсатса. Бир давр адабиёти билан иккинчи бир давр адабиётини мустаҳкам боғлайдиган “олтин занжир” ана шу тажрибадир. Шу маънода шижоатсизлик, қарамлик хасталигига йўлиқмаган замонавий адабиёт намуналари мумтоз адабиётни билиш истагини жонлантириб юборади. Одам қайси давр адабиётини ўқимасин, унда ич-ичдан ўзини кўргиси, ҳис-туйғуларига муқобил ҳол ва ҳолатларни кечингиси келади. Демак, замонавий ва мумтоз адабиётни бирлаштирувчи “кўприк” шахсиятини бутунлаштира олган китобхондир.

– *Замон ўзгарди. Идеаллар ўзгариб кетди. Шу ўринда идеал тушунчасига ойдинлик киритиб тушингизни хоҳлардим. Эҳтимол, бизнинг бу борадаги тасаввур ва тушунчаларимиз ўта юзакидир. Ёшлигингизда кимни ёки нимани идеал деб билгансиз? Идеал(лар)ингиз бугун ўзгармадими?*

– *Менинг қўлим етмаган юлдуз,*

*Тушларимда сени кўраётман,*

– дейди шоир. Менимча, идеал дегани ана шу: қўлинг етмайди, лекин орзу ва интилишдан ҳам тўхтамайсан. Ёшлигимдан то бугунгача менинг идеалим Хуррият – Шахс эркинлиги. Одамларга тегишли идеалга келсак, аллақачон у парчаланиб кетган. Ахир, тоғ деб юрганларинг тепа, дарё деб билганинг ирмоқ ҳам эмаслигини англагач, не аҳволга тушишни тасаввур қилаверинг.

Аммо идеал ўлароқ Яссавий, Румий, Навоий, Бобурга муносабатим зарра қадар ҳам ўзгарган эмас...

– *Кузатсангиз, ахборот ва илғор технологиялар асри ёшлари бир ғаройиб. Атрофга ақлнинг совуқ нигоҳлари билан боқаётган “темир одамча”ларни кўриб кўрқиб кетасан киши. Бир томондан, ҳамма нарса борган сари арифметик аниқликка бўйсунаятган – ҳисоб-китобли, моддият-парастлик урчиган давр ўзгаришларига реал қараётган “ақлли”ларни тушунгиз келади: ахир, ҳаёт ўзи шунақа! Аммо кўнгил, орифлар Аллоҳнинг назаргоҳига менгзаган ўша Кўнгил-чи? Кўнгил водийсига деярли бўйламай қўйган, туйғуларни қуруқшаб бораётган “роботсифат”лар ҳақида нима дейсиз? Кўнгилшунос олим сифатида туйғулар тарбияси қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?*

– “Темир одамча”ларга доир гапларингизга қўшиламман. Уларни кўриб, кузатиб мен ҳам аҳволларига ачинаман. Ишқилиб, уларга шундоқ толени раво кўрганларга Аллоҳ инсоф берсин.



Кўнгил тарбияси барча тарбиянинг тамали бўлиб, унда ҳаётӣ, ахлоқӣ, динӣ, ирфонӣ туйғулар бир-бирдан ажралиб қолмаслиги лозим. Ва кўнгил номидан гапириб, кўнгил дарди, кўнгил ҳукми нималигини билмайдиган кимсалар сони кескин камайиши керак. Акс ҳолда, кўнгил деган сўзни тилга олишга нолайиқ махлуқлар қуршовида қолиш ҳам ҳеч гапмас.

– *“Ватан авомлик балосидан фориғ бўлганда қудратли юртга айланади. Ватанда ҳеч ким оломоннинг номидан иш юритмаса ва ҳеч ким оломондан таянч ахтармаса, бу ўлканинг ҳар гўшаси маърифат ва маънавият, тафаккур ва ҳақиқат пойтахтига тенг бўлади”. Бу – сизнинг фикрларингиздан иқтибос. Ҳозир бутун дунёни хавотирга солаётган “оммавий маданият” (“оломон маданияти”) моҳиятан ушбу сўзларингизга қарши иш кўради. Жонкуяр зиёли сифатида бу “маданият”га қарши кураш “усул”ингиз борми?*

– Қадимги Рим файласуфи Сенека “Оломонга қизиқ бўлган ҳамма нарсадан қоч!” дейди. Ўзимча мен шу гапга амал қилишга интиламман ва оломоннинг қонини қиздирадиган ҳирс ҳамда майлларни ҳозир осон пайқайман. Энг ёмони, бугун зиёли деган сўз ҳам нисбий тушунча бўлиб қолди. Чунки уларнинг аксарияти айнан оломон вақилидир. Адабиёт, санъат, телевидение, радио – ҳамма-ҳаммасида оломон нигоҳи, оломон ҳиссиёти, оломон овози ва маслаги устунликка талпинаётди. Бунга қарши дадил курашилмаса, маънавият, маданият, коммуналлик тўғрисидаги фикрларнинг бора-бора бир чақалик ҳам аҳамияти қолмайди...

– *Сўз, сўзсиз мўъжиза. Айниқса, ижодкор халқи бунга шак келтирмайди. “Сўз руҳнинг қанотидир”, деб ёзасиз. Бу улуғларнинг улуғ сўзлари таъсиридан бўлса, ажаб эмас. Бугун эса Сўз ҳам бозорга чиқди. Йўқ, уни судраб, оёқ-қўлларини кишанлаб олиб боришди савдо расталарига. Ачинарлиси, устоз даражасидаги баъзи адиблар ҳам сўзбозорда сарсон. Биз аслида Сўзни нажот фариштаси деб билгувчи эдик. Фаҳимча, ҳозир унинг ўзи ёрдамга муҳтождек, бир замонлар осмонларда озод руҳга эврилиб парвоз қилган Сўз бугун пойгақларда лойга қоришган ҳолда инсониятдан нажот кутаётгандек...*

– Миллионлаб одамлар тинглайдиган замонавий қўшиқ ва ашулаларни айтмай қўя қолайлик. Газета, журналларда ва китоб шаклида босилаётган “шеър”ларни ўқиш, менимча, сўзнинг қандоқ қийноқларга солиниб, қандай таҳқирларга гирифтор этилганини билиш учун

етарлидир. Сўзни хору зор айлаш ва қулоғидан чўзиб исталган жойга олиб чиқиш ҳадди аълосига етди. Аммо сўз аҳволдан очик баҳс юритувчи киши йўқ, ҳисоби. Сўзга бундай муносабат кечирилмас гуноҳ эканлигини илм ва адабиёт аҳли англатмоғи ҳам қарз, ҳам фарз.

– **Аксарият ёшларнинг шеър, умуман, адабиёт ва санъат борасидаги тушунчалари ҳам ўзгача, аниқроғи жуда саёз, мавҳум. Ахир, шеър “омон”га “ёмон”ни қофия қилиш эмас-ку! Аммо ёшлар шу қабилдаги гапларни шеър деб қабул қиляпти, ўқияпти, ёд оляпти... Қисқаси, бу масалада хос доира бир томон, омма яна бир томон. Энг яхши шеърлар эса “нафис мажлислар”дагина қолиб кетаётганга ўхшайди...**

– Бир ҳинд донишманди “Инсоният саратон(рак) касаллигига даво топиши мумкин, аммо саёзликка даво топиши душвор”, дейди. Чиндан ҳам, саёзлик давосиз бир хасталиқдир. Сиз таърифлаган ёшларнинг кўпчилиги саёзликнинг “жужук”ларидир. Шеър нималигини ўзи англамас, нимани ёзиб, нимани ёзмасликни ўзи ҳал этолмас, ёзиб эълон қилган нарсасидан уялиш ҳисси пайдо бўлмас – уларга ҳеч нимани тушунтиролмайсиз. Шу боис ҳам халтура ва қофиябозлик мусобақаси кейинги йилларда жуда авж олиб кетди.

– **Шу ўринда ўқув юртлари учун чиқарилган адабиёт дарсликлари, ҳозирги тил ва адабиёт таълими тўғрисидаги фикрларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни айтиб ўтсангиз.**

– Бир адабиёт дарслиги ҳақида гапириб балоларга қолай дедим... Шунга қарамасдан айтай: дарслик ёзишдан олдин кўзланган талаб ва натижалар аниқ белгилашни керак. Адабиёт дарслиги ўқувчининг ақл-идроки баробарида руҳи, кўнгли, тасаввур ва хаёлотиға ҳам таъсир ўтказиши зарур. Ундаги тил ва ифода тиниқлиги, таҳлил ва талқин аниқлигини ўқувчи узоқ пайт эслаши лозим. Миллий туйғу, ҳақиқат ва ҳуррият ҳисси, гўзаллик ва нафосат завқини навқирон авлод қалбида, аввало, дарслик куртаклантиради. Бунақа дарслик борлигини шахсан мен ҳали билмайман.

– **Адашаётган бўлсам узр-ку-я, менимча, китобхонлик ҳам туғма фазилат бўлса керак. Эҳтимол, кун сайин камёб бўлиб бораётган бу хислат ҳам суяк сурар, қондан ўтар. Ўзимизни алда нима қиламиз, ёшларда борган сари китобнинг қудратига ишонч йўқолиб кетяпти. Сабаби аён: ҳеч ким китоб ўқиб “шаҳар олиб” бермаяпти. Йиллаб, балки, умр бўйи қўлига китоб олмайдиганлар ҳам бинойидай яшаяпти. Бундан ташқари, мутолаа ҳам меҳнат. Ундан кўра яшашнинг осонроқ йўлларини қидирган маъқул. Кўплаб ёшларда ана шундай кайфият ҳукмронга ўхшайди. Шунданми, улар моддий-маиший орзулар ортидан эргашиб бораётганини англаб-англолмай қолишяпти, шекилли. Ўлғудай китобхўрларни кўриб, уларнинг ҳаёти ҳаминқадар экани ёш қалбларни қониқтирмаётган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан ҳақиқий китобхонларнинг ўзи ҳам бошқаларни китобдан “совитаётган” кўринади. Уларнинг “ғалати” қилиқлари, ўта одамовилиги салбий таассурот уйғотади... Бундан ташқари, “Ёшлар китоб ўқимаяпти” деган таъна-дашномларда кўпроқ бадиий адабиёт назарда тутаётганга**

**ўхшайди. Ахир, китоб фақат бадиий бўлмади-ку. Илмий, сиёсий, диний... адабиётлар дегандек... Умуман, китоб ўқиш бўйича нималарни тавсия этасиз? Қайси китобларни мутолаа қилган мақбул?**

– Бир пайтлар мактаб дарслигида Абдурахмон Жомийнинг “Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас” сатри билан бошланадиган рубоийсини ўқиганмиз. Орадан қанча вақт, қанча замон ўтди, лекин мен юқоридаги мисрада айтилган фикрга бугун энди тўлиқ ишонаман. Ишонаман дейиш камлик қилар – китобдан беғараз, китобдан беминнат мусоҳиб топилмаслигига иқдорим ҳам бор. Шундай бўлса-да, китобни кўкларга кўтариб мақтаб, унга кўр-кўрона топиниш тарафдори эмасман. Одамлар ҳар хил бўлганидек, китоблар ҳам турлича: бири моҳиятан яроқсиз, иккинчиси ёлғон ва алдов тарғиботчиси, бошқа бирлари истеъдодсизлик ва ўртамиёналик намунаси... Шунинг учун ҳамма китоб онг ва идрокка яхши таъсир ўтказиб, фикрни бойитади, деган гапни эсдан чиқариш керак. Негаки, зеҳни ўтмаслаштириб, дид ва савияни бузадиган китоблар ҳам дунёда кам эмас. Масалан, ёзувчи, шоир ва олимлардан кўпчилигининг шу кунларда нашр этилаётган китобларини ўқимаган киши ҳеч нима ютказмайди. Тўғри, китобдан йироқлашув оғриқли бир масалага айланиб қолди. Аммо буни фожиага қараб бурмаслик керак. Тасаввур этайликки, ҳамма бирданига китобхонликка шўнғиб кетди – нима ўзгаради? Илмфан, бадиий адабиёт тармоқларига қараб одамлар онгида аввалгига нисбатан факт ва маълумот кўпроқ йиғилади, фикр-тушунчаларда баъзи ўзгаришлар юзага чиқади. Бироқ одамнинг ўзлиги, яъни башарий “мен”ида ҳеч қандай силжиш, янгиланиш рўй бермайди. Бунга сабаб нима? Сабаб – дин, фалсафа, адабиёт, санъат ва сиёсатга бағишланган кўндан кўп асарларнинг инсон Рухига теран таъсир ўтказолмаслиги ҳамда унинг ишонч “қалъа”сини ишғол эта олмаслигидадир.

Шундай кимсалар борки, хасталикни хасталиклари учун, риёни риёкорликлари учун севишади. Ва шу севи туғени билан бошқаларга ташланишади. Ташланган сари гўё ботинлари ёришади. Бундай кин ва адоват қашқирларининг феъл-атворини ҳеч қанақа китоб билан ислоҳ қилиб бўлмайди. Бас, шундоқ экан, китобни китобдан фавқулудда жиддият ила фарқлаб, кейин унинг куч-қувватини баҳолаш жоиз.

Айрим китоблар ўқувчининг ҳаётга аралашуш эҳтиросини пасайтириб, унда китобийлик кўникмасини орттиради. Оқибат нима бўлади? Ҳаётий ҳис-туйғулардан китобий майллар ғолиб чиқиб, инсон воқеликка ҳуркиб, чўчиб-кўрқиб қарайдиган ва қуруқ мушоҳададан нари ўтолмайдиган бир жонзотга ўхшаб қолади. Одатда, мана шундай кимсаларнинг китобхўрлик “талант”и ёшлар онгига ёмон таъсир ўтказади.

Хуллас, ҳадеб китоб ўқимаслигининг зиёни ҳақида гапираремасдан, китоб ўқишдан туғилажак зарарлардан ҳам сўзлаш керак. Ана шунда муаммонинг “кўз”и очилиб, танлаб ўқиш малакаси устида жиддий бош қотирилиши мумкин.

“Оммабоп китобларда бадбўйлик бор. Чунки уларга майда одамларнинг ҳиди сингмиш”, дейди Ф.Нитше. Бу – тўғри фикр. Тўғрилиги учун ҳам бора-бора бунақа китобларни қўлга олиб варақлаш истагидан тамоман фориф бўлаемиз.

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН суҳбатлашди.**



Энахон СИДДИҚОВА



## БЕДОРЛИК САОДАТИ

Болалигим, беғубор ва бегидир йилларим ҳақида ўйласам, ширин энтикиб кетаман. Раҳматли отам Абдурашид Эркабой ўғли оддий деҳқон, онам Жўрахон Дадахон қизи тарбиячи эдилар. Эътиборлиси шундаки, бу зотлар рўзгордан тўрт танга пул ортди дегунча мени китоб дўконига югуртирардилар. Менинг ўқишимни, илмли одам бўлишимни жуда хоҳлаганлар. Онамнинг оналари Халча отин номи билан халқ орасида машҳур бўлган, ғазаллар битган. Лекин қўлёмалари етиб келмаган. 36 ёшларида хасталаниб, барвақт вафот этганлар. Онам "энангга жуда ўхшайсан, ишқилиб умринг ўхшамасин, изини босгин" деб орзулаб, дуо қилардилар. Шу дуолар ижобатиданми 5 синфда ўқиётганимда илк шеъримни ёздим. Кейинчалик шеърларим "Ғунча", "Гулхан" журналларида, тумандаги "Пахта учун" номли газетада босилганида отам билан онам ўзларида йўқ шодланишди. Ҳатто отамнинг гузарга менинг шеърларим чиққан журнални кўтариб чиқиб, ёш боладай қувониб одамларга кўрсатганлари болалик хотирамга муҳрланиб қолган.

Китоблар оламига, адабиёт оламига шўнғишимда бир қўшнигимнинг кутубхонаси ижобий таъсир қилганини миннатдорлик билан эслайман. Дугонам билан ўйнаб уч-тўрт эшик наридаги уйлардан бирига кирдим-у ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Катта хона тўла, минглаб китоблар жавонларда тахланиб ётарди. Лекин эр-хотин татар ўқитувчилар бирорта китобга қўл теккизишимга ҳам рухсат беришмади. Ўшанда 11 ёшлар чамасида эдим. Энди менинг фикру хаёлим қандай қилсам, нима юмушларини бажарсам китоб беришади, деган ўйда қолганди. Бора-бора бу зиёли оила менинг китобга бўлган меҳримни кўриб, кутубхонасидан фойдаланишга рухсат беришди. Ота-онам мен китоб жиннисини қачон ахтаришса шу зиёхонадан топадиган бўлдилар. Ҳатто онам бир неча марта китобларингни тандирда ёқиб юбораман, деб ёлғондакам кўрқитганлари ҳануз ёдимдан чиқмайди.

1972 йили Олтиариқ туманидаги 2-ўрта мактабни "олтин медал" билан тамомладим. Отам аммаларимнинг "Қиз бола ўқиб нима бўларди!" деган эътирозларига қарамай "Ўқиб олима, шоира бўлади" дея ишонч билан мени ўқишга қузатганлар. Фарғона Давлат институти (ҳозирги университет)нинг филология факультетида ҳужжатларимни топширдим. Биринчи имтиҳондан иншо ёзиб чиқсам, отам қўлларида онам ёлган иккита бўрсилдоқ нон, чой тўла термос, остонада илҳақ турибдилар.

Ижод намуналарим устозлар назарига тушиб, 80-йилларда чоп этилган "Ёшлик" баёзларига киритилган. 1977 йили март ойида устоз Зулфияхоним уюштирган Ҳамид Олимжон ижод уйида бўлиб ўтган Республика ёш ижодкор қизлари семинарида эътироф этилгач, шеърларимни китоб ҳолида чоп этишга тавсия қилишди. Аммо шу орада турмушга чиқиб, китобим қўлёмза ҳолида қолиб кетди. Биринчи китобим «Қорақўз турналар» 1993 йили вилоятдаги "Ёш ижодкорлар" кенгаши ҳомийлигида "Чўлпон" нашриётида устозим Анвар Обиджон муҳаррирлигида 15 минг нусхада чоп этилганда 4 нафар фарзанднинг онаси эдим.

Биринчи устозим ўзим ўқиган Олтиариқ туманидаги 2-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Жамият Соҳибова эдилар. Камсукум, самимий, қаттиққўл ва ўз навбатида меҳрибон муаллима эдилар. Сўз оҳанги, талаффузи, хатти-ҳаракатларигача тақлид қилардим. Фарғона Давлат институтига ҳужжат топшириб, ҳар бир имтиҳондан ўтганимда муаллимам ўша куни кўчада мени кутиб турар, муваффақиятимдан ўзида йўқ қувонарди. Мандат куни институтга келиб, "мабодо ўтмай қолсанг, апелляцияга берамиз, сен албатта ўқишинг керак", деб кечга қадар, тушликка ҳам чиқмай натижани кутиб ўтирганлари умрбод ёдимдан чиқмайди. Фидойилик ва бағрикенглик ҳақида гап кетса ҳанузгача адабиёт муаллимам кўз олдимга келади.

9-синфдан бошлаб тумандаги "Пахта учун" газетаси қошида ташкил этилган "Ижодкор" тўғарагига қатнаша бошлаганман. Бу тўғарак машғулотлари мени ҳақиқий шеърият оламига олиб кирган. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ўша йиллари газетада ишлар ва ижодий тўғаракни бошқарар эдилар. Улар маъқул бўлган шеърларимизни нафақат туман газетаси, вилоят, республика матбуотидаги илинар, тинмай ўқишимиз, ёзишимиз учун рағбат уйғотардилар.

"Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати")газетасининг 1977 йили 7 март сониде адабиётимизнинг улуғ дарғаси, устоз Эркин Воҳидов ижодимга "Оқ йўл" тиладилар. Бу мен учун чинакам тақдир ёрлиғи эди. Ўша йили республика радиосида устозим – Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева "Оқ йўл" бердилар. Аллоҳ тақдиримга улуғ устозларни битган экан. Лекин мен уларнинг ишончини оқлолдимми, йўқми, билмайман. Улар билан ҳар сафар юз кўришганимда ана шу қарздорлик ҳисси изтиробини туяман.

Шу пайтгача ёзганларимнинг ҳаммасидан ҳам кўнглим тўлмаган. Чунки бутун умрим давомида ташкилий ишлар, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ижодга кўнглим буюрганидек вақт топа олмадим. Энг яхши асаримни яратиш орзуси ҳали армон.

Биласизми, донишмандларнинг вақт қилич кабидир, сен уни кесмасанг, у сени кесади, деган сўзларида жуда теран фалсафа мужассам. Бугун замон шу қадар шиддатли, мураккаб ва учкурки, баъзан қилмоқчи бўлган ишларинг, режаларинг вақтнинг қюнига тушиб қолаётгандай. Улгуролмаётган, кўнглингни тўлдирмаётган юмушларингнинг армони, изтиробларинг қалбингни қийма-қийма қилиб ташлаётгандай. Назаримда, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш ақл-заковатнигина эмас, руҳий бедорлик, курашчанликни ҳам талаб этади.

"Адабиёт катта йўлга қўйилган улкан ойна, унда ҳар бир миллат ўзини кўриб туради" деб ёзган эди бир франсуз файласуфи. Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг қудрати унинг адабиётида акс этади. Адабиёт ватан каби муқаддас. Буюк адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт ўлса, миллат ўлади ёки адабиёт яшаса, миллат яшайди. Чунки буюк адабиёти бўлмаган халқ юксак миллий руҳ, руҳониятга эга бўлолмайди.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда мислсиз ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни бутун дунё тан олиб турибди. Лекин энг буюк ўзгариш, юксалишлар одамларнинг онгида, халқ маънавиятида, дунёқараши ва тафаккурида содир бўлмоқда. Бугуннинг одамлари кечаги ўзбеклар эмас. Энди уларни танлаган, ўзлари англаган ҳақиқат йўлидан ҳеч ким тўхтата олмайди. Мана шу жуда қисқа даврда рўй берган эврилишлар, юксалишларда адабиётнинг улкан хизмати бор. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Бир тадбирга таклиф этилган ижодкорлар бирин-кетин минбарга чиқиб шеър ўқиямиз. Шу пайт залнинг охиридан кимдир "ҳадеб шеър ўқийверасизларми, кўшиқдан бўлсин" деди. Бу гапни секин шивирлаб эмас, бақириб айтди. Ҳамма ҳангу манг бўлди. Кимлардир ўтирган жойида эътироз билдирди. Гапнинг рости, дилимиз оғриди. Баъзан тадбирларга ўзини-ўзи таклиф қилиб, сўз сўраб, зўрма-зўраки, енгил-елпи сатрларига гулдурас қарсақлар сўраётганларни кўрганда ҳам шундай ҳолатга тушамиз. Лекин қанчалик қуюнмайлик, бадий дидимизнинг ўтмаслашиб бораётганлигига қайсидир маънода ижод аҳли кўпроқ айбдор деб ўйлайман. Чунки тоқат қилиб бўлмас даражада бўш, саёз, тижорат учун ёзилган "асарлар" бугун кўпайиб кетди. Шу "асарлар"га сўзбоши ёзиб, халққа тақдим қилаётганлар устоз ижодкорлар эканлиги эса яна-да қайғули.

2007 йили устозимиз, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон бошчилигида бир гуруҳ таниқли шоирлар, санъаткорлар вилоятимизга ташриф буюрдилар. Туман ҳокимлиги тадбирни чекка ҳудуддаги бир маҳаллада ташкил этибди. Кечки пайт меҳмонлар билан бирга тадбирга бордим у нафасим ичимга тушди. Тадбирга қишлоқ аҳолиси деярли ёппасига кўчиб чиққан. Гузарга йиғилган мингга яқин одамнинг ярми ерга шолча тўшаб, чўкка тушган. Болаларнинг қий-чуви, тўс-тўполонидан бошингиз айланади.

– Шу ерда тадбир ўтказиб бўладими? – дедим тадбир ташкилотчиси, туман маънавият-маърифат маркази раҳбари Ваҳоб акага.



– Шу қишлоққа яқин йилларда бирор шоир ёки санъаткор қадам босиб келгани йўқ. Шунга... халқнинг сўровига кўра...

Ваҳоб ака бир шовқин-сурон қилаётган болаларга, бир меҳмонларга қараб хижолат тортди. Биров шеър эшитармикин, меҳмонларнинг дили оғримаса бўлди, деган андиша билан ноилож тадбирни бошладик. Даврада шеър кўшиққа, кўшиқ шеърга уланди. Бир зумда қий-чув, шовқин-сурон тинди, "тиқ" этган товуш эшитилмайди. Оналарининг кучоғига сингиб кетган миттигина болачалар кўзидаги ҳайрат, руҳидаги чақинни, одамларнинг шеърятга, санъатга муҳаббатини кўриб гапирган гапларимдан хижолат тортдим. Ҳа, ижод аҳлининг халқ ичига юриши, адабий учрашувлар, байрамлар, ижодий давралар халқимиз қалбидаги янги тафаккур, маънавий сарчашмаларга руҳий оби ҳаёт беради. Сўз илоҳий қудратга эга, у юради, ҳаракатга келади. Яхши сўз ҳам, енгил-елпи, тумтароқлари ҳам. Яхши сўз инсонни комилликка етакласа, маънавиятга, эзгуликка хизмат қилмайдиган енгил-елпи китоблар, куйлар халқнинг бадий дидини, дунёқарашини ўтмаслаштиради. Ватанпарварлик туйғуларига болта уради. Инсонни тубанлик ботқоғига ботиради. Айрим ёшларимизнинг енгил-елпи мусиқа бангисига айланиб бораётгани ғоят ташвишланарли ҳол. Миллий адабиётимизга соя солаётган, ахлоқсизликни ташвиқ қилаётган китобларнинг кўпаяётгани ва қўлмақўл ўқилаётгани ҳам жиддий ташвишланишга арзийди деб ўйлайман. Афсуски, бу каби салбий ҳолатлар адабиётшуносларнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам адолатли баҳосини олганича йўқ.

Менинг бу ҳаётдаги яна бир шукронам шуки, фарзандларимда болалиқдан китобга муҳаббатни тарбиялай олдим, шу сабаб улар ҳаётда ўз ўринларини топишди, деб ўйлайман. Беш нафар фарзандимнинг тўрттаси олий маълумотли, катта қизим Нилуфархон олима, педагогика фанлари номзоди, Фарғона Давлат университети педагогика кафедраси мудири. Қизим Ферузахон ҳуқуқшунос, Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг судяси. Нигорахон педагог-журналист. Ўғлим Мардонбек ижтимоий соҳа мутахассиси, кенжа қизим Моҳинур Тошкент жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси. У шеър, ҳикоялар ёзади, инглиз, немис тилларидан таржималар қилади. Турмуш ўртоғим меъмор, ҳозирда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида инженер-конструктор бўлиб ишлайди.



Аёл кетиб борар ёниб,  
гувиллаб

**ЭШИК ЧЕРТИЛАДИ...**

Эшик чертилади...

Ҳапқирар юрак.

Ҳаяллаб бўлса ҳам келдимикан

Бахт?!

Балки олиб тушган кўкдан фаришта

Кўнглимга бир ёрлиқ, Ҳақдан иноят.

Эшик чертилади...

Балки бу хаёл?!

Ҳазонлар товшидир қулоққа инган.

Балки ҳасратидир дарбадар шамол

Рангсиз умидлари шоҳларда синган.

Эшик чертилади...

Вақтдир бу балки,

Бевақт юрагимни тақиллатётган.

Бесамар йилларнинг армони каби

Кўнглини занглаптиб, зил босиб ётган.

Эшик чертилади...

Тураман беҳол,

Балки олма отаёттир дов-дарахт.

Балки удир ишқимни қилган увол,

Айро йўлда ташлаб кетган

Муҳаббат!



Эшик чертилади...

Узоқ куттирмай,

Балки дўст келгандир ўзи чопарга.

Кўнги билан ҳеч кимга айтмай,

Отланамиз ёруғ сафарга.

Эшик чертилади...

Англагил, ё Раб,

Мени уйғотгучи сирли лаҳзадир.

Кимни рози қилдим дунёда яшаб?

Шу савол олдида юрак лағчадир.

Балки эшик қоқар... қилади исён,

Бўғзимга қадалиб йиғлаётган сўз.

Кўкрак қафасимда хўрланган виждон,

Балки қишдан огоҳ қилмоқчидир куз.

Эшик чертилади...

Очаман аста,

Қарогимда сизиб, қотиб қолар ёш.

Остонамда турар ҳоргин, хижолат –

Мен кутмаган дўстдай кулиб

Олтмиш ёш.

Эшик чертилади...



## ВАҚТ

Кўзин узмас ҳатто бирор он,  
Таъқиб қилмоқликни қўймайди.  
Даромадим ҳисоблаб юрган,  
Солиқ йиғувчига ўхшайди.

## АЁЛ КЕТИБ БОРАР...

Аёл кетиб борар ёниб, гувиллаб,  
Кўнглида тириклик кўнғироқлари.  
Шамоллар пойида йиғлар бош уриб,  
Сочиб юборади гул япроқларни.

Кетиб борар аёл... кўнглига ишқмас,  
Тиқиб тирикликнинг байроқларини.  
Қулоғи кар дунё, ҳайҳот эшитмас,  
Селдай тошган фарёд, ингроқларини.

Аёл кетиб борар... тундай ёйилган  
Бахтсизликдай қаро сочларин гами.  
Кўнгил меҳробига ёқиб қўйилган  
Қирқ битта жонининг қирқ битта шами.

Кетиб борар аёл... ёлғизлик аро  
Сирпанчиқ йўллари, қировли, музли.  
Онҳазратнинг умматлари, хешлари,  
Ҳазрати эркақлар, эшитяспизми?

Бу кетиши гўё кўчкилар каби,  
Қурбон қушдай тўзғир дил ришталари.  
Муҳаббатдан кетар, кўнгилдан кетар  
Худонинг ердаги фаришталари.

Кетиб борар аёл ёниб, гувиллаб...

## УСМОН НОСИРНИНГ СЎНГГИ НИДОСИ

Тош турмалар,  
Жаллод турмалар  
Аяр мендан парча қозони.  
Бунда мудҳиш сукут ўрмалар,  
Чиқармаслик керак овозни.

Мадорим йўқ қалам ушлашга,  
Юракларим кетгандир озиб.  
Деворларга,  
Ҳаттоки тошга



Кўзим билан қўйяпман ёзиб.  
Ҳаво йўқдир нафас олмоққа,  
Эшитилмас ҳатто маҳкум сас.  
Қад кўтарсанг бошинг ёрмоққа  
Бунда шифтлар қилиб турар қасд.

Қўлда кишан,  
Бўйнимда сиртмоқ,  
Кўрарманми эркингни, ватан?  
Қонга тўлган юрагим билан  
Мен қаърингда қандоқ ётаман?

Умидим бор, бир кун келар  
Эрк,  
Шу кун тинар зулм ва фарёд.  
Кишанларни парчалаб, ёриб,  
Сўзларимни қиларлар озод!

\* \* \*

Одамларнинг очарми кўзин,  
Бу қандоқ ишқ,  
Қандай муножот?!  
Милиард қушлар Ҳаққа тизилиб,  
Субҳи содиқ қилар ибодат.

Ғафлат босмас бирорта қушни,  
Бирортаси йўлдан озмаган.  
Одамлар ҳам қуш асли фақат,  
Фақат... фақат... қанот ёзмаган.

## АННА АХМАТОВА

Тош турмалар қўймас ҳеч тонгни,  
Ўтказмайди назоратидан.  
Бир кўз боқар соғинчда мунгли,  
Нелар ўтар хаёлотидан.

Қонталаш тонг...  
Гўё азадор,  
Ҳол сўрайди тирикларидан.  
Сўзлар қурбон қушдек ярадор  
Ўтолмайди туйнуқларидан.

Бир-бирининг юрагин чўқир,  
Эшитмайди ҳеч кимни худо.  
Қулоғи кар,  
Кўзлари сўқир –  
Турмалардан фарқи йўқ Дунё.



# ҚИР УСТИДАГИ АЁЛ

Роман

\*\*\*

Операция узоқ давом этди. Дўхтирлар “Операция яхши ўтди, лекин опа энди бир умр қўлтиқтаёқда қолиб кетади”, деган бўлса ҳам, эртаси куни Робия хола деворлари доғ-дуғ, бефайз палатада ҳорғин кўзларини очганда, Шоҳиста онаси жаҳаннам эшигидан қайтиб келгандек йиғлаб юборди.

– Онажон! – бор дунёси тўкилиб онасининг сўлғин юзларидан ўпди. – Худога шукр, онажоним.

– Шоҳиста... – Робия холанинг лаблари қуриб қолган эди. – Сув...

– Ҳозир, ҳозир, онажон! – у шошиб елим идишдаги сувга пахтани намлаб, онасининг лабларини артди, сўнг пиёлага бир ҳўпламгина сув қуйиб, оғзига тутди. – Ҳозирча кўп сув мумкин эмас.

Робия хола қўлларини одеял остидан оёқлари томон узатди, белидан бошланган тошдек нам гипс тиззасигача давом этган эди. Ич-ичидан тошиб келаётган фарёдни чиқармаслик учун пастки лабларини қаттиқ тишлади. Кўзларидан тирқираб оқаётган ёш икки чеккасидан сим-сим тўкилиб ётар эди.

– Онажон, – Шоҳиста онасининг озғин елкаларидан кучиб, юз-кўзларидан ўпди. – Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз, йиғламанг. Энг муҳими ўлмай қолдингиз, бошқа ҳаммаси бекор, сиз... сиз ўлиб қолганингизда мен нима қилар эдим, она?

Робия хола яна сув сўради, Шоҳиста ёнидаги тумбочкадан сочиқча олиб, онасининг юз-кўзларини артди.

– Ай, болам-а, шунчалар гуноҳим кўпмидики, Аллоҳга менинг ниятим малол келиб, ўзимдан тиндим, энди Ҳажга бораман, деган жойимда оёқсиз қилиб қўйди. Нега, қайси гуноҳларим учун?!

Унинг илтижолари Шоҳистанинг юрак-бағрини ўртаб юборди:

– Нега ундай дейсиз, она?! Сизнинг гуноҳ қилишга вақтингиз бўлганми ўзи? Олти бола, эр, колхўздаги энг катта биргад! Аллоҳ бандаларини, дунё бериб, мансаб бериб, дард бериб синайди, дер эдингиз-ку ўзингиз. Мана, сизга дард бериб, синаяпти. Оёғи синган бир сиз эмас, ҳали тузаласиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Ҳажларгаям бориб келасиз.

Уни уйга ҳам замбилда олиб қайтишди...

Ўша куни кун бўйи ёмғир ёғди. Бир неча кунлик



Расмларни Аслиддин Калонов чизган.

жазирама иссиқдан кейинги намгарчилик худди Робия холанинг шу кунги ҳолатидек юракни эзар ва нафасни бўғар эди. Шоҳиста онасининг ёнида уч кун қолиб кетди. Робия хола шу қизини бошқача бир меҳр билан яхши кўрар эди. Шунинг учун ҳам отаси “Онанг янги ҳаётига кўниккунча бир-икки кун ёнида бўлиб тур”, деб илтимос қилди. Эри “Уйда келин бор, отанг бор. Кундузлари келиб, хабар олиб турамиз”, деса ҳам унамади. Унинг юраги ғаш эди. Кайвони онасининг бир умр ҳамма нарсадан норози бўлиб, бир оғиз гапга ҳам уч кун аразлаб юради-ган келиннинг қўлига қараб, муҳтож бўлиб қолишини ҳеч

ҳазм қила олмас эди. Институтда ўқиб юрганларида бир ўқитувчиси бўлар эди. Жаҳлини чиқарганларни “Ҳе, тирик ўлик!” деб сўкар эди. Ўшанда бу ҳақоратнинг мазмунига эътибор бермаган эди. Энди ўйлаб кўрсан: кўзлари очик, дунёни кўраётти, тирик – ейиши, ичиши, керак, аммо худди ўликдек кўлидан ҳеч бир юмуш келмайди. Яхшиям, отаси бор экан, йўқса, бечоранинг ҳоли нима кечар эди-я?!

Ҳамма ўзича куйди: “Уф-ф!”, “Аф-ф!”, “Оҳ!”, “Ўҳ!”

Аммо Робия хола жуда иродали аёл эди. Тунлари ёнбошида ётган қизининг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилаётганига қараб, бир мартагина ёнбош ётсам, елкаларимга шамол тегса эди, деб орзулаб ётган бўлса ҳам тақдир пешонасига ёзган ёзиғига кўнди ва шуқр қилди. “Менинг ўрнимда болаларимдан биронтаси бўлганда, нима қилар эдим? Майли, мен бир бекорчи кампирман. Бу дунёдаги ҳамма ишларимни бажариб бўлганман. Энди ётган жойимда тоат-ибодатимни қилиб ётавераман. Ўзингга шуқр, Аллоҳим”.

Фақат келди-кетди бироз чарчатди, тўғрироғи, ҳар меҳмон келганда келинининг гезариб кетадиган афт-ангори чарчатди. Бир умр элнинг устида юриб, ҳам-манинг иззатига етиб юрган кайвони аёл эмасми, эшитган одам борки, бир келиб хабар олар эди. Робия хола “келинга ҳам оғир бўлиб кетмасин”, деб катта ўғлининг қизини қақиртирди. Уйнинг ҳамма юмушлари шу қизнинг зиммасига ортилди, лекин келиннинг чимирилган қиёфаси ёзилмади.

Ўша куни бир умр савдода ишлаган дугонаси синглиси билан келди. Ётганига бир ойдан ошган эди. Бирон юмушга уринмай уй ичида ётган бўлса ҳам бутун аъзойи бадани куруқшаб, қат-қат қирланиб кетганга ўхшар эди. Невара қизнинг латта намлаб артиши ҳаммомнинг ишини бажарармиди? Робия хола дугонасининг ялтиллаб турган юз-кўлларига ҳавас билан қараб “Кеча ҳаммомга кирган бўлса керак”, деб ўйлади, кейин яна фикрини ўзгартирди: “Жони соғ. Ҳар куни ҳаммомга кирса керак.”

Меҳмонлар узоқ ўтирди. Келин уйда эди, чимирилиб дастурхон ёзди, қанд-қурс, кеча қайнаган шўрва... Робия хола жуда сергак аёл эди, ҳадеб эшикка қараётган меҳмонларнинг нимадандир безовтами, норозими эканлигини сезди, аммо бу ҳолатнинг сабабини тушунмади.

Меҳмонлар кетишгач, Санжар билан Ноила югуриглаб унинг ёнига киришди. Иккаласининг ҳам кўлида муштдек-муштдек сап-сарик нок бор эди. Санжар хонага кира солиб, ўзини момосининг бағрига отди:

- Моможон! – боладан гупиллаб манти ҳиди келди.
- Нималар еб юрибсан, болам? – беихтиёр сўради у.
- Манти! – мақтанди бола. – Бояги момолар шундай ширин манти олиб келишган эканки!.. Сизга ҳам олиб келайми?

Унинг ҳам манти егиси келиб кетди.

– Майли...

Санжар югуриб хонадан чиқиб кетди. Бир пасдан кейин кичкинагина ликопчанинг устига иккита манти кўйиб кирди.

– Онам билан Гулзор опам ҳаммасини еб қўйибди, шугина қолибди.

Дастурхон йиғиштиргани кирган Нозима ўғлининг бошига бир туширди:

– Ҳа, биз едик, сен емадинг-а?

Робия хола бир мантига, бир келинга қаради. Меҳмон нега безовталанганини тушунди: “Бемор иссиғида есайди” дейишган бўлса керак. Келинининг очкўзлигидан хижолат тортиди:

– Эгаларига ҳам тўрттагина қўйиш керак эди, – со-вуққина қилиб танбеҳ берди.

– Ўзи камгина экан. Меҳмонларга олиб кирсам, сизга ҳам беришим керак эди. Жуда ёғли, қўй гўштига қилинган экан, ичингизни суриб юборади, деб ўйладим. Бўлмаса, нима, жуда манти егимиз келиб ўлиб турганимиз йўқ эди, – Нозима қайнонасининг бир оғиз танбеҳига юзта иддаони қалаштириб ташлади.

Санжар эса мантили ликопчани момонинг оғзига тутиб турарди:

– Момо, олинг... Ҳеч бўлмаса биттагинасини енг.

Мантидан жуда хушбўй ҳид таралиб турарди. Робия хола беихтиёр мантига кўл узатди. Унинг иссиғи кетмаган, илиққина эди. Ўзи азалдан хамирли овқатни яхши кўрарди. Қўли хамирдан чиқмас эди. Мазза қилиб мантиларни еди, манти ҳақиқатан ёғлигина экан, бутун вужуди ёғлангандек бўлди.

Кўп ўтмай ташқаридан шанғиллаган овоз эшитилди:

– Санжар, тарелкани олиб кел!

“Шу мантини еганим унга ёқмади. Бир пас туриб ўзим ейман, деганми?”

Момосини меҳмон қилганидан мамнун бўлган Санжар ликопчани олаётди, шивирлади:

– Ҳозир мен сизга нок олиб келаман. Мазза қиласиз.

Аммо сал ўтмай куруқ кўл билан сўппайиб қайтиб келди.

– Момо, нокларни яшириб ташлабди. Жуда кўп нок бор эди, ёлғондан тугади, деяпти. Яшириб қўйган. Сиз ўзингиз сўранг. Уларни сизнинг дугоналарингиз сизга олиб келган-ку.

Момо ғалати бўлиб кетди. Неварасининг қовурғалари саналиб турган нозик елкаларига қоқди, сочларини силаб-сийпади:

– Майли, ўғлим, тугаган бўлса, тугандир. Биласан-ку, мен нокни унча яхши кўрмайман.

Мантидан кейин чой ичгиси келди, қани, биттагина шоколад ҳам бўлсайди. Илгари ёғли овқатдан сўнг иссиқ чой билан қимматбаҳо шоколадлар ейишар эди. Қандай ҳузурбахш эди ўша кунлар! Ҳозир ҳам бордир ширинликлар. Шунча одам келиб-кетаяпти, ҳеч ким куруқ кўл билан келмайди, албатта. Аммо... Ҳа, майли, шу кунлар ҳам пешонасида бор экан, бундан баттарини кўрсатмасин, борига шуқр.

– Болажоним, боя меҳмонларга дамланган чойдан бир пиёлагина олиб кел.

Санжар чопиб ташқарига чиқди.

Бир пасда Нозиманинг шанғиллаган овози эшитилди:

– Ҳой, бола, пиёлани жойига қўй.

– Момомга чой олиб бораяпман.

– Қўй-е, бурнингни артиб ол, аввал, – у шанғиллаган кўйи Санжарнинг кўлидан олиб қўйган пиёлани қайнонасининг бошига қўйиб кетди. – Шунингиз ўзимга айтсангиз бўлади-ку, чой иссиқ бўлса, куйиб қолади, қоқилиб кетса, пиёла синади. Бир парча болага буюриладиган ишми шу?!

Робия хола келинига бир оғиз ҳам жавоб айта олмади. Нима десин? Бола уники. Бирининг қайноналигини, бирининг келинлигини инобатга олмаса, айтганларининг ҳаммаси тўғри. Аммо кенжа боласи тенги келиннинг бунчалик юзига ёпишиши унга жуда алам қилди. “Қарисанг мендай бўл, қора ердай бўл”, деганлари шу-да аслида. Уям қора ердай бўлиб ётибди, ҳамма, ҳатто юзига тик

қарамаслиги лозим бўлган келин ҳам бемалол кўксидан босиб ўтмоқда.

У жуда чанқаган эди, етиб келгунича тўкилиб, ярим бўлиб қолган чойни ичмади, ичкиси келмади. Тўрт қадам нарида ошхона, тўрт қадам юриб бориб, битта гугурт чақсанг, кифоя, бир зумда важиллаб бир човгум чой қайнаб қолади. Кейин мазаза қилиб чойни ичиш мумкин. Фақат оёқлари соғ бўлса!..

Бола деганлари ҳам бекор экан. Ўғил еб, ўрга кетар, қиз еб, қирга кетар, деганлари рост. Ҳаммасининг ўз иши бор. Бу ерда Робия бир қултум сувга зор бўлиб ётибди, улар эса ҳаммагинаси ўз юмуши билан!

Она деганлари ҳам бекор экан. Ўтирибди уйда ўз ташвишлари билан. “Сеникида нима қиламан, қўш қайнона бўлиб? Қўлимдан бир ёрдам келмасан!” Қай дархтга ўт тушса, ўзи ёнади, ўзи ўчади.

Бир пайт пешоб кистади. Бахтга қарши эри дори-хонага кетган, неvara қиз ҳам неча кундан бери “уйимизга бир бориб келай”, деб юриб, бугун кетган эди. “Келиб қолишар”. Тиқ этган овоздан умид қилиб, тишини тишига қўйиб ётаверди. Вақт ўтган сайин қовуғидаги танг ҳолат бутун вужудига ёйилиб борарди. У чуқур-чуқур нафас олди, аммо фойдаси бўлмади. Дамба-дам дарвоза томонга қулоқ тутар, аммо аксига олиб, ҳамма ёқ сув куйгандек жим-жит этди. Аҳволи дақиқа сайин оғирлашиб борарди. Бирдан кўзи ёстигининг ёнида тахланиб турган сочиққа тушди. Уни тахлаган кўйи бутларининг орасига олди: “Озгина бўшатиб олай”. Билдики, тўшакка ҳам ўтиб кетди: “Э-э, нима бўлса, бўлди!”. Шу пайт эшикдан Санжар кўринди.

– Болажоним, ҳовлига сув сепадиган челақни олиб кел.

Челақ кўтарган боласининг изидан кирган Нозима шалоп этиб челаққа тушган ҳўл сочиқни кўриб, қичқирди юборди:

– Вой, хола, нима қилиб қўйдингиз? Социққаям сиядими одам? Челақ ҳам ҳаром бўлди!

Бўшаниб, энгил тортган бўлса ҳам ҳўл бўлиб қолган тўшагидан ижирғаниб ётган Робия холанинг қаҳри келиб кетди: “Ҳей, кимсан ўзи? Бу ерга челақ олиб келганмидинг?!”

– Овозингни пасайт. Социқ ҳам, челақ ҳам ўзимники. Қўлингни ҳам урма, бобой келиб, ўзи ювади.

Бир ойдан бери кўзлари жавдираб, нима қилса, маъқул топиб ётган кампирнинг важоҳатини кўриб, Нозима чўчиб тушди. Қайнонаси дунёни пойи-пиёда кезиб юрган соппа-соғ пайтида ҳам унга бундай бақирмаган эди. Энди... Ётган жойида... “Э-э, билганини қилмайдими? Жуда бўлмаса, ўғлига айтиб, ҳайдатиб юборар. Ўзимам безор бўлдим шу ғурбатхонадан”.

– Социқингиз ҳам, челақингиз ҳам ўзингизга буюрсин, хола. Мен социқингизни уйимга олиб кетмоқчи эмасман. Бир оғиз айтсангиз, ўзим ёзилтириб олар эдим. Фу-у, ҳамма жой сасиб кетибди, – у эшик-деразани очиб ташлади. Остонада челақ кўтариб, анқайиб турган ўғлига бақирди. – Нимага серрайиб турибсан, бор, ташқарига чиқар.

Робия хола пешоб тўкилган тўшагида илондек тўлғанди: “Шунчалар гуноҳим кўпмиди, Аллоҳ! Мени кимларга муҳтож этдинг!”

Елвизақда қолган танасини одеялга ўраб ётиб, мосининг жойнамоз устида қиладиган илтижоларини эслади: “Ў, қодир эгам, бировга муҳтож қилма. Ўлгунимча ўзимнинг хизматимга ўзим яраб юрай”, дер эди доим.

“Биргад”, “депутат” неvara момонинг устидан кулар эди. “Фақат ўзингизни ўйлайсиз-а, момо”. Момо эса худбинларча тилагидан заррача хижолат тортмас эди: “Болам, ўзини қўллаган авлиё ҳам зўр авлиё. Ўлгунимча ўзимнинг суягимни ўзим кўтариб, ўзимнинг ҳожатимга яраб юрсам, бўлди”.

Мана бугун ўз кунига ярай олиш ҳам катта бахт эканлигини англаб етган эди.

Айниқса энди ҳеч қачон мустақил юра олмаслигини эшитган кун дарди дунёси қоп-қоронғу бўлди. “Майли, ҳеч бўлмаса, тезроқ мана шу гипсдан қутулиб, қўлтиқтаёқда бўлса ҳам ҳовлига чиқадиغان бўлса эди!” Аммо бу ҳасратли кунлар чўзилган сайин қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар чолғучининг созланаётган торидек тобора таранглашиб борарди. Робия хола уйнинг бир четиди ҳаракатсиз ётган кампир бўлса ҳам, ўғли билан келинининг муносабатлари яхши эмаслигини, ҳатто улар ўзаро гаплашмаслигини билиб олди. Санжар отаси билан онасининг жойи ҳам алоҳидалигини айтди:

– Дадам меҳмонхонада ётади.

Бир ҳоли вақт топиб, ўғлига гина қилди:

– Нима гап, болам? Тинчгина яшасанглар бўлмайдими? Менинг яримжон бўлиб қолганим камлик қилаптими? Шу аҳволимизда келин ҳайдаб, болаларни чирқиратиш етмай турибдими?

Сардор бир муддат ерга тикилиб қолди. Робия хола қаҳр билан жавоб кутиб, ўғлига қараб тураркан, Сардорнинг бошидаги мошкичири сочларни кўриб ҳайрон бўлди: “Бунинг сочи қачон оқариб улгурди?”. Елкалари ҳам ихчамгина бўлиб қолибди. Устидаги кўйлаги таранг бўлиб турарди, ҳалвирабгина турибди.

– Эна, мен бу билан яшай олмайман.

– Нега? – бу савол мутлақо ўринсиз эди. Шундай бўлса ҳам қайсарлик биланми, нималардандир умид қилиб ўғлининг оғзига тикилди. Сардор чуқур хўрсинди:

– Эна, мени қийнаманг, илтимос. Унга менинг, сизнинг, болаларнинг умуман кераги йўқ. Унга “эри бор” деган ном, бир бошпана керак. Уйига қайтиб бораё деса, икки бола билан қўш келин буни сиғдирмайди. Иложсизликдан шу ерда турибди. Агар жой топса!.. Бир кун ҳам бу жойларда қолмас эди.

– Қў-й, болам.

– Бир ой бўлди жойимиз бўлак бўлганига. Нега бундай бўлаяпти, эрим бирон ўйнаш-пўйнаш топиб олгани йўқмикин, деб хавотирга ҳам тушмайди. Унга деса, изим қумдан ошиб, бутунлай йўқ бўлиб кетмайманми? Унга барибир. Хуллас, бироз ўзингизга келиб олинг, ажрашаман.

– Ўзимга келганимда, ҳовли супуриб, кир юва олармидим? Болаларингга ким қарайди?

– Хавотирланманг, эна, қарайдиган одам топилади. Сизнинг қўлингизни совуқ сувга ҳам урдирмайман.

– Қўй, болам. Беш кунлигим борми-йўқми, шу пайтгача бола-чақа дедим, давлатнинг иши дедим, қариган чоғимда бу фалокатни топдим. Ер юзида чиритма мени. Аёл кишининг кўнгли нозик бўлади, юмшоқроқ гапир, кўнглини ол, бир нарсалар совға қил. Лекин зинҳор ажрашаман деган гапни айтма. Болаларни ўйла.

– Э-э, эна, шундай деманг. Болаларни деб ўзимни шунчалар хор қилиб қўяйинми? Хотин бўлса, сидирға хотин бўлсин, бўлмаса, йўқ бўлсин. Сиз ҳеч хавотирланманг, ҳаммаси жойида бўлади.

Сардор дадил-дадил гапираётган бўлса ҳам, ичидан синиб, тўкилиб, қуруқ сувратга айланиб бораёт-

гани кўришиб турарди. У онасининг устига эгилиб, юзларидан оҳистагина ўпиб кўйди: “Бирон нарса керак бўлса, айтарсиз. Бугун ўзим уйдаман”.

Ҳаво унчалик иссиқ бўлмаса ҳам бутун вужуди оловли исканжада қолгандай қизиқ кетди. Баданининг гипс қоплаган жойларида нималардир ўрмалаб юргандай бижирлай бошлади. Ёнбошида турган узун симни олиб, гипсининг орасига тикиб, жонини аямай қашлади. Лекин, ўрмалаётган нарсалар борган сари сим етмайдиган жойларга ичкарилаб кетаётгандек эди. Унинг юраги сиқилиб кетди: “Э-э, Худо, нега она қилиб яратдинг?!”

Шу кундан Робия холанинг ичига бир ўт кирди. Эрта-ю кеч келиннинг кўзига қарайди. У ўлгур ҳам чирилиб бир киради-ю, эшик-деразани шарақ-шуруқ қилиб очиб, уйни бир супуриб чиқади-да, шарпадай сидирилиб йўқ бўлади. Етти йилдан бери бирон марта ёнига келиб, “Хола-ёв, анави мановдай экан”, деб гурунг қилган одам эмас. Буёғи ўзига яраша келди-кетди, биров келиб, биров кетиб турибди. Келин билан холи қолиб икки оғиз гаплашиш нари турсин, ўзи билан ўзи қолишга ҳам имконият йўқ. Аммо кунора невараларини сўроққа тутуди:

– Даданг кечаси қайси хонада ухляпти?

– Меҳмонхонада. Кийимларини ҳам меҳмонхонага чиқариб олган.

– Даданг билан онанг гаплашяптими?

– Йў-ўқ, улар фақат уришишади.

Робия холанинг оёқлари юрмай қолгандан буён бор куч-қуввати кўзлари билан қулоқларига жойлангандек эди. Ёнига ким кирса, кўзига қарайди, тиқ этган овоз чиқса, бутун вужуди қулоққа айланади. Илгарилари ҳам шундаймиди ёки кампир ётиб қолганидан буён эътибор қиляптими, негадир телефон кўп жириглайди. Бобо ёки болалар олса, ҳеч ким гапирмайди. Келини олса, гапирди. Келини ҳам негадир жуда паст овозда, бир нарсадан чўчиётгандек жуда қисқа гаплашади. “Онаси! Ҳар куни бир ахборот сўрамаса, бўлмайди. Эси йўқ тўқол. Қизим борган жойда ботиб, шуники бўлиб қолсин, демайди ҳеч. Қачон қарасанг, йиринг кавлаб, бузғунчилик қилиб туради. Онаси “Эрингдан ажраш, энди бир умр касал кампирга тувак тутиб ўтмайсан”, деяётган бўлса керак”.

Неварасидан келинини чақиртирди.

Келин идиш-товоқ юваётган экан, шекилли, ёғли қўллари билан эшиқдан қаради:

– Ҳа? – унинг бетакаллуф назари кампирнинг суякларини зириллатиб юборди.

– Шоҳистага телефон қилсанг. Эртага эрталаб бир келсин.

Келин на “хўп” деди, на “йўқ” деди. “Нима ишингиз бор эди?” деб ҳам сўрамади. Индамай бурилиб, чиқиб кетди. Момонинг кўнгли хит бўлди. Бир арзимас иш учун шу беҳайр келинга сарғайганидан эзилди: “Тезроқ гипсини еча қолсайди. Қўлтиқтаёқда бўлса ҳам эшик орага чиқиб, қўлидан келганча ўз юмушини ўзи қилиб юрсайди”.

Орадан анча ўтгач, айвондан келинининг овози эшитилди:

– Яхши ўтирибсизларми? Эртага эрталаб бир келиб кетаркансиз. Билмадим, онангиз айтаяпти. Бир келиб кетсин, деди.

“Онангиз!” Ў-ў, бу келин ростдан ҳам айнибди.

Кун айна намозшом эди. Кундузги иссиқдан лоҳас бўлган борлиқ кечки дим ҳавода зўрға маррага етиб келган қариядек ҳансираб турарди. Ҳатто қушлар ҳам оғринибгина чуғурлашаётгандек эди. Робия момо тўлиқиб

дерезага қаради. Осмоннинг юзи қорайиб борарди, худди унинг кўнглидай.

Шоҳиста нонуштагача ҳовлиқиб етиб келди. Ҳали хона йиғиштирилмаган, ҳавоси оғир, невара қиз ётган тўшак ўртада ёйилиб ётарди. Шоҳиста онасининг тўшак билан битта бўлиб ётган елкаларини бағрига босар экан, йиғлаб юборди:

– Бошингизда шундай ишлар бор экан, мени эрга бериб нима қилар эдингиз? Аллакимларнинг чўрилигини қилиб, гапини эшитиб юргунча, сизнинг хизматингизни қилиб юраверардим.

– Қўй, болам, ундай дема. Отамнинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка алмаштириб юборардим, деган экан бир бечора. Йиқилишимни туш кўрибманми?–кампирнинг кўзларида ҳам ёш ғилтиллади.

– Тинчликми, эна, нимага чақиртирдингиз? – Шоҳиста онасининг кўзларини артиб, оғзига тикилди.

– Ўзим, сени соғиндим, – деди кулимсираб кампир.

– Йў-ўқ, сиз соғинганингиз учун қиз чақириб ўтирадиган хотин эмассиз, сизни билмасам экан. Чой-пой ичдингизми? – Шоҳиста сумкасидан кичкинагина тугунча чиқарди. – Йўлдан икки сих қиймали кабоб олган эдим. Иссиққина, шуни еб олинг. Гулзор қайси гўрга йўқолди, жойини йиғиб кетмайдими?

У кабобни онасининг қўлига тутқазиб, хонани йиғиштиришга тушиб кетди. Эшикни ёпиб, деразани очиб қўйди. Деразадан хонага муздек тоза ҳаво кирди. Кампирнинг юраги кенгайиб кетгандек бўлди. Кабоб юмшоққина ва жуда тотли эди, биттасини невараларига илинди.

– Бунисини олиб қўй, қорним тўйди.

– Қорнингиз тўйдими, невараларингизни ўйлаб, томоғингиздан ўтмай қолдими?

– Йў-е, невараларим емай ўтирибдими? Ўзинг егин бўлмаса?

Шоҳиста кулди:

– Майли, энажон, невараларингиз ея қолишсин. – у дерезадан бошини чиқариб, болаларни чақирди. – Сан-жар-ув! Ноила-а!

Севимли аммаларининг келганидан беҳабар қолган болалар тапир-тупур келиб, аммага ёпишиб кетишди. Амма уларнинг чўнтақларини ялтироқ конфетларга тўлдириди:

– Аввал кабобни икки бўлиб еб олинглар, кейин конфет ейсизлар. – У бир пасда саховатли сеҳрарга айланиб қолган эди.

Бобо уларни бир амаллаб аммасидан ажратиб, боғчага олиб кетди:

– Амма, биз келгунча уйингизга кетиб қолманг.

– Агар, алдасангиз, кўрасиз...

Хонада болаларнинг изидан бир ёруғ кайфият қолди.

– Ноним кўринмайдилар, – анчадан сўнг пичинг билан сўради Шоҳиста.

– У ишга эртароқ кетади. Биринчи соат дарси бўлса керак. Шу Гулзор келмаганда қийналиб қолар эдик.

– Э-э, қўйинг, эна, одамнинг кўнглида бўлса, ҳаммасига улгуради. Унинг кўнглида йўқ. Аввал мен бор эдим, менга қараб, қўлини совуқ сувга ургиси келмай юрарди. Энди Гулзорга қараётгандир-да.

– Билмасам, болам. Аканг билан оралари ҳам соз эмас. Менимча, ажрашман деб юрибди. Ҳар кун телефонда онаси билан пичир-пичир қилади. Онасини ҳам биласан-ку. Ажраш, деяётган бўлса керак. Худонинг берган куни онасиникига югуради. Уйда касал қайнонам бор, келди-кетди бўлиб турибди, демайди. Кетса, бир кеча ётмасдан қайтмайди.

– Вой, мегажин-ей. Шундай ҳам ношукр, бехайр инсон бўладими? Уйинг, жойинг, бошингда эринг, хизматкор чолу кампир бўлса, ойдек касбинг бўлса, яна нима керак унга? Шу келинингизга ҳеч тушунмадим-тушунмадим, эна.

– Шунга... – овозини пасайтирди кампир.

– Нима “шунга”?

– Анави телефонни олаётганимда сотувчи, “истасангиз, сиз йўқ пайтингизда телефонингизда бўлган гурунглари ҳам ёзиб олишингиз мумкин”, деган эди. Ёзиб оладиган тугмачасини босиб қўй, шуларнинг ғийбатларини ёзиб олиб, онасини бир қизартирай, дегандим. Отанг билан акангни аралаштиргим келмади. Гап болалаб юрмасин, дедим.

Шоҳиста онасини биринчи марта кўриб тургандай қизиқсиниб қараб қолди. Улар болалиқдан онасини ҳамма нарсага қодир, қудратли суянчиқ деб ўсишган бўлсада, кейинги ойлари ичида қачон келса, жавдираб турган нигоҳларга тўқнашавериб, онасининг бегойимлигини эсидан чиқариб қўяёзган эди.

– Хўп, эна! Аммо ўша қудангиз билан келинингизнинг қизаришини билмадим-ов. Бу жуда қийин масала.

Шоҳиста телефон аппаратини узиб келди. Бир дақиқада момо айтилган ҳолатга келтириб қўйилди, ҳатто синаб кўриш учун катта опасига қўнғироқ қилиб, кейин суҳбатларини эшитиб кўришди.

– Ё, қудратингдан! Магнитофоннинг ўзи экан-ку бу, – ёқасини тутамлади Робия кампир.

– Кичкина магнитофонли телефон бу, – онасининг сўзини тўғирлади, – ўзиям анча пулга олгандирсиз?

– Биласан-ку, чиройли нарсаларни яхши кўраман. Нархиям пича бор эди, қарасам, жуда чиройли экан, кўзимни чирт юмдим-да, олавердим.

– Эссиз... Шундай уй... Бу уйда шунчаки олинган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма жиҳоз бир санъат асари. Лекин доим норозимиз... – Шоҳиста кўзларини юмиб, афсус билан бош чайқади.

– Қўйвер, болам. Бир кўнглига етмаган жойимиз бордир-да. Гипсларни олдирай, бир чўмилтиринглари. Кейин ёнимга олиб, бир гаплашаман. Хафа қилган, ўтказган жойларимиз бўлса, айтсин. Хатоларимиз бўлса, унияма айтсин. Аммо рўзгорларининг бузилишига йўл қўймайман.

– Энажон, мен ишга боришим керак, – Шоҳиста йиғиштирина бошлади. – Менда бошқа гапингиз йўқми?

– Сен орадан уч кун ўтказиб, янганг ишда бўлган вақтида бир кел. Анавининг магнитофонини эшитиб кўраман.

– Хўп, энажон!..

Қайнонаси болаларини “Менинг “хўп”чи болаларим” деб суяр эди. Робия холанинг ўзи “хўп” деган сўзни яхши кўрарди. Бир умр каттага ҳам, кичикка ҳам “хўп” деб яшади. Болаларига ҳам шуни ўргатди. Ҳозир ҳам элликка кириб, соч-соқоли оқарган ўғилларига бир иш айтса “хўп, энажон”, дейишади. Бу келин бўлса, айтилган ишнинг фақат тескарисини қилишга ҳаракат қилади.

“Омон-омон” кунларда ҳам “Нозима, бугун бир чучвара қил”, деса, “Э-э, чарчаб бораяпман, чучвара жуда майда иш”, деб, бошқа овқат қилар эди. “Бир ош егим келаяпти” деса, у “менинг сира ош егим келмайди”, деб бурнини жийирарди. Чолу кампир аллақарлардан машинани тўлдириб бозор-ўчар қилиб келганини кўрса, қайнона “Нозима, манавиларни ташишгин” деса ҳам ниманидир баҳона қилиб, ичкарига кириб кетар эди-

да, то бозор-ўчар ташиб бўлинмагунча ташқарига чиқмас эди. Шундай пайтлари Сардор онасига қараб, “Биз сизнинг буюрганларингизни қилмасликка, “хўп” демасликка қасам ичганмиз. Минг яхши гапираверинг, ҳеч ўзгармаймиз”, дер эди пичинг қилиб. Кампир эса қўл силтаб, кулиб қўярди: “Майли, болам. Чарчаб ҳолдан тойиб бораётганинг йўқ, ташийвер”.

Аммо бугунги режаси шунча йилдан бери эрка келинининг ҳамма камчиликларидан кўз юмиб, амал-тақал қилиб қурган салтанатни вайрон қилиб ташлашини билганида сираям бу ишга қўл урмаган бўлар эди.

Шу куни Оллоқул бобо ҳам кампирини неварани қизга ташлаб бозорга кетган эди. Шоҳиста одатдагидек онасига икки сихгина қиймали кабоб олиб келган экан. “Шошманг, ўша ғийбатларни эшитасиз-да!..”, деб, аввал кабобни едирди, сўнг чой дамлаб келиб, онасига бир пича чой ичиргач, телефонни узиб олиб келди.

– Мана, энди мириқиб ўзингиз ҳақингиздаги ғийбатларни эшитинг, – ёзувли тасмани бор овози билан қўйди.

– Асалим, қандайсиз? – Эркак кишининг овозини эшитиб, она-бола ҳанг-манг бўлиб қолишди.

– Яхши, она. Ўзингиз яхши юрибсизми? – иккинчи томондан Нозиманинг хавотирли овози эшитилди.

– Ҳаҳ, одобли қизимдан-да, – эркак киши масхара қилгандай ҳиринглаб кулди. – Кунингиз қаттиқ сизнинг. Узук ёқдимми?

– Ҳа, жудаям, раҳмат сизга.

– Қуруқ раҳматга қорин тўймайди. Ҳақини қачон берасиз?

– Номарддан қарз олма, қарз олсанг ҳам харж қилма, дейишган.

– Тўғри айтишган, – эркак кулди. – Сизни деган чоғ мен номардман. Сабр-тоқатим тугаб бораёпти. Тезроқ бир чорасини топиб, онамниқига деб чиқасизми, дугонамниқига деб чиқасизми, икки соатга келиб кетинг.

– Кўраман, она.

– “Кўраман”ни чўнтагингизга солиб қўйинг. Менга “хўп бўлади, бегим” денг.

– Хўп бўлади, сал туриб ўзим кўнғироқ қиламан. Уйдагиларга салом айтинг.

– Ҳаҳ, жонидан. Сиз ўқитувчи эмас, актриса бўлингиз керак эди.

Шоҳиста титраб турган бармоқлари билан телефоннинг тугмачасини босиб қўйди:

– Ахир, бу Ҳамдам-ку! – унинг ранги девордек оқариб кетган эди.

– Ҳамдаминг ким? – қулоқлари шанғиллаб қолган Робия хола бир ютиниб, танглайига ёпишиб қолган тилини зўрға ажратиб, сўради. – Ким у, Ҳамдам?

– Эримга куёвжўра бўлган бола!

Шоҳиста ўрнидан сакраб турди, у бир зумда ярадор шерга айланган эди:

– Эна, мен уларни ёриб ташлайман. Ифлос, қанжиқ, қандай журъат қилди бизнинг юзимизга оёқ қўйишга?! Мен уни ўлдираман, ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман. Ҳамдамни ҳам ўлдираман. Кейин эрим билан ажрашаман. Унинг ҳамма гапдан хабари бўлган. Ҳар доим “Янганг жуда чиройли-да, бизнинг ошналарнинг юрагидан уриб қолган”, деб пичинг қилар эди. Билиб туриб, индамаган, айтмаган! Қўшмачилик қилган! Унияма ўлдираман! – унинг кўзларидан тирқираб ёш оқарди. – Эна, ўғлингизнинг кўзи кўрми, наҳотки хотини бизни шунча шарманда қилиб юрганини билмасан? Сиз қўлидаги узукни кўриб, сўрамадингизми, қаердан олдинг, деб. Шундай ҳам лапашанг бўласизларми?

Кизининг аҳволини кўриб, келинининг хиёнатини ҳам бир нафас унутган она жон-жаҳди билан Шоҳистани тинчитишга уринар эди:

– Э-э, узуги бошидан қолсин. Менинг олдимга узук тақиб кирармиди у. У куни Гулзор “Янгамга онаси янги узук олиб берибди”, деган эди.

– Онаси! Вой, содда энам-а! Шунда ҳам ҳайрон бўлмадингизми? Унинг онаси битини сотиб, қизига узук олиб берадимми?

Робия момо ётган жойида узашиб қизининг этагидан ушлади. Унинг кўзлари тўла филт-филт ёш эди. Ютинди, лекин гапира олмади. Қўллари билан “Ўтир” деб ишора қилди: “Ўтир, ўтир-а, жувонмарг, манглайи қора! Эрга тегмай ўлгин, сен бадбахт. Эшигимга кимларни эргаштириб келдинг?”

Шоҳиста онасининг рангига қараб, бирдан жим бўлиб қолди, сўнг югуриб ташқаридан бир пиёла муздай сув олиб келди:

– Эна, бир хўплам ичинг.

Она бош чайқади: “Керак эмас!”

Шоҳиста пиёлага бармоқларини тикиб, онасининг юзларига сув сепди.

Робия момо анчадан сўнг ўзига келди. Шундаям беҳол, бемажол эди, кўп гапирмади: “Сен, болам, жим ўтир. Аканга ҳам айтиб ўтирма. Ўзи қизиққон, хотинини бир нарса қилиб қўйиб, қамалиб кетмасин. Нозима (“янганг” дейишга тили бормади) билан ўзим гаплашаман, – у хансираб зўрға нафас олар эди.

Шоҳиста яна йиғлаб юборди:

– Нимасини гаплашасиз, эна? Ҳали уни олиб қолмоқчимисиз? Акам билан яшатмоқчимисиз?

– Болалар бор, болам, – чуқур хўрсинди кампир.

– Эна-а-а!.. Эна!

– Жим, болам. Бош ёриғи дўппи остида. Уларнинг ўртасида нима бўлганини биров кўриб тургани йўқ.

– Эна, балки биз ҳаммадан кейин эшитгандирмиз бу гапларни. Балки одамлар аллақачон устимиздан кулиб юргандир. Эрта бир кун юзимизга ҳам солишади. Ўшанда неча пуллик одам бўламиз, қандай бош кўтариб юрамиз?

– Тухмат, деймиз. Душманларимиз тўқиб чиқаришган, деймиз. Мен болаларни етим қила олмайман, қизим.

Кампир зўрға гапираётган бўлса ҳам, сўзларида шундай қатъий оҳанг бор эдики, унга қарши чиқишга Шоҳистанинг журъати етмади. Ҳақиқатан ҳам Нозимани бир нарса қилиб қўйиб, акаси қамалиб кетса, онаси уни ҳеч қачон кечирмайди. У кўзларини бир нуқтага тикканча, тиззаларини кучоқлаб ўтириб-ўтириб, сўнг бир сўз демай, ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқиб кетди.

Онаси ҳамиша Амир Темур навкарларининг рўзгорини сақлаб қолиш учун ййлаб топган тадбирни қойил қолиб гапириб юрар эди. Эмишки, саркарда узоқ давом этган жанглардан қайтаётиб, ҳамиша бир оқшом навкарларини шаҳар ташқарисида сақлар, уларга келганликларини маълум қилиш учун, гулхан ёқиб, уюм-уюм ўтин тўплаб, олов қўйишни буюрар экан. Бундан мақсад эри жангда юрганида ўзини тута олмай, хиёнат кўчасига кириб кетган аёллар бўлса, эрининг қайтганидан хабар топиб, орқа-олдини ййиштириб олсин, ёнида жазмани бўлса, жавобини бериб юборсин, дер экан. Бирон навкар ярим тунда уйига қайтиб бориб, тўшагида бошқа эркакка дуч келиб, шунча қирғинбаротлардан эсон-омон қайтиб, ўз уйида руҳан шаҳид бўлмасин, деб шу ишни қилар экан.

Онаси гап келиб, шу тадбирни айтса, акасининг жаҳли чиқиб кетар эди:

– Эна, бу билан нима демоқчисиз? Аёллар эрларига хиёнат қилаверсин, фақат эрлари билиб қолмаса бўлди, демоқчимисиз?

– Йўқ, болам. Амир Темур қандай доно, тадбиркор бўлганини айтмоқчиман. Хотинини хиёнат устида ушлаган навкар ҳеч қачон олдингидай жасорат билан жанг қила олмайди, жисми бутун бўлса ҳам, руҳи бир умр майиб бўлиб қолади. Демак, саркарда битта навкардан ажралади. Бундан ташқари, одам кечиримли бўлиши керак.

– Нималар деяпсиз, эна? Бировнинг қўйнида ётган хиёнаткорни кечириб керакми? – тутоқиб кетади Сардор ўзини навкарнинг ўрнига қўйиб.

– Қўй, болам, айтдим, қўйдим-да. Ўша даврда ҳар бир навкар ҳисобли бўлган.

Шоҳиста олдинги сафар келганида Нозиманинг қўлида ярақлаб турган билагузукни кўриб, ҳайрон бўлган эди. Ҳазиллашиб, “Ҳа, янғапошшо, биздан беркитиб юрганларингизни энди тақаяпсизми?”, деди. Нозима ҳам “Беркитиб юрганларимизни ҳам ййиб-териби олиб кетдингиз-ку, яна гапирасиз. Бир-икки кун тақай, деб, кўнглим кетиб, дугонамикини олган эдим, шуниям кўриб қолдингизми?” деб чақиб олди.

Энди шўрлик онаси нима қилар экан? Икки бола бор. Ўлса ҳам ажратмайди. Аммо хиёнаткор келинни қандай қилиб, ўғлининг қўйнида, уйининг тўрида сақлайди?

Шоҳиста ҳовли ўртасидаги супанинг темир панжарасига суяниб, узоқ туриб қолди. Ҳамиша соғиниб, шошиб келадиган кадрдон ота ҳовли кўзига жуда ивирсиқ ва бефайз кўринди. Келиннинг кайфияти ҳовлидан ҳам кўриниб турарди. У ҳақиқатан ҳам ҳамма нарсадан воз кечганга ўхшар эди. Йўлақларнинг четларида кўрпа бўлиб ётган ажриқлар, ҳовлининг у ер-бу ерида тўнқайиб ётган бўш челақлар, ҳар доим ялтиллаб турувчи офтобаларнинг бўғиқ ранги.. Кўча томондан отасининг томоқ қирганини эшитиб, хушёр тортди. Дарвоза очилиб, икки халта бозорлик билан отаси кириб келди. Уйларига меҳмон келиши керак эди. Бир пасга деб чиққан эди, қайнонаси билан балага қолади энди. Отаси билан шошиб сўрашди-да, ичкарига кирди. Қуёш кўтарилиб, хона исиб кетган, онаси кўзларини шипнинг аллақайси бурчига тикканча, жим ётарди.

– Эна!

Кампир индамади.

– Эна, ўзингизга ташладим. Менга қолса, сира кечирмаган бўлар эдим. Дунёнинг ярми қовушиб, ярми ажрашиб ётибди. Бир сизнинг ўғлингиз ажрашгани билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Болалар ҳам йўлини топиб кетади. Ҳаммамиз қарашамиз. Яна ҳам ўзингизга ҳавола, сизга ақл ўргата олмайман, ўзингиз ҳал қилинг.

Кампир яна индамади.

– Мен энди кетаман. Уйга меҳмон келиши керак эди. Сиз сиқилманг.

– Хўп, болам, яхши бор.

– Отам ҳам келди.

– Билдим, – кампир хона ўртасида қўққайиб турган телефон аппаратида ишора қилди. – Манавини кўзимдан йўқот.

Шу куни Робия момога ҳеч ким, ҳеч нарса керак эмас эди. Кимсасиз бир дашту биёбон бўлса, дунёни бошига кўтариб, ўқириб-ўқириб ййғласа, ййғлайверса!.. Ҳеч ким “нега ййғлаяпсан?” деб сўрамаса. Ахир нима дейди? Бу саволнинг жавоби оғир, жуда оғир. Ич-ичидан

тошиб келаётган фарёд бўғзидан чиқиб кетмаслиги учун лабларини қаттиқ тишлаб, қўлларини мушт қилиб олди, аммо кўзларини идора қила олмади. Кўз ёшлари юзининг икки чеккасидан қўйилиб кетаверди, кетаверди, қулоқлари ҳам сувга тўлиб кетди. Аммо йиғласанг, дардинг енгиллашади, деганлари бекор гап экан. Момонинг юраги жуда беҳаловат бўлди. Ётиб қолгандан буён тезроқ куннинг кеч бўлишини, уйда оила аъзоларининг жам бўлишини яхши кўрар эди. Бугун эса кун кеч бўлиб, ҳамманинг йиғилишидан юраги чўчиб турарди. “Энди қандай қилиб келинининг юзига қарайди? Гаплашиб олмоқчи, аммо қандай қилиб гаплашади? Нима дейди у нобакорга? Эссиз!.. Ҳа-а, манглайи қора, бадбахт тўқол! Бошида шундай эри бўла туриб, шу ишни қилса-я. Икки боланг бўлса, муаллим деган отинг бўлса, мусулмон фарзанди бўлсанг! Э-э, бешарм, беҳаё!”

Нозиманинг келганини бетон ерга урилган пошна овозларидан билди. Тақ-туқ овозлари айвон остонасига келиб тинди, “ғийқ” этиб, эшик очилди-да, кирган одам енгилгина юриб, унинг нариги томонига кетди. “Нозима”. У анча пайт хонасида қолиб кетди. “Дам олаяпти, шекилли”. Анча вақтдан сўнг аввал айвондан, сўнг ҳовлидан шовур эшитилди: “Турдилар. Бир кириб, тил учида бўлса ҳам, яхши ётибсизми, деб қўйса, ҳаққи кетиб қоладигандай. Бетарбия, на кетаётиб, хайр, дейди, на келиб салом беради”.

Кампир ётган жойида келинининг чимирилган қиёфасини кўз олдига келтирди. Ишдан ҳориб-толиб келган ҳолимда шуларнинг ҳовли-жойини йиғиштиришим керак, кирини ювиб, овқатини қилишим керак, сигирини соғишим керак, деган иддао билан юргандир, албатта. Авваллари кампир соғ пайтида, кекса бўлса ҳам қўлидан келганича, ҳамма ёқни саранжомлаб, енгилроқ овқатларни қилиб ўтирарди. Энди кампирнинг ўзи ҳам иш бўлди.

Шу билан Нозима кампирнинг хонасига кечқурун кирди. Худди кимдир бўйнига ип солиб, мажбурлаб олиб киргандай, дилтанг қиёфада салом бериб, хонадаги идиш-товоқларни йиғиштириб кетди, кейин неварани қиздан лаби учган косада ярим косагина овқат киргизиб юборди. Унинг лаби учган идишни жуда ёмон кўришини яхши билади. Билиб туриб... Бир чақиб олиш учун... Нима қилсин, индамайгина ётган кампир билан шанғиллашиб уриша олмаса... Бу кампир ҳам ўлмаса, йитмаса, оёғи йўқ, бирон жойга бош олиб кетмаса... Дардисар, ейди, ётади!

Робия кампир юрак ҳовучлаб эрта кунни кеч қилди. Олдига ҳали униси, ҳали буниси кириб чиқаяпти. Нозиманинг ўзи келмаса ҳам чақиртиришга имкон бор эди. Журъат қила олмади. Аввал айтмоқчи бўлган гапларини кўнглига тахлаб чиқди. Сўнг ўзини бирин-кетин баҳоналар билан алдади: овқатини қилиб бўлсин, сигирини соғиб бўлсин, ҳовлини йиғиштириб бўлсин... Неваралари, ўғли келгандан сўнг бугун учун имкониятлари батамом тугаганлигидан негадир енгил нафас олди: “Бундай гапларни холи гаплашиш керак”.

У овқатга қўл ҳам урмади. Идишларни неварани олиб чиқиб кетди. Ўзича “Нега овқат емадингиз?” деган саволни кутди. Йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Эри билан ўғли унинг косасини кўрмаган, келинга эса барибир. Косадаги овқатни шартта юминди чолакка ағдарган-қўйган.

Робия момонинг ёнида қолиб ўтирган эди. Айвонда яна телефон жиринглади. Кампирнинг юраги қинидан чиқиб кетди, деди. Бутун вужуди қулоққа айланиб, айвон

томонга қаради. Бобонинг гапини ҳам тўхтатиб қўйди: “Бир пас жим туринг. Ким телефон қилаяпти?”. Бобонинг аччиги келди: “Ким бўларди, қудағайингдир-да. Нозима шу атрофда юрибди, ўзи олади”. Ҳақиқатан ҳам телефон кўнғироғи ўчиб, айвондан Нозиманинг истиғноли овози эшитила бошлади: “Ҳа, онажон. Яхши, онажон. Хўп, она. Ҳеч қўймадингиз-да, она, хўп, дедим-ку. Эртага дарсим йўқ, олдингизга ўтаман. Хўп, онажон, соғ бўлинг”.

Кампирнинг эшиги ёпиқ бўлса ҳам деворлар шунча юпқамиди, ё кампирнинг кўзлари шунчалар ўткирмиди, Нозиманинг сўзларидаги эмас, кўзларидаги нозу фироқни ҳам аниқ кўриб турарди: “Диёнатсиз. “Онажон” эмиш”.

Гурунги бўлинганидан хафа бўлган чол қудасини ёзғирди: “Бу қудағайинг ҳеч қўймайди. Қачон қарасанг, чақириб турган куни. Сен бировнинг уйи деб, битта телефон қилишга ҳам тортинардинг, у бўлса, эртаю кеч “жиринг-жиринг”! Қўл телефонлари ҳам арзон бўлиб қопти, баъзи уйларда ҳар бир одамда бир телефон эмиш. Келининг ҳам шу телефондан битта олса, кейин кечаю кундуз онаси билан гаплашиб, уйдаги ҳамма ахборотларни етказиб туради”.

– Уялинг-е, эркак бошингиз билан келинни ғийбат қилгани, – кампир ўзича эрини уришган бўлди, аммо қўл телефонлари ҳақидаги янгиликни эшитиб, юраги шув этиб кетди: “Қурибгина кетсин, илойим. Айвондаги гурунглари-ку, назоратида эди. Аммо қўл телефони олса... Олади. Тилло узук олиб берган бойвачча телефон ҳам олиб беради-да. Шарманда! Ўша йигит ҳам аҳмоқ экан. Бу тасқаранинг нимасига учган? Икки болали бировнинг хотинига осилгунча ўзинга муносиб бирон бўй қиз топ. Қиз зотига қирғин келмагандир, ахир. Кўча тўла қиз. Йўқ, йигитлар қизлардан кўрқади. Қиз боланинг жавобгарлиги бор. Эрли хотин бўлса, беш-олти кун эрмак қилиб-қилиб, жонига теккач, э-э, бор-е, деб ташлаб кетаверади. Виждонсиз!”

– Ғийбат эмас, бор гап. Келининг ҳам шу онанинг боласи. Телефон жирингласа, оғзидаги оғзида, қўлидаги қўлида қолиб кетади. Учиб бориб, телефоннинг ёнида пайдо бўлади. Ҳей, анави ерда эрим турибди, манови ерда қайнотам турибди, демайди.

– Қўйинг, – кампир оғир юк остида қолгандай чуқур хўрсиниб, устидаги кўрпани олиб ташлади, пешонасига тепчиган терларни артди. – Эртага қўл телефони олса, гаплашганини ҳам кўрмайсиз.

– Э, кампир, билганини қилсин, – бобо беҳафсала қўл силтади. – Сен билан биз ўтиб кетаётган одам. Шу, эрта-ю кеч қовоқ-бошини уюб юрадиган ичи қора одамларни ёмон кўраман. Нима дардинг бўлса айт, қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Йўқ, қачон қарасанг, қуондай тўнтарилиб юргани юрган. Қараб турсам, эрига ҳам ҳеч ўнг гапини айтмайдиганга ўхшайди. Сардорга ҳам қийин бўлди.

Кампир чолига ҳайрон бўлиб, қараб қолди. Ҳеч замонда бировнинг на ғийбати, на сифатини қилмайдиган одамнинг гаплари уни даҳшатга солди: “Ҳа, Сардорга ростдан ҳам қийин бўлди”.

Оллокул бобо ўрнидан туриб, деразанинг пардасини суриб қўйди. “Озроқ тоза ҳаво кирсин”. Бир пиёла чой қўйиб, кампирнинг ёнига қўйди. “Манави шоколаддан биттагина еб ол, устидан чой ичасан”, битта конфетни арчиб, оғзига олиб борди. Кампирнинг юпқагина лаблари титраб кетди, кўзлари ёшга тўлди.

Чол индамай, кампирнинг мижжаларини артди, кейин ёнбошида турган қўлини кафтлари орасига олди:



“Сиқилма, онаси. Сенга бу гапларни айтмаслигим керак эди. Ётган жойингда ҳам ҳаммасини кўриб-билиб ётибсан, биламан. Бир гап келганда айтиб юбордим-да мен ҳам. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ёш-да булар. Фойда-зиёнини билмайди.

Кампир индамади.

– Икки кундан сўнг гипсларингни ечамиз, – чол кампирнинг кўнглини кўтариш учун яхшиликларни ёдга олди. – Қизларингни чақираман, яхшилаб чўмилтиришади. Сўнг ўтириб, овқатингни ейдиган бўласан, кейин аста-секин юриб кетасан. Аввал қўлтиқтаёқда, сўнг ўзинг... Шунча эркалик қилиб ётганинг етар, кейин қозонтовоқни ўзинг қиласан. Сенинг овқатларингни соғиниб кетдим. Хўпми?

Кампир кўзларини юмиб, очди: “Хўп”.

– Энди йиғламайсан-а? Мен бир ташқарилаб келай.

– Бораверинг, – унинг овози ниҳоятда хаста эди.

Чол остонадан ортига қайтди:

– Ҳей, сенинг жуда мазанг йўққа ўхшайди-ку. Дўхтир чақирайми? Қон босиминг ошиб кетган бўлмасин яна. Ё юрагинг безовта қиляптими?

– “Билмасам... Нима бўлганда ҳам ўлмайн-да. Мен ўлсам, Сардор билан икки неваранинг ҳоли нима кечади?”

– Менга қара, – Оллоқул бобо кампирининг кўзларига яна синчиклаб қаради, – Мазанг йўқ бўлса айт, дўхтир чақираман.

– Майли, чақиринг, – кун бўйи давом этган асабий ҳолат кампирни бутунлай ҳолдан тойдирган эди. Худди оёқларидан жони чиқиб кетаётгандек бўлди.

Бир пасда “Тез ёрдам”нинг дўхтирлари етиб келди. Бошига оқ қалпоғини бостириб кийиб олган ўрта ёшлардаги дўхтир “Э-э, момо, бу нима ётиш? Қўйинг-е, бу эркалик сиздек донгдор биргадга ярашмайди”, дея ҳазил-ҳузул қилиб, қон босимини ўлчади, юрагини эшитиб кўрди. Сўнг ёрдамчисига қандайдир дориларнинг отини айтиб, укол қилишни буюрди. Момоларининг бошида юрак ҳовучлаб, дийдираб турган невараларни ташқарига чиқариб юборди. “Нима бўпти, дўхтир ука?” деб қайта-қайта ўсмоқчилаётган бобонинг кифтига қоқиб, тинчитган бўлди. Уколлар қилиб бўлингач, яна момонинг ёнбошига ўтирди:

– Озгина қон босимингиз кўтарилибди. Пича торикқан кўринасиз. Бир умр елиб-югуриб юрган одам ётиб қолса, ёмон. Аммо сиз жуда кучли аёлсиз. Беш-олти кун ётганингизга сиқилманг.

– Икки кундан кейин гипсни ҳам олиб ташлашади, – изоҳ берди бобо.

– Мана кўрдингизми, икки кун сабр қилсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзи, ака, биз дўхтирмиз, бизга бундай гапларни айтиш яхши эмас, – у Оллоқул акага юзланди. – Лекин беморлик ҳам яхши бир давр. Соғомон елиб-югуриб юрганда на Худони, на бандани ўйлаймиз. Беш-олти кун ётиб қолсак, Аллоҳ деймиз, тавба қиламиз, ҳаётнинг, соғлиқнинг қадрига етамиз, ҳеч кимни ётгулик қилмасин-у, аммо беморликнинг шундай томонлари ҳам бор. Энди, буни момо яхши биладилар-у, шундай бўлса-да, бир айтдим-да. Аллоҳ суйган бандасига дард берар экан.

– Шундай, – маъқуллади Оллоқул бобо.

– Шундай бўлса, руҳни туширмасдан, олға! Ҳали сизларнинг бу ҳаётда қиладиган ишларингиз кўп. Болаларни жойлаштирдик, бўлди, деманглар. Неваралар бор. Боланики ўсгунча, невараники ўлгунча, дейишади. Так что!.. Перёд!

Чол-кампир кулди:

– Маъқул.

Дўхтир кетгач, яна ҳамма ёпирилиб, момонинг хонасига кирди:

– Энди, яхшимисиз, эна?

– Момо, чой дамлаб келайми?

– Момо, сизга нечта укол қилди?

Фақат Нозима на ёнига кирди, на аҳвол сўради.

Уколдан кейин танаси бир оз юмшади, бошидаги оғриқ тарқагандай бўлди. Бобо ҳаммани ташқарига ҳайдади: “Озгина дам олсин”. Девордаги тунчиروқнинг заифгина нуридан ғира-шира ёришиб турган хонада кўзларини шипга қадаб ётиб, яна келинини ўйлади: “Бир кириб аҳвол сўрамади-я. Мен унга бир оғиз ёмон гапирган бўлмасам... Шундай ифлос йўлларда санғиб юрган одам айбини яшириш учун атрофдагиларга хушомад қилиб туриши керак эмасми? Ёки мен ҳаётни билмайманми? Балки келинимни билмасман. Балки унга барибир бўлиб қолгандир. Эрини ажрашман, дейиш даражасига олиб борган хотиннинг ўзи аввалроқ ажралишга қарор қилиб қўйгандир. Нимадир бу қарорнинг амалга ошишига халал бериб турибди. Нима экан ўша нарса?”

Дўхтир анча кучли дори берган экан, шекилли, кўп ўтмай уйқу элитди.

Эрталаб тиниқиб ўйғонди, яхши дам олган эди. Очиқ қолган деразадан кираётган муздек ҳаво баданини жунжиктирди. Турли-туман қушларнинг чуғур-чуғури болга тўлиб тургучи боғларни ёдиға солди. Ерни, осмонни, боғларини кўрмаганига қанча бўлди. У ётганидан бери дарахтлари яна ўсиб, чиройли бўлиб кетгандир-а. Ҳаммаси ўсган, ўзгарган, фақат у ер билан яксон, чилпарчин бўлиб ётибди. У “чилпарчин” деган сўзни ҳаётида минг марта ишлатгандир, аммо бу сўзнинг маъноси ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган экан. Чиндан қирқ парчин дегани-да асли. Яқиндагина Робия Соатова бўлиб, элнинг устида юрган аёл бугун қирқ эмас, минг бўлакка бўлиниб, минг парча бўлиб, ерга сингиб, ер бўлиб кетди. Оҳ, шўр бўлган шўр жоним-а! Шунчалар ёзуғинг кўпмиди сенинг?

Ҳовлидан молларнинг мўърагани эшитилди, изидан Оллоқул бобо томоқ қирди: “Ҳар ким эгасига арзи-ҳол қилади-да. Оҳ, мен кимга арзи-ҳол қилай, Аллоҳ? Юракларим ёниб кетди, кимга дардимни айтай? Оҳ, эгасини шармисор этгучи дардим-а!”

У ёнида терлаб-пишиб, қалин кўрпага бурканиб ётган неварани қизини ўйғотди:

– Тур, болам. Мактабга боришинг керак. Ҳовлиларга бир сув сепиб, супуриб, чиройли қилиб қўй. Биров ярим келиб қоладими? Бирдан жойингни ҳам йиғиб кет. Бобонг кирганда ёйилиб ётса, яхши бўлмайди.

– Хўп, моможон, – қиз уйқураб туриб ҳам хонани бир пасда саранжом-саришта қилиб чиқиб кетди. Бир оздан сўнг юз-қўлини ювиб, супурги кўтариб кирди:

– Момо, бир супуриб чиқайми?

– Майли, болам, – кампирнинг зимистон кўнглига бир қатим нур сизиб киргандай бўлди. – Ўзимнинг дастёр қизимдан айланай. Кейин ҳовлини ҳам супур. Ошхонага қара. Янган тургандан сўнг, айт, менга бир қарасин.

Орадан оламжаҳон вақт ўтгач, эшикнинг пуштиранг пардаси сурилиб, келиннинг боши кўринди: у аллақачон кўчалик кийимларини кийиб, пардоз-андоз қилиб олган эди.

– Ассаломалайкум, – бу салом бир-бирига ёпишиб қолган лаблари орасидан зўрға чиқди. – Ҳа?

Кампир бир зум саросимага тушиб, каловланиб қолди:  
– Сенда гапим бор эди, – овозидаги ялинчоқ оҳангдан ўзи нафратланиб кетди.

– Нима гап? – келин парданинг ичкари томонига ўтди. Овозида заррача такаллуф ёки қизиқиш йўқ эди. Шунчаки сўради: “Нима гап?”

– Ишларингни бир ёқли қилиб, болаларни боғчага жўнат. Кейин гаплашамиз.

– Менинг борадиган жойим бор.

– Қандай жой у? – аччиғи чиққанидан овозига бироз жон кирди.

– Онамниқига бормоқчи эдим.

– Онангники бугунча туриб туради. Ундан муҳимроқ иш бор.

– Нима иш экан у? – Нозиманинг жаҳли чиқди. “Ётган жойида менга хўжайинлик қилишини!..”

– Кейин биласан, – кампир “энди бор, боравер”, дегандек юзини терс буриб олди.

Нозима бир пас остонада серрайиб турди-да, сўнг индамай чиқиб кетди.

Ҳамма кампир билан бирин-кетин хўшлашиб, ўз юмушига кетди. Нозима ҳаммадан кейин кирди, у кўчаллик кийимларини ечиб, эгнига янги гулдор халат кийиб олган эди. У хонага кириб, қўлларини орқасига қилганча, дераза тоқчасига суяниб туриб олди:

– Тинчликми?

– Ўтир, – кампир унинг оёқлари остидаги кўрпачага ишора қилди.

– Менга шундай қулай, туравераман.

– Нозима!

– Ҳа?

– Мен ҳаммасидан хабардорман. Билсанг, сен гаплашадиган телефонни мен сотиб олганман. Сотган одам ҳамма амалларини айтиб сотган эди. Мен сенинг пичир-пичирингдан гумонсираб, ёзиб оладиган ускунасини ишлатиб қўйган эдим.

Нозиманинг ранги оқарди. Қошларини чимириб ерга қаради.

– Сендан нимани кутсам ҳам, бундай аҳмоқчиликни кутмаган эдим. Нима хаёл билан бу кўчага кирдинг, билмайман. Лекин икки бола бўлмаса, ўғлим хотинсиз ўтиб кетса ҳам, ҳаммасидан воз кечиб юборар эдим. Аммо мен невараларимни кўчага ташлаб қўя олмайман. Сен ё бу ўйинларни тўхтатасан, ё уйдан чиқиб кетасан.

Нозима ерга қараганча, анча вақт жим қолди. Лекин бошини кўтарганда ҳам кўзларида заррача саросима йўқ, мутлақо хотиржам эди.

– Бу ерда сиз ўйлаган нарса йўқ. Биз у йигит билан шунчаки дўстмиз. Ўзи ёш бола, ҳатто уйлангани ҳам йўқ. Ҳазилкаш. Сиқилиб юрган вақтларим у билан гаплашсам, кўнглим ёзилади.

– Тилло тақинчоқларни ҳам ҳазиллашиб олиб берганмиди?

Ёлғонлари бефойда эканлигини англаб етган Нозима юзидаги энг сўнги пардани ҳам йиртиб ташлади:

– Э-э, менга қаранг, мақсадингиз нима?! Мени ҳайдашми? Биламан, шу уйга келганимдан буён сизга ёқмайман, мени йўқотиш учун баҳона излаб юрасиз. Уч ойдан бери ётқизиб, овқат берганимнинг мукофотига шу тўхматни ўйлаб топдингизми? Кетишимни жудаям истаётган бўлсангиз, ҳар хил нарсаларни тўқиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўзим зўрга юрган эдим. Шундай ҳам кетавераман.

Кечадан буён ичи заҳар-заққумга тўлиб, азоб билан илондек тўлганиб ётган бўлса-да, мақсади муроса эди. Бу беҳаё эса!.. Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик экан-да... Кампир ичи ёниб турган бўлса-да, яна муросага чақирди:

– Болалар-чи? Болаларга нима дейсан?

– Буни сиз ўйланг. Онангиз бузуқ аёл эди, шунинг учун ҳайдаб юборганман, десангиз, ҳарқалай сиздан миннатдор бўлишмаса керак. Қолаверса, болаларни деб шу ғурбатхонада бир умр яшаш ҳеч ақлга тўғри келмайди, – у шундай деди-ю, зипиллаб хонадан чиқиб кетди.

Робия момо ётган жойида ҳанг-манг бўлиб қолаверди. Югуриб бориб тўхтатай деса, бунинг оёғи юрмайди, изига қайтар, деса, унинг инсофи йўқ.

\*\*\*

Нозима қайнонасининг олдида ўзини ҳар қанча бамайлихотир тутган бўлса-да, хонадан чиққунча адоий тамом бўлган эди. Бу ўлгур қари каламуш нималардан-дир ис олиб юганини сезар, ўзига ҳам ёқмаётган турмуши ниҳоясига етиб бораётганини ҳис этар, аммо бу сезгилари уни унчалик чўчитмас, ҳаётидаги бир хиллик, садоқатли келин ролини ўйнаш жонига теккан эди. У азалдан йўлларининг, йўлдошларининг янгилиниб туришини, сафарларга чиқишни, янги-янги саргузаштларни яхши кўрарди. Тенг-тўшлари чет элларга чиқиб, жарақ-жарақ пул топиб кела бошлаганида онаси уни аллақачон узатиб юборган эди. Ҳар кимнинг юришидан бир нуқсон топадиган қайнона, кўр кўзлар очилганда ҳам қовоғи очилмайдиган эр, болалар унинг юрар йўлларини батамом беркитиб қўйди. Баъзан қизлар билан ўтирганда “Ўх, бошимда дардисар эрим бўлмаганда борми, бу ерларда овора бўлиб юрмас эдим. Дунё кезар эдим, ҳам саёҳат, ҳам тижорат. Ҳам дунё кўрар эдим, ҳам пул ишлар эдим”, дер эди доим. Бир кўшнларининг қизи саккиз йилдан бери Грецияда юрибди. Ўзи Грецияда, буёқда унинг учун қаср қурилди, энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. Бир носқовоқдай қиз, бутун ака-укаларининг ҳомийсига айланди, қайсига уй олиб берган, қайсинисига машина олиб берган. Ҳар келганда Грецияга қиз олиб кетади, ўзи одамларни ишга жойлаштиришдан бошқа юмуши йўқ экан. Грецияда ҳам уй-жойи, меҳмонхонаси бор экан. Ана, ҳаёт! Нима, Нозима шунча ақли, шунча ҳусни билан ўша носқовоқ эплаган ишни эплай олмайдими? Жуда эплайди. Фақат аввал мана-ви “тоштурма”дан чиқиб олиш керак, кейин ўз-ўзидан йўллари очилиб кетади. Лекин бу ёқда Ҳамдам ҳам бор. Бу бойвачча йигит унга ҳеч нарса ваъда бермаётган бўлса ҳам, у билан бирга бўлиш унга жуда ёқар эди. Эҳтимол, Нозима унинг ҳаётидаги ягона аёл эмасдир, шунчаки кўнгил шуши учун уни излаётгандир, лекин барибир бир гапириб, ўн куладиган бу дилбар йигитнинг мафтунига айланган эди.

Агар чет элга кетса, ундан воз кечиши керак. Бу эса жуда қийин. Ҳамдам бу режасидан хабар топса, тиш-тирноғи билан қарши чиқиши аниқ. Унда нима қилади, Термизда қолаверади. Шаҳарнинг ҳар бурчагида отасининг биттадан уйи бор бойвачча йигит уни чет элга юбормаса, битта уйини беради. Уйланмаса ҳам таъминлаб қўйса бўлди, яшайверади, ўзи хон, ўзи бек бўлиб!

Лекин қайнонасининг билиб қолгани ёмон бўлди. Эри билан бирон жанжал чиқариб, уйдан чиқиб кетди керак эди. Энди овсин-ажинлар эшитади, улардан қўни-қўшнилари, бошқа қариндош-уруғлар... Юзи шувит бўладиган бўлди-да. Яхшиси, кириб кечирим сўрагани

маъкул, “Ҳақиқатан ҳам орамизда ҳеч гап йўқ. Ўзи шилқимлик қилиб юрибди. Шу дақиқадан орани очаман. Мен ота-онамининг юзини ерга қаратишни истамайман”, дейди. Кейин Ҳамдам билан гапни бир жойга қўйиб, борадиган ери аниқ бўлгач, эри билан бир жанжал чиқаради-да, болаларини олиб, уйдан чиқиб кетади. Биров бир нарса деса, “Эрим одам эмас, еб қўйди. Қайнонам ҳам ётган жойида заҳарли илондек чақиб, кўзимни очирмади”, дейди. Ишонган одам ишонсин, ишонмаган ўзи билади.

Тушга яқин қайнонасининг олдига чой дамлаб кирди. Кампир кўзларини юмиб, лабларини қаттиқ қимтиганча, чалқанча ётарди. Қадам товушларини эшитиб, кўзларини очди, унинг кўзлари қизариб кетган эди, оғриқли нигоҳларида надоматга ўхшаш бир ифода пайдо бўлди. Нозиманинг унга раҳми келиб кетди. Чойни кампирнинг ёнбошига қўйиб, ўзи каравотнинг ёнига тўшалган кўрпачага чўккалаб, қайнонасининг серажин қўлини кафтлари орасига олди:

– Мени кечиринг, холажон. Ҳақиқатан ҳам бизнинг орамизда сиз ўйлаган нарса йўқ. У шунчаки бир шилқим йигит. Ўзи ёш бола, ҳатто уйланмаган. Ҳазил-хузул қилиб юради. Бир узук бергани ҳам рост. У жуда бой, унинг учун бир узук, бир кути гугуртдек гап. Туғилган кунингизга деб қўймади, олдим. Аммо шу дақиқадан бошлаб орани очаман. Фақат бу гап икковимизнинг орамизда қолсин.

Унинг тавбаларини тинглаётиб, кўзларидан тирқираб ёшлар чиқиб кетаётган қайнонасига қараб, ҳақиқатан ҳам босиб ўтган барча йўлларида, оромини ўғирлаган орзу-ниятларидан буткул юз ўгиришни истаётганини ҳис қилди. Ҳақиқатан ҳам одамлар ўзимга бир бошпана қурай, бир машина олай, деб, чет элларда сарсон-саргардон бўлиб, ким қулликни, ким фоҳишаликни бўйнига олиб, азоб-уқубат чекиб юради. Унинг шундай уйи-жойи бўлса, машиналари ҳам бор, эрига ўнг гапирса, эр ҳам, машина ҳам хизматида бўлади. Бир чолу кампирнинг иккита косасини ювишдан қочиб, шундай маломатларни бўйнига олиши шартми?

Кампир қўлини унинг кафтлари орасидан чиқариб олиб, кўллари устига қўйди ва оҳистагина силаб, бош ирғади:

– Хўп, боравер.

Лекин Нозима қайнонасининг олдидан кўнгли хижил бўлиб чиқди:

“Илоннинг ёғини ялаган жодугар! Ишонмади менга. Ўғлининг рўзғори бузилиб, неваралари етим бўлиб қолмаслиги учун ўзини ишонгандек кўрсатди”.

Аммо шу куни ҳеч қаерга чиқмади. Телефоннинг симини бутунлай узиб қўйиб, уйларни бир бошдан тозалаш чикди.

Қайнонасининг усти-бошини алмаштирди. Кир ювди. “Бир кун эрта-кечининг фарқи борми? Гипсларини бугун ола қолсин. Бугун чўмилтирамиз. Бир танлари яйрайди”, деб кўярда қўймай эрини дўхтирга жўнатди. Ўзи орада телефонни бир улаб, Шоҳистага кўнғироқ қилди: “Бир келиб кетинг. Холамнинг гипсини олишади бугун. Гулзор билан икковларингиз чўмилтирмасаларингиз, мендан тортинади. Ҳаммомни ёқиб, сувларни иситиб қўйдим”. Шоҳистанинг олдига одам бормиди, гапни қисқа қилди: “Бўпти, ўтаман”.

Аммо уйга келганида унинг қарашларидаги совуқ ифодани кўриб музлаб кетди: “Ҳаммасидан хабардор экан-да, бу кишиям. Ўҳ, бу ёсуман кампир дўст эмас, дўст бўлса, шу гўдакнинг сирини яна бировга айтиб ни-

ма қилар эдим, дерди. Бу дарров эрка қизини чақириб, ғийбат қилган!”

Гипс олинадиган кунни момолари билан бирга орзиқиб кутиб юрган Санжар момонинг аҳволини кўриб, йиғлаб юборди. Кампирнинг бутун аъзойи бадани ярачақа бўлиб кетган, уч ой ичида танаси янги ҳолатга мослашиб қолган, на бели, на тиззаси букилар, туриб юриш нари турсин, ҳеч бўлмаса, оёқларини осилтириб каравотида ҳам ўтира олмас эди.

Ерга икки қават одеял тўшаб, унинг устига момони замбилда кўтаргандек чойшабда кўтариб, одеялнинг устига қўйишди. Сўнг худди майитни ювгандек – ётган жойида у ёқ-бу ёққа ағдариб, чўмилтириб олишди. Сўнг яна бир чойшабга ўраб, иккинчи чойшабга замбилдек ётқизиб, каравотига чиқаришди. Кампир барибир, анча енгил тортди. Аммо Санжарни юпатиш қийин бўлди, у момосининг бошида ўтириб, йиғлади: “Гипсни олгандан кейин юриб кетаман, деган эдингиз-ку. Сиз мени алдадингиз”. Унга қараб, Нозимадан бошқа ҳаммамнинг кўзи ёшланди.

– Нега алдайсиз, эна, шундай катта одамни ҳам алдаб бўладими? – масхара қилди Шоҳиста.

– Алдаганим йўқ. Бугун юрмасам, эрта-индин албатта юриб кетаман. Аста-астачилик билан-да, болам, – астойдил ўзини оқлар эди момо.

– Алдайсиз, алдаяпсиз, – яна йиғлади бола.

– Э-э, бўлди-е, бунча шўрқиллайсан, – Сардор ўғлини уришиб ташлади. – Момонг бир балодан қутилди, деб ҳаммамиз хурсанд бўлиб ўтирсак, кайфиятни бузасан. Жим бўл, бўлмаса, ҳозир ташқарига чиқариб ташлайман.

Санжар отасига бир қараб, кўзларини артди, сўнг бурнини торта-торта орқа томондан момонинг кўрпасига кириб, кучоқлаб олди.

Нозиманинг режалари Шоҳистани кўрган дақиқадаёқ ўзгарган эди: “Кетаман. Салтанати ўзларига буюрсин”. Шоҳистани кузатиб ҳам қўймади. Қизчасини олиб, хонасига кирди-да, ётиб олди: “Эртага Ҳамдамни топиши керак! Масалани кўндаланг қўяди. Уни деб рўзғори бузилаяпти. Унинг мақсади нима? Уйланмоқчи бўлса, уйлансин. Бўлмаса, бир бошпана топиб, уни болалари билан ўз ҳимоясига олсин. Рост-да, на юргани, на тургани қўяди. Иккита тилла тақинчоқ билан бир инсоннинг қора чапланган номини оқлаб бўлмайди”.

Ҳамдамни топишдан осони йўқ эди. У “Нафис моллар” дўконининг ёнида икки йигит билан гаплашиб ту-



рарди. Нозимани кўриши билан уларга хайр-хўш қилиб, Нозиманинг ёнига югуриб келди:

– Ҳа, янга, яхши юрибсизми? Кеча акам келаман, деган эди. Келмади, тинчликми? – у атай атрофдагиларга эшиттириб баланд-баланд овозда гапирарди. – Роса хавотирландим.

– Бугун соат ўн иккиларда бораман, деяётган эдилар. Бориб қолсалар керак, – деди Нозима ҳам ва сўнг хайр дегандек бош ирғаб, йўлида давом этди.

Ҳамдам ундан бироз кейинроқ келди, бир қўлида майда-чуйда солинган елим халта, иккинчи қўлида яримлаган “Кола”. Эшикни ўзининг калити билан очиб, остонада Нозиманинг пойафзалини кўриб, суюнганидан хиргойи бошлаб юборди: “Чорламасам келмадингиз, кутганимни билмадингиз, ойми ё кунмидингиз, ўзингиз севгилим”.

Бошқа пайт бўлганда Нозима ўрнидан сакраб туриб, минг бир ноз-истиғно билан ошиғининг қўйнига кириб, қўлидаги “Кола”ни юлқиб олиб, остонадаёқ бир тўйиб симирарди. Аммо бугун йўлақдан кирувчи эшик кўриниб турадиган креслода оёқларини чалиштирганча қовоқларини уюб, индамай ўтираверди.

Ҳамдам ичкарига кириб, қўлидагиларни столнинг устига қўйди. Хонага тандирдан янги узилган сомсанинг тотли ҳиди таралди. Нозима шунда ҳам ўрнидан кўз-ғалмади.

– Ие, – Ҳамдам унинг ёнига ўтиб, елкаларидан кучди. – Ойдан ҳам, кундан ҳам гўзал экан-ку, бизнинг севгилимиз. Бу нима ўтириш? Қандай бурга чақди сизни?

– Сизга ҳазил-мазах бўлса бўлди?

– Нима қилай бўлмаса? Ўҳ, жуда ёмон бурга чаққанга ўхшайди-да ўзиям. Лекин шўрлик бургаям сизни чаққандан сўнг жойида тил тортмай ўлган бўлса керак. Улай агар, сизнинг захрингизга мендан бошқа ҳеч бир жонзот дош бера олмайди.

– Э-э, – Нозима елкасидан Ҳамдамнинг қўлини олиб ташлади, – сизга бало урармиди? Йўлимни тўсиб, кўчадан ўтказгани қўймадингиз, уйингизга олиб бориб қўяман, деб аллақаерларга олиб қочиб кетдингиз. Энди менинг отим ёмонга чиқиб, қайнонам уйдан ҳайдайман, деб ўтирибди.

– Нима? – Ҳамдамнинг юзидаги табассум ўрнини саросима эгаллади. – Қандай қилиб? Қайнонангиз қаердан билибди?

– Бир антиқа телефонлари бор эди. Ётган жойида мендан гумонсираб, шу телефоннинг запис қиладиганини ишлатиб қўйган экан...

– Ие! Кейин нима бўлди? Нима деди?

– Нима дейди? Сизнинг кимлигингизни ҳам аниқлаб олибди, – Ҳамдамни яхшилаб кўрқитиш учун ёлғон ҳам қўшиб қўйди. – Шармандангни чиқармасимдан уйдан чиқиб йўқол, деяпти. Кеча гипсини олишди. Кетмасанг, ўша йигитнинг ота-онасининг олдига бораман, деяпти. Ўша уйда бир дақиқа ҳам тургим йўқ, аммо борадиган жойим йўқ менинг. Онамнинг уйида қўш келин, бир этак невара, бир-бирининг гўштини еб ётади. У ерга борадиган бўлсам, бошим ғалвадан чиқмайди. Ундан кўра болаларни етимхонага топшириб, чет элга кетганим яхши.

– Қўйсангиз-чи! – Ҳамдам уни биринчи марта кўраётгандай ҳайрон бўлиб қараб қолди. – Чет элга! Сизга чет элда нима бор? Сизга уй керакми? Мана уй! Истаганча тураверишингиз мумкин. Кейинчалик ўзингизга бирон уй олармиз. Ҳозирча шу ерда туриб туринг. Болаларни етимхонага топширгунча, оталарига ташлаб келинг, бобоси, момоси бор, қарайверади.

– Нима?! – Нозиманинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. – Икки дунёда болаларимни уларга бермайман. Уларга бергунча бўғиб ўлдириб ташлашим мумкин, аммо бермайман. Мен ёмон, болам яхшими? Мен уларни шу болаларнинг тирноғига зор қиламан.

– Бу ёғи ўзингизга ҳавола, – Ҳамдам Нозимани тинчитиш учун дарров ён босди. – Иш, икки бола билан ўзингиз қийналиб қоласизми, дейман-да.

– Сиз-чи? Сиз ёрдам бермайсизми?

– Менинг қўлимдан нима иш келади? Оналарини бағримга босиб, тишлаб-тишлаб олишдан бошқа ҳеч нарса ваъда қилолмайман, – Ҳамдам аста-секин хотиржам тортаётган Нозиманинг юзларини силади. – Ана боринг-ки, рўзғор қилишга ёрдам бераман, лекин мен уларни боғчага олиб бориб, боғчадан олиб келиб юра олмайман.

– Боғчага олиб бориб юришингиз шарт эмас. Бозор-ўчаримизга қарашиб турсангиз бас, қолганини ўзим эплайман.

Ҳамдам Нозимани бағрига олиб, кулди:

– Қандинги ур, Ҳамдам! Аҳмаднинг тўйида айтган гапимга фаришталар “омин” деб юборган экан-да.

– Қандай гап? – Нозима ўша тўйдаги можарони сира эслашни истамас эди.

– Кўтарасига савдо қиламиз, деган эдим, эсингиздами? Мана, кўтара савдо бўлди-қолди. Икки болангиз билан қўшиб олаяпман.

“Олаяпман” деган сўз Нозиманинг кайфиятини кўтариб юборди. Бошини Ҳамдамнинг кўксига қўйиб, кўзларини юмиб олди.

– Лекин бир нарса ёдингиздан чиқмасин, – гапида давом этди Ҳамдам. – Сиз бу уйда ижарада турибсиз, қўшнилари ёки бизнинг уйдагилар келиб сўраб қолишса, ижарачиман, дейсиз. Онам рус бўлса ҳам, опаларим ғирт ўзбек, уларни момом тарбиялаган. Жойи келса, отамга ақл ўргатишади, онамга танбеҳ беришади. Шунинг учун эҳтиётроқ бўлишимиз керак.

Нозиманинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди: “Олаяпман, эмиш!”

Бир қарашда ҳаммаси жойида, уй-жойи бўлади, қарашиб, кўнглини олиб турадигани ҳам бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси турли хил ранглар билан товланиб турган совун кўпигидек омонат эканлиги кўриниб турарди. Нозиманинг кўнгли ғаш бўлди, аммо ўздан тўрт ёш кичик, уйланмаган йигитдан бундан ортиқ нима ҳам талаб қилиши мумкин. Тўғри, Ҳамдам уни ҳоли жонига қўймади, ёш қизни олиб қочгандай олиб қочди, тилла тақинчоқлар олиб берди, аммо ҳеч қачон “Сенга уйланаман. Увол-савобингга ўзим жавобгарман”, деган гапни айтган эмас. Бу йигит ундай нарсани билмайди, бундай гапларни ҳеч кимга айтмайди ҳам. Ўзбек кампир тарбиялаган бўлса ҳам ўрис! Ҳатто шу ўрисга ҳам зиммасига тушаётган масъулият унча ёқмади, гарчи ҳазил-хузул қилиб, Нозимани эркалаган киши бўлиб ўтирган бўлса-да, гаплари ҳам, ҳаракатлари ҳам унчалик қовушмаётгани кўриниб турарди. Нозиманинг батомом рўҳи синди: “Ўйнашимга ишониб, эрсиз қолган вой бошим!”

Елим халтада хушбўй ҳид таратиб турган сомсалар турган жойида совиб қолди. Иккисида ҳам сомса ейишга рағбат бўлмади. Кўп ўтмай иккиси ҳам қайтмоқчи бўлиб қолди:

– Қайнонам уйга киргизмай қўймасин яна, тезроқ кета қолай.

Ҳамдам унга ҳайрон бўлиб қаради:  
– Ҳали сизда уйга кириш имконияти борми?  
Нозиманинг аччиғи келди:  
– Нима қилишим керак, кет деса, югуриб кетиб қолмайман-ку. Ҳамма гапингиз тухмат, дедим.  
– Маладес!

Унинг мақтовига жавобан Нозима бир ўқрайиб қўйди: “Энди мендан қутулиш йўлини излайди бу”.

Эртаси куни мактабга Шоҳиста борди. Худди атай қилгандай бўш соатида борган эди. Улар мактаб ҳовлиснинг адоғида оқадиган кичкина ариқ бўйига боришди. Бу сокин бурчакда мактабнинг меҳнат дарси ўтиладиган синфхона, парталар таъмирланадиган устахона жойлашгани учун меҳнат муаллими ариқ бўйига, баҳо қўйиш баҳонасида бир нечта узун-узун ўриндиқлар ўрнаттирган эди. То ариқ бўйидаги ўша ўриндиқлардан бирига жойлашмагунларича иккаласи ҳам бир оғиз гапирмади. Ариқнинг суви лойқа, юзи хас-хашакка тўлиб оқар, аммо сув четидаги дарахтлар ҳисобига ён-атроф салқин ва баҳаво эди.

– Мен эрим билан уришдим, – анчадан сўнг гап бошлади Шоҳиста, – у ҳаммасидан хабардор экан.

Нозима ерга қаради.

– Тўй куни уни сенсираб масхара қилганингиз ёдингиздами? Ўша куни йигитлар билан баҳс бойлашган экан: “Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг боласи эмасман”, деб. Эримга “Биз энди божа бўламыз”, деб мақтанибди. Эрим, “ундай дема, қайноғам жуда яхши йигит”, деса, “хотини ҳам яхши нарса экан, хотин кишига масхара бўлиш менга тўғри келмайди”, дебди.

Нозима яна индамади.

– Ҳей, менга қаранг, эрли, икки болали кап-катта хотин бўла туриб, укангиз қатори уйланмаган йигит юр, деса, етаклашиб кетавердингизми? Майли, эрингизни, бизни уйламанг, ҳеч бўлмаса, ўзингизни ўйласангиз бўлмасмиди?

Нозима тамом бўлди: “Наҳотки?!” Аммо қайинсинглисининг кўзларига тик қараб, бош чайқади:

– Ҳаммаси тухмат! Биз у билан фақат дўстмиз. Орамизда ҳазил-мутойибадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Сиз онангиз билан мени ҳайдамоқчисизлар. Аммо болаларимни етим қилиб, ҳеч қаерга кетиш ниятим йўқ менинг.

Шоҳиста ҳанг-манг бўлиб қолди:

– Эсингиз жойидами сизнинг? Қандай тухмат? Ҳей, менинг кўлимда телефондан ёзиб олинган овозларингиз бор. Ҳозир директорингизнинг олдига кириб, ўша ёзувни столига қўяман. Болаларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчисининг кимлигини билиб қўйсин.

– Сиз бундай қила олмайсиз, – ғазабдан унинг кўзлари қисилиб кетди. – Бундай қилишингизга йўл қўймаман. Агар шундай қилсангиз, икки боламни ҳам ўлдириб, ўлимимизга қайинсинглим сабабчи, деб хат қолдираман-да, сўнг ўзимни осаман. Кейин кўрамиз ҳолингиз нима кечишини. Онангиз билан акангиз сизни кечирармикин?

Шоҳиста ўрнидан туриб кетди, қани, ёш бола бўлишса, ёнида турган манави чўлтоқ супургининг сочили битталаб юлиб, ўзини ариқнинг лойқа сувига отиб юборса!..

– Қийшиқ мўридан сассиқ тутун чиқади, деганлари шу-да. Сизнинг кўлингиздан фақат шундай ишлар келади. Чунки онангиздан зўр тарбия олгансиз.

– Онамга тил теккирманг. Мен сизнинг онангизни гапирётганим йўқ. Умуман, мени тинч қўйинг, менинг ҳаётим бу менга тегишли мулк, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

“Шу билан гап тамом” дегандек Нозима ўрнидан турди.

– Ҳей, менга қаранг, сизда на юз бор, на виждон, на нафсоният! Акамнинг юзига оёқ қўйдингиз, лекин акам Ҳамдам ҳезалакка ўхшаб гаров бойлашиб, сизнинг номингизни булғамаган. Сиз энамнинг айтганларига учманг, энам “Ўзимиздан бошқа ҳеч ким билмайди, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади”, деб калта ўйлаб юраверади. Эркак зоти бир хотиннинг билагидан ушласа, белидан ушлаб, кучоқлаб ўпдим, индамади, деб мақтанади. Ҳамдам ҳезалакни мен билмайманми, хотинчалиш! Дунёда қизбашара эркакни ёмон кўраман. Тфу! Айтиб, мақтанмаган одами қолмагандир, Робия Соатованинг келинини ундай-қилдим, мундай қилдим, деб.

– Бўлди, бас қилинг. Бу сизнинг фантазиянгиз. Менда бошқа гапингиз йўқми?

– Гапим шу – кетасиз. Энам Санжарни жуда яхши кўради. Санжарни ташлаб кетасиз.

– Вой, кўнглингизнинг кўчасидан-ей! – Нозима қайинсинглисини масхара қилиб кулди. – Санжар менинг болам, уни мен туққанман.

– Ҳали шошмай тур, сенга сичқоннинг инини минг танга қилмасам, Шоҳиста отимни бошқа қўяман, – Шоҳиста тез-тез юриб, мактаб дарвозаси томон кетди.

– Қўявер! Билганингни қил! – қичқирди Нозима шаллақи аёлларга ўхшаб. Қайинсинглиси бурилиб кетиб қолгач, дами чиққан пуфакдек бўшашиб, яна ўриндиққа ўтириб қолди. Шоҳиста то дарвозадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлмагунча, ундан кўзини узмай қараб ўтираверди. У жуда қайсар қиз эди, ҳар дақиқада фикрини ўзгартириб, изига қайтиб, мактаб директорининг олдига кириши мумкин. Ана унда Нозиманинг ўзини осидан ўзга йўли қолмайди.

Янги дарсгача ҳали вақт кўп эди. Нозима ариқ бўйида узоқ қолиб кетди: “Наҳотки?! Бу эҳтирослар, қуйиб-ёнишлар – барча-барчаси гаровда ютқизиб қўймаслик учун, қасд олиш учун уюштирилган саҳна бўлган бўлса?! Наҳотки?.. Кимни нимага алмаштирдинг, бадбахт Нозима?!” У атрофга қаради, кирлигидан асл ранги қандайлигини ҳам билиб бўлмайдиган даражага келиб қолган бир қўйлак кийган фаррош аёл у билан кулиб сўрашди:

– Ҳа, Нозимахон, нимага хилватда хаёл суриб ўтирибсиз?

Аёлнинг ҳазили унга жуда ботди: “Тавба, бўлгани бир фаррош, мени ўзига тенг қўриб, гап ташлашини қара!” У аёлга бир ўқрайиб қараб қўйди-да, индамай юзини бошқа томонга бурди. “Қани, бўкириб-бўкириб йиғласанг, атрофингда ҳеч ким бўлмаса, йиғлаётганингни ҳеч ким кўрмаса. Ҳеч ким юпатмаса сени, ҳеч ким устингдан кулмаса!..” Чиқиш кўнгироғи чалинди, мактаб ҳовлиси бир зумда қий-чувга тўлди. У судралиб синф томон кетди. Айна пайтда унинг кўзлари кўрмас, қулоқлари ҳеч нарсани эшитмас, бутун фикри-хаёли Шоҳиста айтиб кетган гапларда эди. Қани имкони бўлса, ҳозирок Ҳамдамни топиб, орани очиб олса-ю, юзига тупуриб, сўнг ҳаётини янгидан бошласа. Кетади, гапдан қолмаслик учун Шоҳистага кетмайман, деди-ю, аммо энди кетмаса бўлмас. У тоғнинг тепасидан пастга қараб, югуриб эмас, юмалаб кетаяпти, энди то ўзи биронта тошга урилиб тўхтамагунча, тўхтаб олмайди. Жараён бошланган. Орта йўл йўқ.

Талабалик йилларида ҳам шунга ўхшаш бир воқеа бўлган эди. Курсдошлар йиғилиб, тоққа чиқадиган бў-

лишди. Электричкадан тушишлари билан тиниқ осмоннинг юзида қора-қура булутлар айланиб, ёмғир ёға бошлади. Улар ёмғирдан кўрқадиган ёшда эмас эдилар. Тоғ ён бағирлари келиб-кетувчиларнинг оёқлари остида эзилиб, хунук бўлиб қолган эди, бу ерда лола тугул, қад ростлаб турган бир гиёҳни ҳам учратиш маҳол кўринди.

– Болалар! Ҳеч кимнинг оёғи тегмаган чўққилар томон олға!

Йигитлар озиқ-овқат солинган сумкаларни кўтарди, қизлар уларга эргашди.

– Бир кучоқ лола термагунча қайтиш йўқ, – аҳд қилди Нозима ҳам.

Ёмғир кучайгандан кучайди. Энг ички кийимлар ҳам, елим халталарга солинган озиқ-овқатлар ҳам сувда ивиб кетди. Уст-бошларидан сизиб тушаётган ёмғир сувлари пойафзалларини ҳам тўлдириб юборди: “ғарч-ғурч!” Аммо лолали чўққилардан дарак йўқ эди.

– Болалар! Биз лола териб бориб, бизнес қиламиз, деб чиққанимиз йўқ-ку. Қўйинглар шу лолаларни, улар ҳу, қорли чўққиларнинг нарёғидадир балки, у ерга чиқиш учун вертолёт заказ қилиш керак. Биз сиз билан дам олиш учун чиққанимиз. Шу ерда тўхтаб, дам олайлик. Қоринлар ҳам таталаб кетди. Овқатланганимиздан сўнг, истовчилар гул терсин, хоҳлаганлар ётиб дам олсин, – курс сардори болаларни тўхтатиб, муросага чақирди.

Ҳамма чарчаган эди. Унинг таклифи ҳаммага маъқул тушди. Шу атрофда ғорга ўхшаш бир ўнғир топиб, унинг ичига жойлашишди. Дарҳол сув тўлиб қолган пойафзаллар, устки кийимлар ечилиб, дастурхон ёзилди. Қорин тўйгач, йигитлар ёнбош ташлаб, қарта ўйинига тушиб кетди, қизлар гул тера бошладилар, Нозима ҳаммадан кўп гул терди.

Бир пайт сардор яна ваҳима қилиб қолди: “Тез йиғиштиринглар, ҳали замон электричка келиб қолади”.

Ҳамма норози бўлди:

– Ҳали икки соат вақт бор-ку. Энди жойлашган вақтимизда...

Сардор уларнинг инжиқликларини қатъий рад қилди:

– Йўқ, тез йиғиштиринглар! Чиқишдан тушиш қийин!

Тушиш ҳақиқатдан қийин бўлди. Ёмғир ҳамон ёғарди. Бир соатлик ҳордиқ пайти селгиган кийимлар яна жиққа ҳўл бўлди. Пойафзаллар қадимий кўшиғини айтади: “ғарч-ғурч!”. Уларнинг курсида Доно исмли бир қиз бор эди. Ўзи жуда чиройли, исми ҳам Доно, аммо ақли сал анақароқ қиз эди. Шу қиз баъзан ария айтар эди, овози ҳам жуда ўткир, ўзидек гўзал эди. Шу ерда кимдир туртки бердими ёки туманлар ичра қад кериб турган чўққилар орасида илҳоми келиб кетдими, қўлларини икки ёнга ёзиб қуйлай бошлади: “О-оо-о-а! О-оо-о-а!” Чўққилардан акс-садо қайтди: “Хо-оо-о-а!” Ариячи Доно қиз бундан янада завқланди: “О-оо-оо!” Донони Нозиманинг азалдан жини суймасди. Ҳамманинг усти боши жиққа ҳўл бўлиб зўрға келаётган бир пайтда пастга олиб тушадиган торгина сўқмоқда туриб олиб, “О-о”лагани асабини бузиб юборди. Йўл ёмон, ҳамма бир-бирини ушлаб зўрға келаётган эди. Нозима қўлларини икки ёнга ёзиб, завқ билан қуйлаётган Дононинг елкасига қаттиқ нуқиди: “Қоч-е, йўлдан. Ария айтадиган вақтингни қара, сенинг!” Ўзи олдинга ўтиб олиш учун икки қадамни тезоброқ ташлади, кейин ўзини тўхтата олмай қолди, эниш йўл югуртириб кетди. Қаердадир нимагадир қоқилиб, йиқилиб тушди. Шу қўйи бир амаллаб терган гулларини маҳкам бағрига босганча қандайдир баҳайбат тошга урилмагунча думалайверди-думалайверди...

Сўнг болалар уни кўтариб, электричкага солишди. Икки ҳафта жойидан қимирлай олмай, шипга қараб ётди. Тентак Доно келиб, кечирим сўради. “Ҳаммасига ўзим айбдорман”, дея олганди ўшанда у мардона, лекин ба-рибир ич-ичидан Донони айбларди: “Агар шу ёмғир остида ария айтмаганда!..”

Энди-чи, энди? Ортга йўл йўқ. Худди ўшандагидек то бир харсанга урилмагунча думалагани-думалаган. Лекин бу ўпқондан омон қолса, Донога айтгани каби “Ҳаммасига ўзим айбдорман” деган иқрорни айта олармикин? Йўқ, бу сафар иқрор бўлиш осон эмас.

У гарчи бу иши ҳеч нарсани ҳал қилмаса ҳам тезроқ Ҳамдам билан қуришиб, Ҳамдамнинг иқрорини, тўғрироғи, ўзини оқлашини эшитишни истар эди. Аммо бугун Ҳамдам билан учрашиб бўлмайди. Кеча салгина кеч қолгани учун қайнонасининг қовоқ-тумшуғи осилиб қолган эди. Бугун ҳам кеч борса, яхши бўлмайди. Бироз сабр қилиб тургани маъқул. Ҳамдам ҳам юрак олдириб қўйганми, ўтган икки кун ичида бир марта ҳам кўнғироқ қилмади. Сал соғинса, “Нафис моллар” дўконининг ёнида пайдо бўлиб қолар эди, бу ерда ҳам қорасини кўрсатмади. Катта танафус вақти директорнинг қабулхонасига кириб кўнғироқ қилди: “Онажон, яхши юриб-сизми? Бугун соат ўн иккиларда бормоқчи эдим. Уйда бўп туринг”.

Иккинчи томоннинг гапини эшитиб ҳам ўтирмади. Дарҳол гўшакни ўрнига қўйиб, оғзига қараб, анграйиб турган котибга раҳмат айтиб, хонадан чиқиб кетди.

Унинг асаблари жойида эмас эди, бутун бошли мактаб ўқувчилари сиғадиган кенг йўлақда Маҳбуба Султоновнага урилиб кетди. Опанинг кўзлари чақчайиб, пешонасини қоплаган реза-реза терларни кафти билан сидириб ташлар экан, унга нафрат билан қаради:

– Эс-ҳушинг жойидами сенинг?! Шунча кенг йўл турибди-ю, нега менинг устимдан юрмоқчи бўлаяпсан?

– Узр, опа, хаёл олиб қочибди.

– Узрингни пишириб е! Йиқилиб кетсам, нима бўларди?

Опа жуда семиз аёл эди, этакларидан чиқиб турган кичкинагина оёқлари юм-юмалоқ гавдасини зўрға кўтариб юрарди. У йиқилса, соғ-омон тура олмаслиги аниқ эди.

– Билмай қолдим, опа...

– Шу аҳволда бунга халқнинг боласини топшириб ўтирганимизни қара, тўғри йўлдан юра олмайдиган меров!

Буниси энди ортиқча бўлди! Нозиманинг жазава-си тутиб қолди. Бир четда гуноҳқорона, қўлини кўксига қўйиб турган эди, беихтиёр икки ёнига тушган қўллари мушт бўлиб тугилди, опанинг устига энди ростакамига бостириб борди:

– Оғзингизга қараб гапиринг. Сизга ҳеч ким одамларни ҳақорат қилиш ҳуқуқини бермаган. Билмасдан урилиб кетдим, бунинг учун узр сўрадим. Ҳаддингизни билинг. Йўқса, ҳақоратингизга муносиб иш қилиб қўйишим ҳеч гап эмас.

Унинг важоҳатини кўриб, Маҳбуба Султоновна дами чиққан пуфақдек бўшашиб қолди, ранги гезариб, шартта орқага бурилди-ю, ғўдранганича жўнаб кетди: “Сенинг масалангни педкенгашга қўйдирмасан, псих!..”

Тўртинчи соати 7“а”да эди. Эркатој болалар чиройли муаллималари билан эркин суҳбатлашгиси, эркаланиб ҳазиллашгиси келар, опаларининг эса юрагига қил сиғмас эди. Туриб-туриб шу эркатојларга дардини айт-

гиси келиб кетди. Журнални столнинг бир четига қўйиб, синфга юзланди.

– Болалар, бугун менинг бироз кайфиятим йўқ. Илтимос, мендан ҳеч нарса сўрамасдан менинг кайфиятимни кўтаришга ёрдам беринглар. Майли, бу иш қўлларингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, кайфиятимни буткул бузмасликка ҳаракат қилинглр.

Биринчи бўлиб вакурорнинг ўғли қўл кўтарди:

– Уйга берилган вазифани “аъло” даражада тайёрлаб келганман. Хўп, десангиз, изидан битта анекдот ҳам айтиб бераман.

Болалар ҳақиқатан ҳам беғубор халқ эди. Ҳам дарс бўлди, ҳам ҳазил-мутуйиба. Нозиманинг кўнглига ботиб турган тош эримади, аммо барибир охириги соати муаммосиз, тинч ўтганига шукр қилди. Лекин... Ўзи истаб-истамай яна бир катта муаммони бошлаб қўйди. Энди Маҳбуба Султоновна педкенгашга масала тайёрлайди. Маърузасини унинг тилла тақинчоқларидан бошлаши аниқ... Бир келса, қўш-қўш, деганлари шу-да. Эҳтимол, бу юртларда ризки тугаб бораётганининг белгисидир бу ҳам. Бирови уйдан ҳайдаяпти, бирови ишдан ҳайдамоқчи...

Ҳамдам бу сафар ҳам ундан кейин келди. Узоқ қолиб кетиш нияти йўқ, шекилли, кўлида “Кола”дан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Аммо эшиқдан кира солиб, пойафзалини ҳам ечмасдан бир сакраб Нозима ўтирган креслонинг ёнига ўтди-да, минг йил кўришмагандек ютоқиб ўпа кетди. Нафаси қайтиб кетган Нозима уришиш учун келганини ҳам унутиб, жони оғриганидан типирчилаб, уни ўзидан итарар, елкаларига муштар эди. Нозима бир амаллаб унинг қучоғидан бўшалиб чиққач, стол устидаги “Кола”ни олиб, ярмини симирди-да, сўнг ўзини Ҳамдамнинг ёнидаги креслога ташлади.

– Аммо лекин сиз жуда ботир аёл экансиз, – Ҳамдам чуқур нафас олиб, ўтирган жойида Нозимага юзланди. – Энди сизни ҳеч қачон кўра олмасам керак деб қўрққан эдим. Уч кундан бери ўзимга ўзим аза очиб, итдек азобланиб юрган эдим. Бугун овозингизни эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Ишонсангиз, кўчада юрибман, энг ёмон, энг хунук одамлар ҳам кўзимга бир чиroyли кўринади-ей..

– Нега? – қошларини чимирган қўйи унинг гапини бўлди Нозима. – Энди менинг сизга нима керагим бор? Менга эришдингиз, гаровда ютдингиз ёки яна бирон нарса деб гаров ўйнаганмисиз?

Ҳамдам унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Тушунмадим, қандай гаров тўғрисида гапираяпсиз?

– Шоҳистанинг тўйи куни менинг устимдан ўйнаган гаровни айтаяпман. Ё ёдингиздан чиқиб кетдимми?

– Э-э, бунча ваҳима қилманг. Одамнинг юрагини ёриб юбордингиз-ку. У шунчаки гап эди. Шунга шунчами?

– Изимдан итдек эргаштирмасам, отамнинг боласи эмасман, деганингиз ростми? Аҳмадга “Биз энди божа бўламиз, зўр нарса экан” деганингиз ҳам рост. Шунинг учун менинг йўлимни тўсиб чиққансиз, шунинг учун менга сеvgи изҳор қилгансиз, шундайми? – Нозима ўрнидан сакраб турди. – Сиз мени аҳмоқ қилдингиз, эрмак қилдингиз. Ўзингизнинг зўрлигингизни намоиш қилиш учун менинг отимни булғадингиз. Сиз ифлос, пасткаш одамсиз. Мен содда сизнинг чиройли уст-бошларингизга, чиройли гапларингизга маҳлиё бўлиб, “севги” деганлари шу экан-да, деб оиламни, ор-номусимни оёқ ости қилиб, етти қават осмонда учиб юраверибман. Суф, сизга! Энди хайр, мени бошқа изламанг. Нимагаям излайсиз, ишингиз битди. Уч ой изингиз-

дан итдек эргаштирдигиз. Бўлди-да, – унинг кўзларидан тирқираб оқаётган ёш юзларини хўл қилиб ташлади.

Ҳамдам шошиб қолди. Ўрнидан сапчиб туриб, Нозиманинг йўлларини тўсди, елкасидан кучиб, зўрға ўрнига ўтирғизди:

– Менинг бир оғиз гапимни эшитинг. Кейин нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз. Аммо мени эшитмасингиздан мен сизни ташқарига чиқармайман.

– Бўпти, унда эшитганим бўлсин. Айтинг, гапларингиз армон бўлиб қолмасин, – Нозима тумтайиб ўтириб олди. Ҳамдам мураса учунми қўлларининг устига кафтини қўйган эди, силтаб ташлади, – гапиринг.

– Ҳаммаси рост, Нозима! Сизга тўғри етказишибди.

Нозима ялт этиб, Ҳамдамга қаради.

– Унда... нега мени йўлимдан қайтараяпсиз?

Ҳамдам ерга қаради:

– Мен ортиқ сизни алдашни истамайман. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Ўша биринчи учрашувимизгача мен сизни ёмон кўрардим. Шунгача одамларнинг олдида сенсираб, обрўйимни тўқди, ундан қасдимни олишим шарт, деб ўйлар эдим. Кейин... Сизни яхши кўриб қолдим. Ишонмасангиз, ихтиёрингиз, мен сизни чин юракдан яхши кўриб қолдим ва ўша тўйда айтган гапларим бутунлай эсимдан чиқиб кетди. Ўша куни қайнонангизнинг гапларини эшитиб, тамоман ўзимни йўқотиб қўйдим. Тўғри, мен ҳозир сизга уйлана олмайман. Амаларим, опаларим нақ аждарҳонинг ўзи. Икки болали аёл сенинг тенгинг эмас, деб туриб олишади. Улар сизни бурда-бурда қилиб ташлашади. Яқинда улар мени ўзларига ёққан бир қизга уйлантиришмоқчи. Майли, уйлантиришсин, кейин менинг йўлим очилади. У уйда ўтиради. Мен сиз билан яшайвераман.

Унинг гаплари жуда самимий эди. Бу гапларга Нозиманинг жуда ҳам ишонгиси келиб турар, ҳаётини алғов-далғов қилиб ташлаган, эртанги кунидан сираям умиди бўлмаган мана шу йигитдан сира ҳам ажралишни истамас эди.

– Жуда ишондим-да ўзиям. Тўйдан кейин ўн саккиз ёшли нозанинни ташлаб, боши ғалвадан чиқмайдиган мен шўртумшукни излаб юришингизга ким ишонади?

– Ишонмасангиз, ўзингиз биласиз. Менинг бир ошнам икки болали татар аёлни яхши кўриб қолди. Ўзиям грузинларга ўхшаган, роса келишган йигит эди. Ота-онаси шу татардан ажратаман, деб бир гўзал қизни олиб берди. Ошнам ота-онасини хафа қилмади, уйланди, қизнинг иззатини ҳам жойига қўйди, аммо татар хотини ҳам ташлаб қўймади. Бир кун хотини “Иккинчи хотинингиз бор экан”, деб жанжал кўтарган экан, “Иккинчи хотин сенсан: агар истасанг, кетаверишинг мумкин, сен айтаётган аёл сенгача ҳам бор эди”, дебди. Шу билан ҳаммаси жойига тушиб кетди.

Нозима ерга қаради, кўнгли бироз таскин топган эди. Ҳамдам унинг қўлларидан тутди:

– Мени ташлаб кетманг, илтимос.

Нозима ёш қалқиб турган кўзлари билан кулди:

– Ҳақиқатдан ҳам ёш болага ўхшайсиз-эй. Орамиздаги фарқ баъзан шундай билиниб қолади-ки. Сўнг худди укасини эркалагандек юзларига оҳиста шапатлаб қўйди.

– Нима? – Нозиманинг эркалаши Ҳамдамни завқлантириб юборди. – Ким ёш бола? Ҳозир мен сизга кўрсатиб қўяман ёш болани!..

*Давоми 26-бетда*



## Баҳор келар музаффар, голиб

### БУХОРО ҚАСИДАСИ

Баҳорда лайлагию қишда лайлак қори бор,  
Ҳар майсаси малҳаму, ҳар гиёҳи доривор.  
Хазонлари – хазинам, тиконлари – зар нинам,  
Валийлар пойи теккан ҳар кафт тупроги тумор,  
Бухорий нисбасинда Имом, Ҳофиз, Дақиқим,  
Бухоройи шарифим, Бухоройи шарифим.

Шавкатингни ёзсалар Минор бўйи китобдир,  
Юз Табарийга бу иш табаррук бир “азоб” дир.  
Муқанна ёққан ўтда жинқарчадай ёнди ёв,  
Ғалвирида ганимни “элади” мард Торобий.  
Не Наршахий лол қолур тугатолмай тарихинг,  
Бухоройи шарифим, Бухоройи шарифим.

Шофирконнинг шони-ку не тоғлардан ошгандир,  
Ҳайратдадир Самарқанд, тан олган Шош – Тошканддир.  
Шопур қазган ариқнинг бўйларида ўсган эл  
Илму ирфон, ижодда дарё каби тошгандир.  
Бургут бўлар чумчуқ ҳам еса бу ер таригин,  
Бухоройи шарифим, Бухоройи шарифим.

Таърифингга етолмай шоҳбайтлар ҳам мот бўлар,  
Сен ҳақингда ҳар бир гап ҳикмату баёт бўлар,  
Камолингни куйлаган фарзандинг Дилшод бўлар,  
Не ҳам десин шаънингга бир шоири гарибинг,

Ўз номинг ўз-ўзингга энг муносиб таърифинг,  
Бухоройи шарифим, Бухоройи шарифим.

### ЁЛҒИЗЛИК

Сен йўқсан уфққа ботган қуёшдай  
Бу дунё қоронғи, қисматим қаро.  
Тураман чорасиз, кўзларим ёшлаб,  
Адашган боладай чангалзор аро.

Хўмрайган без девор тўрт томоним-а,  
Шифт бошим устида калхатдай, ё Раб!  
Бир ёвуз сеҳргар каби танимдан  
Жонимни ҳайдайдди «чиқ-чиқ»лаб соат.

Дастурхон қошига келаман беҳол,  
Гўёки марҳамат тиланиб, бироқ  
Пиёла чақчаяр девнинг кўзидай,  
Ямлашга шай турар ялмоғиз товоқ.

### АПРЕЛ

Тобора қизгинроқ сўйлайди қуёш  
Асрлар тўқиган эртақларини.  
Қизишиб тинглайди қотган тошлар ҳам,  
Дарахтлар ёзади куртақларини.

### Дилшод РАЖАБ

Бухоро вилоятида туғилган. Филология фанлари номзоди. «Отамнинг боғи», «Дарё кўнғил», «Жилвон ўғлони», «Алифбо», «Санок», «Сукут сарҳади», «Таниш товушлар», «Ўн ўрток» каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Вазият» газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди.



Самовий бир ҳисда ёнади ҳар ён,  
Қизийди заминнинг юз минг томири,  
Ҳеч нарса қолмайди пинҳону ниҳон,  
Борлиқ очиб ташлар йўзу борини:

Оламга ошкора бўлади буткул  
Қушчалар лабида қимтинган сирлар;  
Ёрилиб кетади момоқалди роқ,  
Тўкилиб-тўкилиб йиғлар абрлар...

Диллар соф ёмғирлар ювган ҳаводай,  
Бахтиёр нафаслар куй бўлар найда.  
Шаробга узанган хушнуд подшоодай  
Яқинлаб борамиз дилкушо Майга!

\* \* \*

Дилишодман, гар ранги сомондирман мен,  
Ким айтди эгилдим, тамомдирман мен?  
Узоқни кўзлаган ўқ бор кўксимда,  
Эгилган эсам-да камондирман мен!

### БУҒДОЙНИНГ ТАҚДИРИ

Майса эди, она офтоб  
Бошидан нур тўқарди.  
Ювар эди ёмғирлар гоҳ,  
Еллар силаб ўтарди.

Ўсиб камол топди дуркун,  
Роса тишиб етилди.  
Синовлардан ўтказмоқ-чун  
Бир кун олиб кетилди:

Аввал, аввал билмоқ лозим  
Чидаму бардошини.  
Юритдилар бошидан зил  
Тегирмоннинг тошини.

Энди унинг поклигин ҳам  
Бир текиирмоқ керак-да.  
Майин, оппоқ ун бўлса-да,  
Ўтказдилар элакдан.

Сув қуйдилар, муштладилар,  
Минг бир куйга солдилар.



Қизиб турган тандирга ҳам  
Бир киритиб олдилар.

Нон бўлгач у сабр қилиб  
Бор синов-оташларга,  
Эъзоз қилиб кўзга суриб,  
Кўтардилар бошларга.

### ТУНГИ ОСМОНГА БОҚИБ

Баҳор кезар еру кўкда,  
Ҳатто осмон тоқи гуллар.  
Юлдузлар – кўк майсазорда  
Бодраб чиққан қоқигуллар.

### ДАРЁ

Икки ёқдан икки қирғоқ  
Исканжаси ёмон-да.  
Нима қилсин шўрлик, кетмай  
Боши оққан томонга.

\* \* \*

Баҳор келар музаффар, голиб,  
Елкаларда оғир гам каби  
Босган пўстинларни даст олиб,  
Осиб қўяр бўғзидан барин!

Жун рўмоллар исканжасидан  
Халос бўлар банди сочлар ҳам.  
Ўсма тегиб ярашиб қолар  
Оралари очиқ қошлар ҳам.

Паранжидан қутулган каби  
Гул-гул яшнар қизлар, аёллар.  
Елкасига текканча офтоб  
Ишлар деҳқон озод қаролдай.

Ҳаяжондан ловулар қуёш,  
Дов-дарахтлар сизмас пўстига.  
Шамол тегар гариб уйларнинг  
Захлар қучиб ётган кўксига.



Улар ҳар уч кунда тушлик вақти, ярим соатгагина учрашишга келишишди:

– Бу жуда кам, – дод деб қолди Ҳамдам, – уч кун кутиб, ярим соатгина кўраманми сизни?!

Булар ҳаммаси Нозимага хуш ёқса-да, ўзи ҳам билмаган ҳолда улкан бир мавҳумотнинг қаршисига келиб қолганини англаб турарди. Ҳамдамнинг муҳаббати ҳам, ўзича тузган режалари ҳам Нозима орзу қилган жаннатга бошлаб бормайди. Тўғри, рўзғорида қайнота-қайнона бўлмас, аммо нари борса, икки хонали бир катакдек уй ва икки-уч кунда ўғридек пусиб, келиб кетадиган эр! Бундан ташқари бу муҳаббатнинг умри қанча-ю, унинг режалари қай даражада амалга ошади – бу ҳам номаълум. Лекин унинг шундай қайсар феъли бор эди-ки, бир йўлга тушдими, уни ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳатто ўзи ҳам қайтара олмас эди. Мана, ҳозир ҳам нотўғри йўлда эканлигини англаб турибди, аммо сира ҳам Ҳамдамдан воз кеча олмайди.

“Барибир эримдан ажрашиб, чет элга кетаман. Кетгунимча кўришиб турай. Кейин шундай келишган йигитнинг ўтли қучоғи ё насиб этади, ё йўқ”.

Йўл-йўлакай қизлари Грецияда яшаётган кўшнинг уйига кирди. Дилнозанинг телефон рақамини сўраган эди, хола унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Четга чиқмоқчимисан?

– Э-э, йў-ўқ, – уни тинчитди Нозима. – Ишхонамиздан бир қиз сўраган эди. Дилноза билан олдиндан таниш экан.

– Қиз болага четда нима бор? – барибир норози бўлди хола. – Дилнозанинг йўриғи бўлак. Болалари билан укаларининг эшигида туртки еб юргандан кўра, тақдиримда борини кўраман, деб кетди. У бир марта эшак бозордан ўтган, қиз боланинг эртага турмушга чиқиши бор, эртага эрининг, одамларнинг олдида ўзини нима деб оқлайди. Унга ким ишонади? Сизлар ўйлайсизларки, чет элда нон топиш осон. Қизим “Бир чиқдим энди, ҳамма камчиликларимизни битказиб олай”, деб юрибди. Ўзига қолса, ўша ёқларда бир кун ҳам қолмас эди. Ҳар келганда йиғлаб-йиғлаб кетади.

Холанинг гапи ҳали-бери тугайдиган эмас эди, аста ўрнидан кўзгалди.

– Майли, хола, қайнонам йўлимга қараб ўтирган-дир.

– Ҳа, бор, қизим. Шу рўзғорингдан, қайнонангдан қолма. Қайнонанинг тувагини тўккан келинга дўзах ўти ҳаром экан. Бош бурмай, хизматини қил, дуосини ол. Мендан ҳам салом айт.

– Хўп, хола. Энди ҳалиги қизга нима дейман? Телефонини берсангиз яхши бўлар эди-да. Бориш-бормасликни ўзлари ҳал қилаверишади, – холанинг кўзларига умидвор қаради.

– Майли эди, қизим, лекин мен унинг телефонини билмайман. Мен унга ҳеч қачон телефон қилиб кўрганим йўқ, ҳар доим ўзи телефон қилади.

“Йиғлаб-йиғлаб” кетса ҳам ўзининг уй-жойи бор, долларни тахлаб ташлагандир. У ҳам боради. Балки ўша ерларда бутунлай қолиб кетар. Ҳа, қолади. Гулжаҳон опанинг келини Америкага боргандан кейин эри билан ажрашиб, ўзининг иш берувчисига тегиб олибди, никоҳдан кейин дарров фуқаролик ҳам олибди. Уям дурустроқ одам чиқса, ўйлаб ўтирмайди, шартта тегиб, ўша ёқда қолиб кетади. Кейин “тата-пата” деб асабини бузувчи қайнонасини ҳам, ўйнашининг оғзига қараб турувчи директорни ҳам ҳеч қачон кўрмайди.

Шу кеча негадир ҳеч ухлаёлмади. Тонга яқин кўзи илинган экан, алоқ-чалоқ туш кўра бошлади. Аллақаерларда адашиб юрган эмиш, кийимлари дарахт шохларига илашиб, бирин-кетин тушиб, у шир-яланғоч бўлиб қолибди. “Тушда яланғоч қолиш яхши аломат эмас, тезроқ кийимларим топила қолсайди”, деб тушида тушини таъбирлаб диқиллаб турган эмиш. Шу пайт қарандир эри пайдо бўлибди-да, “Сен ҳаммамизни шарманда қилдинг, сени ўлдираман”, деб бўға бошлабди. У шундай қаттиқ бўғибдики, Нозиманинг нафаси қайтиб, уйғониб кетди. Агар бу туш яна бир дақиқа давом этса, унинг ухлаб ётган жойида ўлиб қолиши аниқ эди. У жиққа терга тушиб кетган эди, ўрнидан туриб атрофга қаради, аллақачон тонг отган, деразанинг ҳарир пардасидан тушиб турган оппоқ нур жим жит хонани ғирашира ёритиб турарди. Диваннинг нариги томонида қизи ғўжанак бўлиб, ухлаб ётар эди. Нозима пешонасидаги, бўйнидаги терларни артди, бўйнини артаётиб ғалати оғриқни ҳис этди: “Тавба, ростдан ҳам тушмиди у?” Ёки Сардор кириб, алам билан бўғдимикан? Йўқ, у аёл кишига қўл кўтара олмайди! Нозима шу кўйи анча ўтириб қолди. Хонага яна бир кур кўз ташлади. Бу хонага келин бўлиб тушган эди. Диванларининг бошига кўзмунчоқлар қадалган чимилдик тутилган эди. Бу деворлар, бу эшик, бу деразалар қандай бахтга, эҳтиросга тўла шивирларни эшитган... Сардор уни қанчалар яхши кўрарди. Бир нарсадан нолиса, дарров “Сен бунга бошқача кўз билан, меҳр билан қара, севиб қол, шунда ҳеч қийналмай қилаверасан”, дер эди. Унга қолса, сигир соғини ҳам, кунда уч маҳал қозон осишни ҳам, ҳар куни ивирсиб кир ювишни ҳам, рўзғорнинг ҳеч тўлмаслик касалини ҳам севиб қолиш керак эди. Яхши-да, дер эди у завқланиб, ташийверасан, ташийверасан, ҳеч тўлмайди. Агар у тўлиб қолса, одамзод бекорчи бўлиб қолар эди. Бекорга уни ғор дейишмаган, дер эди. Нозима эса севолмади... Севишни истамади.

Ўша куни Ҳамдам билан учрашишлари керак эди. Мактабдан чиқиши билан таксига ўтирди. Машинага ўтирар экан, қандайдир савқи табиий бир сезги билан кимдир унга қаттиқ тикилиб турганини ҳис қилди. Беихтиёр атрофга қаради. Йўлнинг нариги бетида турган оқ жигулининг орқасида шапкасини бостириб ўтирган одам юзини тесқари томонга бурди. Шу одамнинг туриши кўзига иссиқ учради, кимнидир эслатди, лекин аниқ кимлигини эслай олмади: “Ҳалитдан склероз бошланибди”.

Кета-кета негадир орқасига қаради, яна ҳалиги оқ жигулига кўзи тушди, у улар билан изма-из келаётган эди, лекин орқа ўриндиқда шапкали одам кўринмади. Кейин жигули улардан ўтиб кетди, лекин жуда секин юрди. Такси ҳайдовчининг аччиғи келиб, “Бу бобо бунча имиллади”, деб тезроқ ҳайдаб, улардан ўтиб кетди. Ўтиб кетишаётганда, машинанинг орқасида кимдир ётганга ўхшади. “Бечора мижозининг тоби қочиб қолган бўлса керак. Шунинг учун секин ҳайдаяпти, шекилли”, деб ўйлади Нозима. Шу билан на ҳайдовчи, на Нозима орқада қорама-қора судралиб келаётган машинага қарамади.

Нозима таксидан тушгач, одатдагидек кўни-кўшнларга дуч келмаслик учун шошиб, иккинчи қаватга кўтарилди. Ҳамдам ҳали келмаган эди. Сумкасида ўзининг калитини чиқариб, эшикни очди. У эшикни очаётган пайтда пастдан қадам овози эшитилди. Йўлакка кимдир киргандай бўлди, бу овоз уни яна ҳам шоширди: “Тезроқ кириб олай. Биров ярим таниш-билиш кўриб қолмасин”.

Ичкарига кириб, энди ойнани очаётган эди, эшик кулфига калит солиниб, шарақ-шуруқ буралди-да, даранг этиб, темир эшик очилди. Ҳамдам билан бирга йўлақдан хонага кабобми, мантими, аллақандай ширин таомларнинг хушбўй ҳидлари кирди. Нозима югуриб бориб, Ҳамдамнинг бўйнига осилди.

– Шошманг, эшикни кулфлаб олай. Йўлақда бегона кишини кўрдим. Мен уни эрингизга ўхшатдим.

– Нима? Сиз эримни қаердан танийсиз? – юраги қинидан чиқиб кетай деди Нозиманинг.

– Бир марта узоқдан кўрсатишганди. Яна билмадим, адашган бўлишим ҳам мумкин. Сиз қачон келган эдингиз?

– Ҳозиргина... – бирдан Нозиманинг ёдига машинада ўтирган шапкали одам тушди. Ахир у Сардор эди-ку. Одам ўз эрини ҳам танимаслиги мумкинми? Сардор ҳеч қачон шапка киймас эди, яна букчайиб ўтириб олган ва у қарши билан юзини нариги томонга бурди. Демак, касал бўлгани учун эмас, кузатаётганини сездирмаслик учун ётиб олган.

Улар дарҳол ичкари хонага киришди:

– Қайинсинглим сотган, – алам билан шивирлади Нозима.

– Ўзи изингизга тушган бўлиши ҳам мумкин.

– Эшикни очмаймиз.

– Хўп, қўқманг, эшикни очмайман. Сиз манави шкафнинг ичига кириб олинг.

Шкафнинг ичига кимнингдир катта пальтоси илғик турган эди. У ана шу пальтонинг ичига кириб олди. Энди шкафни очса ҳам уни ҳеч ким топа олмайди. Унинг жойлашганини кўриш учун шкафни очган Ҳамдамга пальто ёқасидан бошини чиқариб, “мени бу ердан ҳеч ким топа олмайди, хайр”, деди кулиб. Ҳамдамнинг ҳам кўнгли бироз хотиржам тортиди.

Шу пайт эшикнинг кўнгирағи босилди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, тарақлатиб тепила бошлади:

– Ит эмган Ҳамдам, эшигингни оч! Оч деяпман, мен икковингни ҳам шу эшикдан кириб кетганингни кўрдим. Очмасанг, ҳозир маҳалла раиси билан участка нозирини чақириб, эшикни бузиб кираман. Яхшиликча оч, деяпман.

Эшикни очмасликдан бошқа чора қолмаган эди. Шу тахлит бақираверса, ҳали замон бутун маҳалла унинг эшиги ёнига йиғилади. Иккаласини ҳам кўрибди, энди яширадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳамдам ич-ичини ларзага солаётган титроқни зўрға босиб, эшикни очди:

– Тинчликми, ака!

Сардор эшикдан қуюндек ёпирилиб кирди: қаршида туриб қолган Ҳамдамни ёқасидан тутамлаб, бир четга улоқтириб юборди.

– Қани, у қанжиқ?!

– Тушунмадим, кимни сўраяпсиз? – ўзича елка қисди Ҳамдам. Ичкарига аланг-жаланг қараётган Сардорнинг кўзи остонада турган Нозиманинг туфлисига тушди. Туфлиларни хиёнат устида қўлга туширгандай алам билан Ҳамдамнинг ёнига тепиб юборди.

– Бу ёққа чиқ, ҳей қанжиқ! Чиқ бу ёққа! Чи-иқ!

Ичкаридан ҳеч қандай садо эшитилмади, катта хонада фақат Сардорнинг ҳансираб нафас олиши эшитилиб турарди. У бир сакраб ичкари хонага кирди. Бўм-бўш хонага бир қур назар солди-да, худди биров кўрсатиб тургандай бурчақда турган шкафни очди ва пальтоси суриб кўраётган қўллари Нозиманинг елкаларига тегиб кетди. Пальто сидирилиб кийим илгичдан тушди-да, Нозиманинг усти очилиб қолди.

Сардор бир зум ҳаракатсиз қотиб қолди. У жиққа терга тушган, ранги қоп-қора бўлиб кетган, чеккаларида ўқпоғдай кўм-кўк томирлар кўзга ташланиб турарди.

Иккаласи ҳам бир-бирига тикилган кўйи бир зум тек қотди. Бири ўзини оқлашга, иккинчиси юрагига тушган ўтти таърифлашга муносиб сўз топа олмас эди. “Ҳозир иккаласини ҳам бўғиб ўлдираман”, деб иккинчи қаватга кўтарилган Сардор сўнги дақиқагача, остонада таниш пойафзални, кресло четида хотинининг сумкасини кўрганда ҳам иккиланганди. “Ахир заводдан биттагина нусхада чиқмагандир хотинимнинг туфлиси ёки сумкаси”. Аммо Нозиманинг жавдираб турган кўзларига кўзи тушиши билан бор дунёсини ютқазган қиморбоздай бирдан бўшашиб шалвираб қолди. Онанинг оғзига қараб ўсган ҳамма йигитлар каби у одобли ва анча кўнгилчан эди. Муштлири қаттиқ қисилди, баданидаги ҳар бир мўй типтик бўлди, эҳтимол қорачиқлари кенгайиб, олхўридек бўлгандир, аммо оёқлари турган ерига гўё ёпишиб қолган эди.

– Суф, сенга! – ниҳоят ич-ичидан гулдираган овоз эшитилди. – Талоқсан, ифлос! Уч талоқ, минг талоқ! Қайтиб юзингни кўрмай! Талоқсан, талоқ!

Талоқ сўзи айтилганда Аллоҳнинг Аршдаги курсиси ларзага келар экан, дейишар эди. Шу лаҳзада еру осмон ларзага келгандай бўлди.

– Талоқсан, талоқ! Уч талоқ, минг тало-о-оқ!

Шу сўзларни айтиб, шахд билан ортига бурилган эди, остонада дағ-дағ титраб турган Ҳамдамга тўқнашиб кетди. Ичидан бир нарса узилиб кетгандай бўлди, тишлари бир-бирига қапишиб қолди. Бир қўли билан Ҳамдамнинг ёқаларини тутамлади, иккинчи қўли билан лунжигига бир мушт туширди. Ҳамдам қалқиб кетди, аммо на қаршилиқ кўрсатди, на четга ўтди. Сардор бор қаҳрини яна муштига жойлаб, иккинчи лунжигига туширди. Яна, яна, яна!..

Ҳамдам кетма-кет тушаётган зарбларга бардош бера олмай, бошини билаклари орасига олганча, чўккалаб қолгандан кейин ҳам Сардор ўзини боса олмади. Бурчақда ғужанак бўлиб ётган йигитни тепиб-тепиб, сўнг ташқарига чиқиб кетди.

Анчадан сўнг Нозима шарпадек судралиб ичкаридан чиқиб келди. Уни кўриб Ҳамдам бир амаллаб ётган жойидан туриб, деворга суюнганча оёқларини узатиб ўтириб олди. Унинг ёқавайрон аҳволини кўриб, Нозима чуқур хўрсинди, аммо ўзининг аҳволи ҳам униқидан дуруст эмас эди: Ич-ичидан ҳорғин бир нидо чиқди: “Шарманда бўлдим”. Бориб, Ҳамдамнинг ёнига чўккалади: “Энди нима қиламиз?”

Ҳамдам зўрға қўлини узатиб, уни елкасидан олди: “Ҳали ҳаммаси яхши бўлади”.

– Яшириб қўйган пулларим, тиллаларим бор эди... Ҳаммаси уларга қолиб кетди.

– Онангизга айтасиз, олиб келиб беради.

Шу топда юраклари симиллаб, болаларини жуда-жуда соғинганини ҳис қилди:

– Болаларни беришармикан?

– Бермай нима қилади? Бола ҳамиша она билан қолади.

Улар шу ўтиришда эшикларни ҳам кулфламасдан узоқ ўтиришди. Иккаласи ҳам хуфёна учрашувларга қоникмай, қачон бир-бирларига тамоман тегишли бўладиган кунлар орзусида яшар эдилар. Шундай кунлар ўз-ўзидан уларни йўқлаб келганда, интилган довлари юракка қадалувчи тиконларга, илон-чаёнларга тўла ди-

лозор бир макон эканлигини кўриб, ҳафсалалари пир бўлди.

...Онаси пешонабандининг четларидан тўзғиб кетган оппоқ сочлари чиқиб, этакларини липпасига қистириб, дарвоза олдидаги бетон устида қўш гиламни ёйиб олиб, неварга қизи билан олам ювиб ётган экан. Бошқа пайт бўлганда “Оқбилак оймларингиз қани? Энди шуларнинг шиптирларини ҳам сиз ювасизми?” деб, шартта ишни тўхтатган бўлар эди. Бугун индамади. Шўрлик онаси энди унинг шиптирларини ҳам қўшиб ювадиган бўлди.

Ирис хола қизининг ранг-рўйини кўриб, тинч эмаслигини билди, ичига бир илон киргандай бўлди. Ўзи кичкинагина гиламчалар эди, шуларни ҳам ювиб бўлгунча, қора терга тушди. Аксига олиб, нима ишга уринса, қўл солишиб турадиган катта келини шу бугун онасиникига кетган эди. Кичик келинга-ку, бир парча бола битган, қўлқозиқ, баҳонаси шу, “лу-лу”, “лу-лу”, уйғоқ бўлса, қўлидан қўймайди, ухласа, қўшилиб ухлайди. Булар бола ухлаганда ишларимни қилиб олай, деб югуриб юришар эди. Ҳозирги ёшлар боласи ухлаганда, ўзлари ҳам қўшилиб дам олиб олишлари керак.

Ёшгина бўлиб туриб, арзимаган ишлардан қочиб, болани баҳона қилиб, ўзларини ҳар ёнга ураверишидан ғижини келади унинг. Бугун ўзича ғайрати жўшди, кир сода бўлса, сув шариллаб оқиб ётса, бир уринса, ювиб ташлайдиганга ўхшаганди. Ёш ўтгандан кейин барибир қийин экан. Бу ёғи қизининг ранги ўчиб, кириб келиши ғайратини совутди. Амал-тақал қилиб, ишини охирига етказиб уйга кирганда, Нозима уйнинг қоронғу бурчагига тўшалган кўрпачанинг устида тўнтарилиб ётарди:

– Ҳа, Нози, нима бўлди?

– Ўзим... – унинг овози бўғиқ чиқди, изидан бурнини ҳам тортди. У йиғлаб ётган экан.

Ирис хола оқ ем бўлиб кетган қўллари билан терларини сидириб, қизининг бошига бориб, чўнқайди.

– Бирон гап бўлдимми?

Нозима ўрнидан туриб, онасининг бағрига ўзини ташлади, сўнг ўкириб йиғлаб юборди.

– Энажон, менга талоқ тушди. Эрим мени талоқ қилди! Мен хато қилиб қўйдим.

Ирис холанинг ҳуши бошидан учиб кетди. Хўнграб йиғлаётган қизини бағридан ажратиб, юзларига қаради:

– Бу нима деганинг, бадбахт! Қанақа талоқ? Қанақа хато?!

– Эрим мени ушлаб олди, эна-а-а!.. Энди нима қиламан? Шарманда бўлдим мен!

Ирис холанинг нафаси ичига тушиб кетди. Беихтиёр савқи табиий хавотир билан эшик томонга қаради: “Келин-пелин изидан кириб, эшитиб қолмадимикин?” Сўнг ҳамон жазавага тушиб, ўкириб йиғлаётган қизига қаради:

– Ҳай, секин, секинроқ, ер юткур!

Аммо айни пайтда Нозима ўзини идора қиладиган ҳолатда эмас эди. Йиғлаб-йиғлаб толиққандан сўнг жим бўлиб қолди, кўз ёшлари ҳам қуриган эди. Ним қоронғу хонада фақат унинг бурун тортган овози эшитилар эди. Она-бола анча пайт шу зайилда ўтиришди. Нозиманинг бурун тортиши ҳам тугагандан сўнг Ирис хола унинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

– Энди гапир, бадбахт қиз, нима қилиб қўйдинг? Эринг ким билан ушлаб олди?

Нозима ерга қаради.

– Сен, бошингда эринг, олдинда болаларинг бўла туриб, қайси ақлинг билан шундай ишга қўл урдинг? Энди қандай бош кўтариб юрамиз?

Нозима яна йиғлай бошлади.

– Энажон, энди мен яшашни истамайман, ўзимни ўлдираман!

“Ичингдан чиққан ола илон, ол-да, белинга бойла”. Нима қилган бўлса, қилган, қилиб бўлган, энди жонига қасд қилсинми? Ўғри ҳам, не-не каззоб-қотиллар ҳам сиққан дунёга наҳот унинг шу бадбахт қизи сиғмайди?!

Ирис хола сурилиб, қизига яқинроқ борди, секингина елкаларидан қучиб, уни бағрига олди:

– Олдин мени ўлдир, болам. Сенларнинг ортингда қолгулик қилмасин. Ўзингни қўлга ол.

– Мен тамом бўлдим, эна, – Нозима ич-ичидан тошиб келаётган ўкирикни сиртга чиқармаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб, онасининг елкасига бошини қўйди. – Тамом бўлдим!

Нозима йиғлаб-йиғлаб бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди.

– Бўлди, қизим, энди дод-фарёддан фойда йўқ. Пешонангга нима ёзилган бўлса, кўраверасан. Отанг билан укаларинг билмагани маъқул, – у қизининг сочларини силади. – Энди ётиб, пича дамингни ол. Менам бир пас чўзилай, юракларим тўкилиб, силлам қуриб қолди.

Она-бола уйнинг икки томонига солинган якандозга чўзилишди, кўп ўтмай Ирис холанинг бир маромда пишиллаган овози эшитилди. Онасининг бир пасда пинакка кетгани Нозимага алам қилди. Қайнонаси рост айтган экан: “Кези келганда она деганлари ҳам, бола деганлари ҳам бекор. Қайси янтоққа ўт тушса, ўзи ёниб, ўзи ўчади”. Мен ёнгинасида ёниб ётибман, бу кишим осуда уйкуга кетдилар”.

Бу воқеа шу бугуннинг ўзида мактабга етиб боради. Энди Маҳбуба Султоновнага яна кун туғади. Кенгашда мароқ билан маъруза қиладиган бўлди: “Биз халқнинг болаларини кимнинг қўлига бериб қўйибмиз. Бу қизининг молпарастлигини олдиндан билар эдим. Ҳамма бармоқларини тўлдириб, ялтир-юлтир узук тақиб юрганларида онасидек бўлиб, бир неча марта насиҳат қилганман. Аммо насиҳатларимни олмади. Мана, натижада нафақат ўзининг, балки бутун мактабнинг юзини ерга қаратди. Энди ота-оналар бизнинг мактабда ўз фарзандларини ўқитишни истамайди, ҳоказо, ҳоказо...”

“Уф-ф!” У секин ўрнидан турди. “Ортиқ бундай яшаб бўлмайди” Ҳовлига чиқиб, супа четида турган офтобадан юз-кўзларини ювди, Сўнг секин оғилхонага кирди, димоғига ачимсиқ гўнг ҳиди урилди. Укаларининг тўйдан бери пул орттириб сигир ҳам қилишолмади. Шунинг учун бу хона кўздан пана бир омбор бўлиб қолган. Отаси жуда саришта одам эди, одамларнинг уйида ҳар жойда чувалашиб, думалаб ётиши мумкин бўлган нарсалар бу уйда жойини топиб, тартиб билан териб қўйилади, бир қозикда ҳар хил арқон, бир қозикда занжирлар, бир четда бел, кетмон, паншаха...

“Ортиқ бундай яшаб бўлмайди!”

Арқонларда таппи юқлари қотиб қолган, кир ва сасиқ эди. У бироз жирканиб, энг йўғон арқонни олди. Бир четда турган охурни ўртага суриб, унинг устига чиқди ва арқонни оғилхонанинг вассасидан ўтказиб, илмоқ ясади. Беихтиёр боши оғир бўлиб кетаётгандай бўлди, чуқур “уф” тортиб, бошини чайқаб қўйди. Сўнг бир қўли билан арқонга осилиб, пастга қаради. Энди бошини шу илмоққа тикиб, оёқлари остидаги охурни бир тепаиб бўлса, кифоя. У секин илмоққа бошини тикди ва шу дақиқада кеча кўрган тушини эслади, қанийди, шу сасиқ арқон эмас, тушида кўрганидек, Сардорнинг қўллари бўғиб ўлдирса

эди. Афсус!.. У шаҳд билан охурни тепиб юборди... Шу чоқ қаердандир ёшгина жувоннинг шанғиллаган овози эшитилди, кимдир оёқларини кучоқлаб олганча, дунёни бошига кўтариб бақира бошлади. Унинг эса тобора нафаси бўғилиб борарди, кўп ўтмай ҳеч нарсани англамай қолди.

У касалхонада кўзини очди. Бошида онаси ҳиқиллаб ўтирарди:

– Вой, болам-ей! Ҳаммамизни тириклайин гўрга тикмоқчимисан? Бу нима қилганинг, ахир?! Яхшиям келин ҳовлида боласини кўтариб юрган экан. Опам оғилхонада нима қиляпти, деб эшикдан қараса!.. Вой, болам-а! Олдин мени ўлдир, кейин нима қилсанг, ихтиёр ўзингда.

Нозима бўйнида қаттиқ оғриқ сезди, секин қўлларини оғриётган жойга олиб борди. Бўйни бинт билан боғлаб қўйилган эди.

– Эна! – томоғи оғриб қолгандай зўрға гапирди, – Бориб менинг болаларимни олиб келинг. Шкафимнинг энг юқори токчасида тўртта пойафзал қути бор. Энг ичкарисидаги қутининг ичида пулларим ва тиллаларим бор. Шуларни, кейин кийимларимни олиб келинг.

– Э-э, болам-ей, пул билан тилла нима бўлар эди? Жонинг омон қолди, бўлди.

– Эна, кўп жавраманг, – у қийналиб, секин гапираётган бўлса ҳам нигоҳлари совуқ ва хотиржам эди. – Менинг яшашим учун пул керак. Шу бугун Нигорани олиб, бирга боринг-да, айтганларимни олиб келинг.

Ирис хола бир муддат жим бўлиб қолди, аслида кўпам орқа-олдини ўйлайвермайдиган аёл бўлса-да, айни пайтда қудаларнинг уйига боришга юзи чидамаётган эди.

– Болаларни беришмаса керагов, улар. Робия кампир невараларини бергунча, жонини беради, – деди анчадан сўнг секингина, – яна билмадим.

– Беради!– Нозима қошларини кериб таъкидлади. – Бермай ҳам кўрсин-чи! Болалар ҳар қандай вазиятда она билан қолиши керак.

– Менга қара, болам, бундай қилсак-чи, – Ирис хола астагина қизининг қўлларидан ушлади. – Ҳозир бориб, кийимларингни, пулларингни, тиллаларингни олиб келсам. Болаларга пича шошмай турсак. Беш-олти кун турса, ўзлари ҳам безор бўлишади болаларнинг ташвишидан. Уйда касал кампир бўлса, шунинг ташвишиям етарли бўлиб ётгандир. Бизнинг уйимизда, ўзинг биласан, икки келин, тўрт невара, уларга сеники ҳам қўшилса... Охири ажрашган бўлсанг, бир жой-пой таррадуд қил, кейин болаларни олсанг, бемалол бўлади. Нима дейсан?

Онасининг авайлабгина айтган андишаси унинг суяк-суягидан ўтиб кетди:

– Энажон, нималар деяпсиз? Наҳотки икки гўдагим билан ота уйимга сиғмасам? Шундай экан, ҳаётимни сақлаб қолишнинг нима кераги бор эди? Ана, ўғилларингиз бола-бақраси билан ўтирибди-ку, пенсияларингизни е-еб! Ана ўшалар жой ахтарсин, белида белбоғи бор эркаклар! Уф-ф! – у алам билан бош чайқади, томоғининг йўлида нималардир қаттиқ оғриди, кўлини бўйнига қўйиб, зўрға ютиниб олди. – Эҳ, эна, эна-я! Кўрқманг, жой топаман, кетаман, аммо сал ўзимга келиб олгунимча оналик қилиб туринг!

– Эҳ, болам-а, сени ҳеч ким ҳайдаётгани йўқ-ку! – астойдил куюнди шўрлик она. – Албатта, ўзингга келгунингча ёнимизда турганинг маъқул. Менинг айтмоқчи

бўлганим, манави янгалар эрта-бир кун болаларингни турса, орага совуқчилик тушади, эзиласан, деяпман-да. Ҳаётинг изга тушиб кетса, болаларни судлашиб бўлса ҳам қайтариб олаверасан.

– Йўқ, эна, – қатъий бош чайқади Нозима. – Мен уларнинг уйида бир кун ҳам рўшнолик кўрганим йўқ. Нега йилдан бери бриллиант узук, сирға оламан, деб йиғиб юрган пулимга синглисига бриллиант олиб берди. Ландовур эрим отасига ўхшаб онасининг оғзига қараб яшайди. Яна минғир-минғир қилиб миямни эговлагани-эговлаган эди. Шуларнинг қош-қовоғига қарашдан тўйиб кетган эдим. Мен у ҳовлида нафас ололмас эдим. Ўзимга ҳаётдан бир ёруғлик, нур ахтариб, шу ишни қилиб қўйдим. Аслида ҳаммасига уларнинг ўзи айбдор. Ҳаммаси учун жавоб беришлари керак улар. Энди шу аҳмоқларга болаларимни дастёр қилиб ташлаб кетаманми? А? Йўқ, ҳеч қачон! Болаларимни олиб келасиз. Менинг ўз уйим бўлади. Мени шу кўйга солгани учун эримдан ҳам, Ҳамдамдан ҳам қасд оламан. Ҳамдамнинг уч хонали уйи бор, шуни беради. Унгача болаларимга сиз қараб турсиз.

Ирис хола индамай бош ирғади: “Хўп”. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди.

\*\*\*

Робия холанинг кўнгли эрталабдан ғаш бўлди. Тушлик яқинлашавергач, бу ғашлик яна ҳам ортди. Тик этса, эшикка қараб ётаверди.

Ўша воқеадан кейин то Нозима уйга келмагунча, киши билмас, йўл пойлайдиган одат чиқарди. Нозима тақ-туқ юриб, айвонга киргандан кейингина кўнгли хотиржам тортади. Нозима ҳам унинг кутиб ётганини сезадими, биринчи бўлиб унинг хонасига бош суқади. Совуққина қилиб бўлса-да, салом бериб, “мен келдим, хола”, деб, сўнг ўзининг хонасига кетади. Аммо барибир кампирнинг кўнгли нотинч, ҳар кимнинг инсофини ўзига берсин, келин вақтида кетиб, вақтида келиб юргани билан, ким билади дарс вақтида нима иш қилиб юрибди. Уғли билан жойлари бўлак бўлса, гаплашиш-маса...

Бир маҳал дарвоза шарақ этиб очилди, сўнг ҳовлида тақ-туқ пошна овозлари эшитилди. Пошналарнинг ерга қаттиқ урилишидан билдики, бу Нозима эмас, Сардор шекилли. Нега у бунча эрта қайтибди? Кампир эшикка қаради, аммо келувчи айвондан тўғри меҳмонхонага ўтиб кетди: “Ҳа, Сардор экан!” Бир пас ётиб, дили ўксиди: “Бир кирмадиям...”

Кун пешиндан оғди. Қуёш унинг деразаси томонга ўтиб, хонани астойдил қизита бошлади. Оллоқул бобо келиб, деразанинг қалин пардасини тортиб қўйди. Хона бироз салқин тортгандай бўлди, лекин барибир ҳаво иссиқ эди.

Кампир амаллаб тирсагига таяниб, туриб ўтирди. Худди бир нарса тилаётган тиланчидек чолининг кўзларига жавдираб қаради:

– Нозима келмадимми?

– Йўқ, мажлис-пажлиси чиқиб қолганми?

– Боя келган Сардориди? Нега бунча эрта қайтибди? Бир кириб сўрашмадиям...

– Билмасам, кампир, нимагадир кайфияти йўқдек кўринди менга. “Ҳа?”, десам, “ўзим” деди-да, уйга кириб кетди. Машинасини ҳовлига киритишга ҳам ҳафсала қилмади.

– Ишида бирон гап бўлдимикан-а, – баттар сиқилди кампир. – Бир юришни ҳам ўргатмайсиз! Қўлтиқтаёқда

бўлсаям, бошига борар эдим, нима бўлди, деб сўрар эдим. Бу нима ўтириш энди? Уф-ф!

– Э-э, кампир, сен билан машқ қилиш учун бир бакуват йигит керак. Иложи бўлса-ку, икки томонингда икки киши тургани маъқул. Юргизаман, деб йиқитиб кўйиб, болаларингдан балога қолиб юрмай, дейман-да, – бобо кампирга нафи тегмаганидан астойдил ўкинди. – Менга қолса-ку мўлтираб ўтиргандан кўра, секин-аста юраверганинг маъқул.

– Болалар ҳам омон бўлсин. Ўғил еб ўрга, қиз еб кирга кетар, деганлари шу-да. Олти боламиз олти бўлди, аммо бирови келиб, мен бечорага юришни ўргатай, демайди. Ҳаммасининг иши кўп, иши зарил!.. Боринг, Сардорни чақиринг, мени юрдирсин.

– Индама, ухлаётган бўлса керак. Пича дам олсин, хамиша чарчаб юради.

– Боринг, бўлмаса, Гулзорни чақиринг. Иккалангиз икки қўлтигимдан кириб, қўлтиқтаёқда юришни ўргатасизлар.

– Сенга нима бўлди, мунча торикдинг? Э-э, бесабр-эй. – Бобо бош чайқаб-чайқаб, Гулзорни чақиргани кетди.

Ҳали оғриқ жуда кучли экан ва негадир сал юрмай чарчаб, қора терга тушиб қолди. “Вой-вой, ушланглар, секинроқ ушланглар!” деб бақира-бақира ётган хонасининг гирдини зўрға уч марта айланди.

Жойига ўтиргандан сўнг ўзидан мамнун бўлди:

– Шуям катта гап-да. Бугун уч марта айландик, эртага беш марта айланамиз. Сардорингизни кутиб ўтираверсам, умрим тўшақда ўтиб кетади. Энди ҳар куни икки маҳал Гулзор икковларингиз юргизасизлар.

Сардор анча кеч турди. Нозимадан эса дарак бўлмади. Болаларни боғчадан олиб қайтган бобо ҳам хавотирга тушган эди.

– Кампир, келининг келмаяпти-ку.

– Билмасам...

– Сигирни нима қилсам экан? Гулзорга айтаман-да, бир бало қилармиз.

– Сардорни буёққа айтиб юборинг, – Сардорни кўрса, Нозиманинг кечикаётганлиги сабабини билиб оладигандай бўлаверди.

Сардор ҳақиқатан ҳам жуда кайфиятсиз эди. Негадир ранги чўяндек қорайиб кетган, кўзлари қизариб турарди. Жуда оғир жазога ҳукм қилинган маҳкумлардай судралиб хонага кирди. Индамай онасининг қаршисидаги кўрпачага чўккалади.

– Яхшимисан, ўғлим? Бу нима юриш?

Сардор елка қисди:

– Ўзим.

– Нозима қаерда?

Сардор ерга қаради, шу дақиқада унинг елкалари кичрайиб, жуда озиб кетгани сезилди: “Ўҳ, шундай боламни эзиб, сил қилди бу мегажин!”

– Нозима энди келмайди...

– Нега? – кампирнинг ётавери бовриқиб кетган кўзлари катта-катта очилди.

– Мен уни талоқ қилдим.

– Қандай қилиб? Биз билан бир оғиз маслаҳатлашмай, ўзингдан ўзинг ҳал қилиб қўявердингми? – кампирнинг кўнглига совуқ бир шамол урилди, бутун вужуди музлаб кетгандай бўлди.

Сардор онасининг кўзларига қараб, бир зум тарадудланиб қолди:

– Шундай қилишга мажбур бўлдим, эна. Менга бо-

лаларинг бор, деган гапни айтманг. Энди у гапга сира ўрин йўқ. Мен уни... ушлаб олдим.

Робия кампир бошқа ҳеч нарса сўрамади, Сардор ҳам ҳеч нарса демади. Фақат хонадан чиқиб кетаётиб, онасининг ранг-рўйидан хавотирландими, ерга осилиб турган оёқларига энгашди:

– Келинг, ётқизиб қўяй, пича дам олинг.

– Сардор! – ўғли остонага етганда яна чақирди.

– Ҳа, эна? – унинг кўзлари олдингидан ҳам қизариб кетган эди.

– Сен... уни уриб, ўлдириб... қўймадингми ўзи?

– Мен унга тирноғимни ҳам теккизганим йўқ, сиз сира хавотирланманг. У яшаши керак, эртага афсус қилиб, пушаймонлар ейиши учун ҳам яшаши керак.

– Худога шукр, ўлдириб қўймаган бўлсанг, бўлди.

– Мен машинани киргизай...

“Дада”лаб чопиб кирган болаларини бир-бир кўтариб, бағрига босди-да, индамай ташқарига чиқиб кетди.

Кампирни келинининг хиёнатидан ҳам бурун ўғлининг маҳзун ҳолати кўпроқ ташвишга солаётган эди. “Ҳалиям боламнинг эси бор. Чавақлаб ташлаб, қамалиб кетганда мен нима қилар эдим? Бу мегажинни эсини йиғиб олгандир деб юрсам!.. Ҳа, жувонмарг. Палакатинг ўзингдан бери келмасин, илоё”.

Кампир нохуш янгиликка тез кўнди: “Қайтамга яхши бўлибди. Бир марта хиёнат қилган одамнинг кейин тўғри юриши қийин. Шундай даҳшатли сирни ўғлидан яшириб, хамиша ошига пашша тушгандай кўнгли хит бўлиб яшашнинг ўзи бўладими? Ўзи пиширган ош, ўзи танлаган тақдир бу. Айланиб-ўргилиб ичаверсин”.

Орадан икки кун ўтиб, чошгоҳ пайти кенжа қизи билан қудағай келди. Оллокул бобо дарвозанинг олдидаги полдан беда ўраётган эди. Келганларни кўриб, ранги ўчи, лекин сипогина сўрашиб, ичкарига бошлади. Ҳамиша босган ерим миннатдор, босмаган ерим гинадор, дегандай кибр билан солланиб юрадиган қудағай елкасини қисибгина ичкарилади. Қимтинибгина Робия кампир ётган хонага кирди. Кампир диваннинг устида оёқларини ерга осилтирганча, қўлтиқтаёққа суяниб, телевизор кўриб ўтирарди. Бу аёлнинг бугунми, эртами, шу тахлит кириб келишини билган, кутган бўлса-да, анчайин бир кўшнани кутгандай хотиржам қарши ололмади. Пир-пир учаётган лаблари, тиззалари устида титраб турган кўллари унинг ичидаги галаёни айтиб турарди. “Сенга ҳам, тарбия берган қизингга ҳам минг лаънат!” деган сўзларни бир амаллаб ичига ютди.

Улар ҳатто сўрашишмади ҳам.

– Узр, опа, тақдири қўшилмаган экан...

Кампир тутаб турган эди, қудағайнинг бир оғиз гапи билан лов этиб ёниб кетди:

– Уни сиз қўшишни истамадингиз. Қачон бўлса, зерикдим, соғиндим болам, бир келиб кет, деб чақиритишни қўймадингиз. Борган жойингда бот, ўша уй сенинг уйинг, унга меҳр қўй, дейишнинг ўрнига, қайнонанг ундай, эринг бундай, тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғмайсанми, кел, келавер, деб йўлдан урдингиз. У бу ерда омонат яшади, бу уйга ҳам, унинг одамларига ҳам меҳр қўймади. Шу ифлос ишни қилмаса ҳам, у бир кунмас, бир кун барибир кетар эди.

– Хўп, опа, у касалхонага тушиб қолди. Ҳалиги, ўзини осмоқчи бўлиб... Шунга кийим-бошларидан бир-иккитасини олай, деб келганди. Менинг қўйлақларим унга тўғри келмаса... Синглисининг халатини кийиб ётибди, уям тор...

– Менга деса, ҳаммасини олиб кетсин. Сенларга нарса керак. Ўзи бир мошин-пошин олиб келиб, кўрпачи олиб бориб ташланглар, деб тургандим. Ҳаммасини олиб кетинг, бу уйда уни эслатадиган ҳеч нарса қолмасин, – кампир туриб-туриб жазавага туша бошлади. Ирис хола ўтираверса, бундан ҳам баттар беобрў бўлишини ўйлаб, секин ўрнидан кўзгалди:

– Майли, биз борайлик.

– Ҳа-а!.. Ирис бойбичча, қизимни ажратиб оламан, деб-деб, охири ниятингизга етдингиз. Тақдир йўллари-мизни туташтирган кунга минг лаънат. Қанийди, ўша кун менинг ҳаётимда бўлмаганида, манави икки гўдак туғилмаганида эди...

– Энди-и, қудағай, биласиз, қарс икки қўлдан чиқади. Бу ерда ким ҳақ, ким ноҳақ, бир Худога аён. Лекин эшигингизда қизимнинг чиройи очилиб юрганини ҳеч кўрмадим.

– Мен ҳам етти йилдан бери шу қизингизнинг қовоғига қараб чарчаган эдим. Унинг бирор кун кўрган кунидан, биздан рози бўлиб, бизни эл билиб, очилиб-сочилиб ўтирганини кўрмадим.

– Опа, ўғлингиз нотўғри тушунган. Биз бир уй олмақчи бўлиб юрган эдик. Бир ҳовлида икки келин билан қийналиб қолдик, бир уй суриштир, деган эдим. Қизим уй кўргани борган, ўғлингиз нотўғри тушуниб, талоқ деб юборибди.

– Э-э, қўйинг, Ирис бойбича, – кампир кўзларини юмиб ҳорғин бош чайқади. – Уй кўргани борган одамнинг қўлида калит нима қилади, у эгасидан олдин уйга кириб ўтирадимми? Менда қизингизнинг ўша жувонмарг билан телефонда қилган гурунглари ёзилган тасма бор. Буни ўзига ҳам айтган эдим. “Ҳай, келин, менинг ҳаммасидан хабарим бор. Ўғлимга айтмайман, чунки болалар етим бўлиб қолмасин, деяпман. Орқа-олдинга қараб юр. Оиланг бузилиб кетмасин-а”, дедим. Нима бўлса ҳам ҳамма оғирликни ўзимга олган эдим. Мен сўзимда турдим, бўғзимга тиқилиб, кечалари ухлатмаган сирни ўғлимга айтмадим. Лекин қизингиз сўзида турмади.

Ирис холанинг бу гаплардан хабари йўқ эди: “Ерга солди, бу бадбахт! Аллақердаги кетмончи нокасларнинг олдиди тилимни қисик қилди”.

– Биздан ўтган бўлса, узр, опа, – Ирис хола шу ердан эсон-омон чиқиб олиш ташвишида қўлларини кўксига қўйди. Кампир шу тахлит шанғиллайверса, Оллоқулбой югуриб келиб, уларни қувиб солиши ҳеч гап эмас. Ҳали Нозиманинг кийим-бошларини йиғиштириши керак. – Боламни ҳам кечиринг, қарғаманг.

– Уни Худо кечирсин. Мен ҳеч қачон ҳеч кимни қарғамайман. Ким қилмағай, шул топмағай.

Ўз оёқлари билан юра олган одам қанчалар бахтли. Ирис бойбича шармандаи шармисор бўлиб ўтирган бўлса ҳам, юз карра, минг карра муттаҳам бўлса ҳам, унинг оёқлари юриб турибди. Айтар гапини айтиб-айтиб, ҳақ гапи бўғзига тиқилган қудағайини шиптир ҳиди ўрнаб қолган дим хонага ташлаб чиқди-ю, кетди: “Аждарҳо! Оёғинг йўқ, шунча бўкирасан. Оёқларинг юрган пайтда қизимга кун бермаганинг аниқ”.

Ирис бойбича сириб боғланган икки тугунни ўзи, икки тугунни қизи кўтариб, уйдан чиққанда, Оллоқулбой бошини қуйига осилтирганча, ток соясидаги супанинг бир четида ўтирар эди. Бобо на бошини кўтарди, на тугун кўтариб олганларга бир нарса деди.

Ирис хола уйга етиб келгунича, қиз туққанларига минг пушаймон еди: “Шундай қиз туққунча, ит туғсам бўлмасмиди? Кўнглинг йўқ экан, тинчгина ажрал. Одамларнинг қизига ўхшаб қайтиб кел. Беш-олти ой алоҳида туриб, ажралганинг элга маълум бўлгандан сўнг билган б... ингни еб юравермайсанми? Ўх, мени ерга солди-я бу қиз!”

Катта-катта қизил гулли чойшабларга тугилган кийим-бошларни тарс этказиб, хонанинг ўртасига ташлади. Ёқасига қўл тиқиб, сийнабандидан рўмолчага ўроғлик тўрт тахлам пул ва беш-олтита олтин тақинчоқларни чиқарди: “Ай, эси йўқ қиз-а, бу пул билан нима ишинг битиши мумкин. Яна икки болани ҳам ўзи боқар эмиш!”

Касалхонада ётган Нозима онасидан болаларни олиб келмаганини эшитиб, жазаваси кўзиб қолди:

– Сиз бир парча нонингизни қизганиб атай олиб келмагансиз. Биламан сизни!

– Секин, ҳой, секин! Дўхтирларга томоша бўлишимиз шартми? Шунча шармандалик камлик қилаяптими бизга? – қизини қайтариб ташлади Ирис хола. – Қайнонанинг қирқ йиллик дардини айтиб, жавраб, еб қўйди. Агар болаларни олиб кетамиз, десак, у уйдан бир қил ҳам олиб чиқа олмас эдик. Орқаси тутиб, уриб-ҳайдаб чиқарарди.

Бир томондан онаси ҳақ эди.

– Болаларнинг кийимларини ҳам олиб келдингизми?

– Ҳа, қўлга илашадиган бор нарсангни олиб келдим.

– Яхши. Касалхонадан чиқай, ўзим судга бераман.

Онаси бошқа гапирмади, бошидаги рўмолини ечиб, қайтадан боғлади-да, индамай хонадан чиқиб кетди. Аслида бу шўрлик аёлнинг қўш келинли ғала-ғовур хонадонда ўзига тегишли биттагина хонаси бор эди. Эру хотин шовқиндан безор бўлишганда шу хонага кириб, бир пасгина оёқ узатиб, дам олишар, гурунг қилишар эди. Энди ўша сокин қўналға ҳам ке-етди!..

Касалхонадан чиқишидан бир кун олдин ҳовлиқиб Мастура келди. Бу пайтда Нозиманинг бўйинбоғларини ечиб олишган, овози, ранг-рўйи ҳам анча ўзига келиб қолган эди. Мактабда, Маҳбуба Султоновна педкенашга қўйдираман, дегани учун Нозима ўзини осмоқчи бўлибди, деган гап тарқалибди.

– Бечора Маҳбуба Султоновна ўзини қаерга қўярини билмай, роса питирлаб қолди. Кейин эринг ҳайдаб юборганини эшитиб, пича ўзига келди. Нега уришдинг, эринг билан? – Мастура негадир унинг кўзларига ғалати бир синчковлик билан қаради.

– Ўзим...

– Ўзимни осаман, деб арқон излаб юргунча, шу қайнона билан эрини кўнглига йўл изласанг, ҳеч кам қилишмайди сени, дугон. Улар излаб келишдимми?

– Йўқ, – кўзларини юмиб бош чайқади Нозима.

– Ҳалиям бўлса, кеч эмас. Иззатталаб бўлиб юрмасдан, касалхонадан чиқиб, тўғри уйингга бор, керак бўлса, кечирим сўра. Ойдаи рўзгоринг, шундай келишган эринг бор, уни кимга ташлаб кетмоқчисан ва қаерга бориб, қандай жой олмақчисан?

– Кўрамиз...

“Наҳотки, бутун дунё ахборотларидан бохабар мактаб “дом”даги можародан бехабар қолган бўлса?! Хабар топишгандир, фақат ўша можарода уларнинг Нозимаси шармисор бўлганини эшитмаган”. Боиси у “дом”да асосан руслар яшашар экан, кўпчилик бир-бирини билмас,

танамас экан. Ҳамдам шунинг учун ҳам уни ўша “дом”га олиб борар эди. “Хайрият!” У ишимдан ҳам мосуво бўлдим деб ўйлаганди.. Ҳозирча ишлаб тургани маъқул, кўлида бир-икки сўм пули бўлади. Энди Ҳамдамдан бир уй ундириб, болаларини келтириб олса бўлгани.

Ҳақиқатан ҳам мактаб тинч эди. Ҳамма унинг бўйнидан нималарнидир излаб, ўғринча қараб-қараб қўйсада, ўзидан ҳеч нарса сўрамади. Бирон гап бўлиб, яна ўзини осиб қўймасин, деб кўрқидими? Дарсдан чиқиб, тўғри прокуратурага борди.

– Бугун қабул куни эмас, – деди совуққина қилиб эшик ёнида турган қоп-қора зангидай, билаклари енгига сиғмай, териси йилтиллаб турган йигит.

– Мен ўғилларининг ўқитувчисиман. Олдин ҳам бир марта келган эдим. Илтимос, кириб бир оғиз айтинг, ўғлингизнинг ўқитувчиси келди, деб. Қабул қилмасалар, кетавераман.

Йигит ўғил ҳақидаги гаплардан кейин пича ўйланиб турди-да, иккинчи қаватга чиқиб кетди. Кўп ўтмай пастга тушиб, уни ичкарига киргизиб юборди.

– Э-э, сизмидингиз? Келинг-келинг, – прокурор уни ўрнидан туриб кутиб олди.

Кенг ва шинам хонада юмшоқ гиламларни босиб, унга қараб турган прокурор томон бораркан, ҳаяжон ва хижолатдан қоқилиб кетмасликдан бошқа нарсани ўйлай олмасди.

Прокурор у билан кўл олиб кўришди, столига тақаб қўйилган стол ёнидаги ўриндиқларга таклиф этди.

– Марҳамат, ўтиринг.

Нозима ортага чекиниб, хона гирдини айлантириб қўйилган стулларнинг бирига ўтирди.

– Аҳволларингиз яхшими? Бизнинг шумтакалар сизни чарчатиб қўйишмаяптими? Лекин улар сиздан жуда миннатдор. Яшанг, раҳмат сизга. Хўш, нима ташвишлар билан юрибсиз?

Нозима ерга қаради. Неча кундан бери миясида ипга тушган маржон янглиғ тузиб чиққан сўзлари бирданга ёдидан чиқиб кетган эди.

– Биронтаси хафа қилдими? Тинчликми?

– Тинчлик. Менинг болаларимни олиб қўйишди.

– Ким, нега?

– Қайнонам билан эрим.

– Тушунмадим...

– Қайнонам жуда бой хотин, бир умр бригадир бўлган, олти боласининг ҳар бирига биттадан қаср куриб бериб қўйган, – аста-секин унинг тили ечила бошлади. – Менинг ота-онам оддий ўқитувчи бўлгани учун бизларни ҳеч назарига илмасди. Камбағалсан, онанг сенга дуруст сеп қилмаган деб ҳеч кун бермас эди. Охири тухмат уюштириб, ўғлига айтиб, ҳайдаб юборди. Ўғлим билан қизимни ўзлари билан олиб қолди. Кампирнинг оёғи синган, уч ойдан бери туролмай ётибди. Менинг болаларимни яхши кўришгани учун эмас, кампирга қаратиш учун дастёр сифатида олиб қолишди. Илтимос, менга болаларимни олиб беринг.

Прокурор унга тикилган қўйи бир зум ўйланиб қолди.

– Хўш, исмингиз нима эди, Нозима? Ҳа, Нозимахон, бундай қилсак, мен эрингизни чақириб гаплашсам. Қайнонангизга хотин-қизлар кўмитасининг раисини юбораман. Тушунмаган нарсаларини секин тушунтирамиз. Арзимаган сеп-сарпо деб, икки болали рўзгорни бузиб юбориш яхши иш эмас, ахир. Керак бўлса, қонун йўли билан озроқ пўписа ҳам қилиб қўйишим мумкин. Нима дейсиз? Болаларингизни олиб

беришдан осон иш йўқ. Лекин рўзгорингиз бузилиб кетмасин, деяпман!

– Керак эмас. Улар менга тухмат қилишди, отимни бузуққа чиқаришди. Шундай номга тенг бўлгандан кўра ўлиб кетганим яхши деб ўзимни осдим. Бахтга қарши бир тасодиф бўлиб мени кутқариб қолишди. Бир ҳафта касалхонада ётиб, бугун ишга чиқдим. Энди улар қабул қилишса ҳам, мен у хонадонга бормайман. Илтимос, болаларимни олиб беринг.

Прокурор ўрнидан туриб кетди. Худди ўзининг сингилиси ҳақорат қилингандек қаҳри келиб, қалин қошларини чимирди.

– Унда бундай қиласиз, – деди у анчадан сўнг. – Ҳозир туман судига бориб ариза ёзасиз, раисга ўзим тайинлаб қўяман. Ҳеч қандай муаммо бўлмайди, – у “гап тамом” дегандай кўлларини икки томонга ёзди.

Нозима ҳам ўрнидан турди:

– Раҳмат сизга.

– Бизга яна қандай хизмат бўлса, бемалол келаверинг.

– Раҳмат.

Нозима прокуратура биносидан чиққандан кейингина ўпкасини тўлдириб нафас олди: “Хотини жудаям бахтли аёл бўлса керак...” Прокурорнинг хонасида кезиниб юрган хушбўй ифор узоқ вақт димоғидан кетмай юрди.

Уйга келиб Ҳамдамга кўнғироқ қилди. У ҳар доимгидай қандайдир сершовқин жойда юрган эди:

– Ҳа, яхшимисиз, ошна? Нима гап?

Гап оҳангидан Нозима билан дурустроқ гаплашиш нияти йўқдек кўринди. Бу Нозиманинг қаҳрини келтирди:

– Илтимос, ошна, шовқинли жойдан нарироқ ўтинг, – заҳарли пичинг қилди у. – Вақтингиз бўлса, бир оғиз гапимиз бор эди.

– Хўп, хўп, ҳозир, – дарров хатосини тушунди Ҳамдам, бир дақиқадан сўнг шовқин-сурон эшитилмай қолди. – Энди гапираверинг, бошқа хонага ўтдим. Тинчмисиз?

– Ҳамдам! – Нозиманинг жаҳли ҳали тарқамаган эди, яхши-ёмон деб сўрашиб ўтиргиси келмади. – Мен кўчада қолганимни, бунда сизнинг ҳам айбингиз борлигини биласиз-а?

– Биламан.

– Билсангиз, менга уй топиб беринг.

Ҳамдам анча вақт жим қолди.

– Нега индамайсиз. Ёки сизда ҳеч қандай масъулият йўқми?

– Йў-ўғ, нега ундай дейсиз, – Ҳамдам бироз дудуқланиб қолди. – Сизни кўчада қолдириш ниятим йўқ. Уй-ку, кўп. Фақат иккинчи опам қаердандир сиз ҳақингизда эшитибди, Шоҳиста айтганми, ҳар бало деб ётибди. Бўлмаса, уйларнинг бировига “ижарачи” деб киритиб қўяверардим.

– “Ҳар бало” деганингиз нима экан?

– Аёлларни биласиз-ку, “бораман, сочини юламан”, “ундай-мундай”, шу-да. Сизни уйимизга қўйсам, албатта, келиб текширишади. Кейин улар мени ҳам, сизни ҳам тинч қўйишмайди.

– Унда мен нима қилай? Турган-битганингиз шуми?

– Йў-ўғ, мен уй топаман, фақат бир-икки кун сабр қилиб туринг. Ўзим сизга кўнғироқ қиламан.

– Мен сизни кўп кута олмайман.

– Тушундим.

“Эҳ, Шоҳиста!.. Шайтоннинг урғочиси! Шошмай тур, бошинга бир ўйинлар солайки, бу савдолар қаердан келганини билолмай тентак бўлиб юргин!”



Бир пасдан сўнг яна Ҳамдамга кўнғироқ қилди.  
– Ҳа, тинчликми? – афтидан Ҳамдам танбеҳ эшитишдан кўрқиб, холи жойга чиқиб, телефонни кўтарган.  
– Менга қаранг, сиздан илтимос, шу Шоҳистадан биттагина қасдимни олиб беринг.

– Қандай қилиб?  
– Эрига елимдай ёпишқоқ бир ўйнаш топиб беринг. У шундай шаллақи бўлсинки, керак бўлса, келиб Шоҳистанинг сочини юлсин.

Ҳамдам “хо-хо”лаб кулиб юборди.

– Ўҳ, сиз хотинлар! Сизлар чатоқ.

– Шундай номзод борми?

– Топамиз.

– Тезроқ топинг.

– Хўп, – Ҳамдам кула-кула телефонни ўчирди.

Нозима ҳам хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришди: “Ҳали менинг совунимга кир ювмабсан!”

У суд бўладиган кунни ҳаяжон билан кутди. Қайнонаси билан эри ҳеч қачон унинг хиёнатини элга ошкор қилмаслигига ишонса ҳам, барибир кўрқди. Чунки уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, болаларни ўзларида олиб қолишга шундан бошқа асос йўқ эди. “Тухмат қилишяпти, деб туриб оламан. Ишқилиб, телефондаги ёзувларни олиб келишмасин-да. Йўғ-е, бунчалик пасткашликка боришмас”.

Улар суд раисининг қабулхонасида учрашишди. Нозима энди келиб ўтирган эди, қабулхонанинг эшиги очилиб, аввал қайнотаси, сўнг қўлтиқтаёққа осилиб олган онасининг тирсагидан ушлаган эри кириб келди. Нозима беихтиёр ўрнидан туриб, салом берди. Аммо унинг саломига ҳеч ким алик олмади. Эри отаси билан онасини жойлаштиригандан сўнг, “Мен йўлақда бўламан, керак бўлсам чақиртирарсизлар”, деб ташқарига чиқиб кетди. Эрининг ранг-рўйи бир аҳволда бўлса-да, оппоқ кўйлак, кулранг шим, тумшуғи узун чиройли туфли кийган, барваста қадди-қоматига кийимлари жуда ярашиб турарди. Беихтиёр унинг ортидан тикилиб қолгани эсига тушиб, хижолат тортди, котибага бир қараб қўйиб, юзини ҳар хил хонаки гуллар териб қўйилган дераза томон бурди.

Суд Нозима ўйлагандай, катта суд залида, қора костюмли салобатли раис, маслаҳатчилар иштирокида бўлмади. Уларни тўғридан-тўғри раиснинг хонасига таклиф қилишди. Бу хонада раис ва улар билан бирга кирган ғум-ғумалак қориндор йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Раис Нозиманинг аризасини ўқиб эшиттиргач, бирин-кетин сўз берди. Сардор ўрнидан турганда Нозиманинг бутун аъзойи бадани музлаб кетди. Беихтиёр ерга қаради. Шу чоғ бир ўтли хўрсиниқ ич-ичидан ёндириб ўтганини ҳис қилди: “Хато қилдим, эрим ёмон йигит эмас эди”.

Ҳа, Сардор ёмон йигит эмас эди. У Нозимани умуман ёмонламади, ажрашишга рози эканлигини, лекин хотинининг уйида етарли шароит йўқлиги сабабли болаларни ўзлари ўрганган уйда, бобо билан момо тарбиясида қолдиришни илтимос қилди.

– Уларнинг уйида икки келин икки боласи билан, синглиси, ота-онаси туришади. Булар ҳам бориб қўшилса, бир уйда ўн бир-ўн икки киши бўлиб кетишади. Оналари ишга кетса, болалар тиқилинч, бегона шароитда, ўзлари ўрганган, меҳр қўйган яқинларини соғиниб қўйналиб қолишади. Бизнинг уйимизда бобо билан модан бошқа ҳеч ким йўқ. Бобо болаларни ўзи боғчага олиб бориб, ўзи олиб келади. Уйда бир жияним туради. У ош-овқат, кир-чир билан шуғулланади. Момолари

болаларнинг тарбияси билан шуғулланади. Илтимос, болалар ўз уйларида қолсин. Онаси билан бирон учрашув кунини белгиласангиз, кўришиб туришларига сира қаршилигимиз йўқ.

– Катта неварам тўрт йилдан бери мен билан ётади, – бир амаллаб ўрнидан турган момо кўзига ёш олди, овозлари қалтираб, зўрға гапирарди. – Болагинам бир кун ҳам менсиз ёта олмайди. Мен ҳам усиз яшай олмайман.

Бобо ҳеч нарса демади.

Лекин суд... “иккала томонни ҳам эшитиб”, қонуннинг “фалон-фалон” моддаларига асосланиб, “қарор қилди”: “Даъвогарнинг даъвоси қондирилсин”.

Нозима учун шу дақиқада судьянинг хонасидан бежавотирроқ жой йўқ эди. Ҳовлига чиқса, маломат тошлари тагида қолиб кетишидан кўрқиб, ўтирган жойида қимирламай ўтираверди.

Сардор бир оғиз ҳам гапирмади. Лекин қайнонаси чиқиб кетаётиб, унинг рўпарасида тўхтади:

– Эй, менга қара, сенга шу болалар умуман керак эмас-ку. Ўзингдан ортиб, шуларга қараёлмаслигингни ҳам яхши биласан. Бизни қийнаш учун болаларни қийнашнинг нима кераги бор? Ахир сен уларнинг туққан онасисан-ку. Наҳотки шуларга раҳминг келмайди.

Нозима индамади.

Сардор гапира-гапира йиғлаб юборган онасининг билагидан ушлаб, хонадан олиб чиқиб кетди.

Анчадан сўнг котиба кириб, уни ўз хонасига таклиф қилди.

– Янги иш кўрилиши керак эди, опа.

Нозима шундагина хона тўрида қаққайиб турган суд раисини кўрди.

– Кечирасиз, бугун оғир кун бўлди.

– Ҳечқиси йўқ, – деди раис, – Гулбаҳор, опанга чойпой қилиб бер. Сиз хавотирланманг, болаларни ижрочилар олиб келиб беришади.

Болалар орадан бир кун ўтгач, изиллаб йиғлаб келишди.

– Мен бу ерда турмайман, – бағрига тортаётган онасининг қўлларини итариб ташлади Санжар. – Мен ўзимизнинг уйимизда яшайман. Мен бу ерни ёмон кўраман.

– Вой, болам, ундай дема. Мен сени соғиниб кетдим. Сен мени соғинмадингми?

– Соғинган бўлсангиз, ўзимизнинг уйимизга юринг. У ерда момом билан бобом йиғлаб қолди, – Санжар ўзи ҳам йиғлаб юборди. – Мен сизни ёмон кўраман. Мен бу ерда турмайман!

– Ўғлим, сен йиғлама. Эрта-индин бизнинг ўз уйимиз бўлади, кейин мазза қилиб яшаймиз.

– Менга уй керак эмас, менга момом керак!

– Ана, – деди она-боланинг мунозарасини бир четда кузатиб турган Ирис хола. – Илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён, деб шуни айтадилар-да. Бу боланг ҳеч қачон сенга эл бўлмайди. Бу ўша кампирнинг тарбиясини олган.

Нозима онасига ўқрайиб қаради.

Қизи индамай бағрига келди. Уни роҳатланиб бағрига босиб туриб, жуда-жуда ҳориганини ҳис қилди.

– Она, энди биз ҳеч қачон уйимизга қайтиб бормаймизми?

– Борасан, болам, қачон уйни соғиндим, десанглар, юбораман.

– Бўлмаса, момом нега йиғлади? Момом сизнинг юборишингизни билмаган-да. Сиз телефон қилиб, айтиб қўйинг, болаларингизни юбораман, йиғламанг, денг.

– Хўп. Олдин сенга ўзим тўйиб олай.

Ҳамдам ўзи айтганидан ҳам тезроқ уй топди. Кореяда ишлаётган бир ўртоғининг икки хонали уйи бор экан.

– Жуда зўр бўлмаса ҳам ҳамма шароити бор. Телевизор, музлаткич, кондиционер, каравот... Эгаси жиҳозлари билан қўшиб сотган эди. Бир оз чеккароғ-у, лекин бўлади, за то тинч. Олдин бир кўрасизми, ё бирдан кўчиб ўтаверасизми?

– Эртага эрталаб бир такси юборинг, борадиган жойимизни ҳам ҳайдовчига тушунтиринг. Биз болалар билан кўч-кўронимизни олиб, ўзимиз бораверамиз. Ўзингиз ўша ерда бўп туринг.

Ҳамма жойини ўргимчак тўри ва чанг қоплаб ётган уйдан рутубат ҳиди анқиб турарди. Болаларнинг бирдан қовоғи уюлди:

– Она, биз энди шу хунук уйда яшаймизми, – дарров саволга тутди бижилдоқ Ноила. – Бундан момомнинг уйи чиройли эди-ку.

Нозима бир уф тортиб, индамай қўя қолди. Ўзига ҳам ёқмаяпти. Аммо нима қилсин?

– Оналаринг ҳозир ҳамма жойни супуриб, ювиб, чиннидай қилади. Кейин бу уй ҳам чиройли бўлиб қолади, – Ноилани юпатди Ҳамдам.

Нозимага Ҳамдамнинг гапи ҳам ёқмади:

– Бориб машинадан юкларни олиб келинг.

Санжар ҳеч нарса демади. Гўё у кейинги бир неча кун ичида бир неча ёшга улғайиб, катта одамга айланиб қолган, ҳар нарсадан ўзича хулоса чиқариб, хулосасини ичига ютиб қўя қоладиган бўлган эди. У уйни ҳам, Ҳамдамни ҳам бир қарашда ёқтирмади, аммо чиқиб кетай, деса, онаси қўймайди, бирон четга ўтиб ўтирай деса, бу исқирт уйда ўтирадиган жой ҳам йўқ эди. Ниҳоят, Худо онасининг ўзига ақл бериб қолди:

– Бўлмаса, болалар пастдаги скамейкаларда ўйнаб ўтириб туришсин, уйни йиғштириб олгандан сўнг чақирамиз.. Тагин узоққа кетиб қолманглар, бегона жойда адашиб қолишларинг мумкин.

– Хўп, онажон.

Болалар чиқиб кетишгач, Ҳамдам тумтайиб турган Нозимани оҳистагина бағрига олди, у ҳам бир сўз демай, йигитнинг елкасига бошини қўйди. Улар шу кўйи анча туриб қолишди. На униси, на буниси бир оғиз гапирмади, улар бир-бирини сўзсиз тушуниб туришган эди. Бошларига тушган синовлар қайсидир маънода уларни бир-биридан узоқлаштирган бўлса, қайсидир жиҳатдан бир-бирига яқинлаштириб қўйган эди.

– Вақтни кетказмайлик. Бегона жойда болалар кўчада қолиб кетмасин, – биринчи бўлиб Нозима унинг елкасидан қўлларини олиб, кучоғидан чиқди.

– Ҳа, тезроқ бўлиш керак, – уни дарҳол қўйиб юборди Ҳамдам ҳам.

Робия кампирнинг уйдаги ҳашамдор шароитга ўрганган Нозима яғри чиқиб кетган бу ғарибхонани тозалар экан, хўрлиги келди: “Мендан кечиб, кимга етдинг, дейдилар”. Бу уйда бир уй бола билан бир сонсиз аёл яшаганлиги аниқ. Эшик, деворлар болаларнинг панжа изларидан доғ-дуғ бўлиб кетган, ким-ўзарига шарикли ручка билан ҳар хил расмлар чизилган, ошхонадаги қўл ювгич ва газнинг олди ёғли доғ-дуғлардан сирпанчиқ бўлиб қолган эди. Телевизор деганлари гугуртнинг кутисидан салгина басавлат бўлиб, ичкари хонанинг тўрида мунғайибгина турарди. Кирлигидан сарғайиб кет-

ган музлаткичнинг ичида ҳам бирон токча йўқ, кийим иладиган шкафдек хувиллаб турарди. “Қайнонаси умрини далада ўтказган бўлса ҳам, нима олса, асалидан, чиройлисидан олар эди”.

Бу уйни астойдил тозаламоқчи бўлса, болалари кун бўйи кўчада қолиб кетишини ўйлаб, ичкари хонадаги ўргимчак тўрларини тозалаб, чангларини ювиб, артиб, болаларни уйга киргизди. Ҳали замон болаларнинг қорни очади, уларга нимадир тайёрлаш керак. Шу пайтгача ҳеч қачон бозор-ўчарнинг ташвишини қилмаган Нозиманинг ҳаётида яна бир муаммо пайдо бўлди. Бироз хижолат бўлиб, Ҳамдамга қаради:

– Озроқ бозор-ўчар қилиб келсангиз. Ҳали замон тушлик вақти бўлиб қолади. Мен уйдан кийим-кечакдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаган эдим.

Ҳамдам унинг елкасига қокди:

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Эртаси куни яна бир муаммога тўқнашди: болаларни кимга ташлаб кетади?

...Уйга ташлаб кетди, Худо боқсин, деб. Газларни ўчирди, гугуртларни баландроқ жойга қўйди. Жавдираб турган болаларига “Мен дарров қайтаман, сизлар телевизор кўриб, қўрқмасдан ўтиринглар” деб ишга кетди.

Нозима қиртишлайвериб, уйни бироз очиб олди. Ҳамдам ҳам бироз ўзига келиб, олдингидай ҳазил-хузул билан кириб чиқадиган бўлиб қолди, лекин у ҳеч қачон кечаси ётиб қолмас эди. Нозима тунлари унинг қўйнида хузур қилиб ётишни, болаларига “бу сизларнинг янги дадаларинг”, деб эълон қилишни жуда-жуда истар, Ҳамдам эса “ошиқча муаммонинг нима кераги бор, шундайига ҳам яхши-ку”, деб қолишга унамас эди. “Агар ётиб қолсангиз, муносабатларимизни болаларга очиқ-ойдин айтсак, кундузлари келганингизда болаларни кўчага ҳайдаб юбормасдик”, “Икки соат кўчада ўйнаса, ҳеч нарча бўлмайди. Одамларнинг боласи кун бўйи кўчада юради. Менам эртадан кечгача кўчада юрардим. Момом бечоранинг “Ҳамдам-ув, Ҳамдам-ув” деб чақириб юришлари қўлоқларимда қолиб кетган. Чақираётганини эшитсам ҳам эшитмагандай ўйнаб юрардим”, “Барибир, ўз хоҳиши билан кўчада ўйнаб юриш бошқа, уйларига бир эркак келганда икки соатга уйдан чиқиб туриш бошқа. Бу нарса бир умр уларнинг ёдидан чиқмайди”. “Қўйсангиз-чи, биз уларга чиқиб туринглар, деяётганимиз йўқ, ўйнаб келинглар, деяпмиз”.

Ўша куни ҳаво жуда иссиқ эди. Нозима мактабдан қайтиб, ичкари хонадаги диванга энди чўзилган эди, эшик тақиллади. Болалари жойидан қимирламади, бундай пайти ким келишини ҳамма билар эди. “Ҳамдам”, деди Санжар ғижиниб. Бир парча боланинг беписанд ижирганиши Нозиманинг аччиғини келтирди. Ҳамдам ака де, бошига бир туширди ўғлининг, бозорлик қилиб келинг, дегандим, обкелган нарсасини захарингга ейсан, яна “Ҳамдам”, эмиш. Эшик яна тақиллади. Очиғини айтганда, бу бемаҳал ташриф Нозиманинг ўзига ҳам ёқмаётган эди. Ишдан ўлгудай чарчаб келган. Ташқари ёниб ётибди. Шу пайтда болаларни кўчага чиқариб қўйишга сира виждони чидамас эди. Буёғи қўшнилари ҳам ким кириб, ким чиқганини кўриб, кузатиб ўтиришибди. Жуда ноқулай.

Оғринибгина эшикни очди. Унинг юзидаги маломат Ҳамдамга сира ёқмади:

– Ҳа, на бўлди манинг нозли малагимга?

– Ҳеч гап. Ишдан ҳозиргина келган эдим, чарчаб...

– Менинг олдимда бундай шалпайиб турманг. Ўй-наб, кийикдай ўйноқлаб туринг, тушундингизми? “Уф!”

У индамай Ҳамдамнинг қўлидаги елимхалталарни олди. Ҳамдам эса “Ай, менинг нозли ёрим, нозли ёрим” деб хиргойи қилганча ичкари хонага кирди. Ерга думалаб телевизор кўриб ётган болаларни кўргач, унинг ҳам кайфияти тушиб кетди:

– Эҳ-ҳе, жамоат жам, битта биз кам-ку!

Болалар ўринларидан туриб ўтиришди.

– Ие, салом қани, ўқитувчининг болалари ҳеч салом беришни ўрганмади-ўрганмади-да.

– Ассалому алайкум.

– Салом, – сингисининг изидан эргашиб базўр оғиз кимирлатди Санжар.

– Қани, телевизорни ўчириб, кўчага шагом марш.

– Биз кўчага чиқмаймиз, қизиқ кино бўлаяпти.

– Чиқмаймиз эмиш, еш ё как чиқасан, шундай учиб чиқасанки, қандай чиққанингни ўзинг ҳам билмай қолсан. Қани, бир, икки, уч деганимда, сизларни бу ерда кўрмай. Ие, одам тоза ҳаводан ҳам нафас олиши керакми? Кун бўйи уйда биқиниб ётганларинг ётган!

– Қўяверинг, Ҳамдам, ўтираверишсин, – ошхонада туриб уни қайтарди Нозима. – Кўча ёниб ётибди. Улар ҳали тушлик ҳам қилишгани йўқ. Бу ёққа келинг, муздай чалоп қилдим, биз ошхонада гаплашиб ўтирамиз.

– Йўқ, – Ҳамдамнинг ҳам қайсарлиги тутди. – Биласиз, гапимни қайтарганларни ёмон кўраман. Ўзим чақирмагунча қайтмайсанлар. Қани, би-ир, ик-кки-и, у-уч!

Санжарнинг ранги кўкариб кетди, индамай сингисининг қўлидан ушлади-да, уйдан чиқиб кетди. Нозима уларнинг шу кетишини аллақайси фильмнинг фожиали якунига ўхшатди. Бирам мунгли, бирам ғариб эди уларнинг қарашлари, туришлари...

– Оч эди-да улар, бекор қилдингиз, – Нозима астойдил хафа бўлди.

– Менга ундай гап қилманг, хоним, – Ҳамдам унинг ёнига бориб, бош бармоғи билан тумшугининг тагидан кўтарди. – Сиз учун, сизнинг кўнглингиз учун қаерлардан тилимни кўндаланг тишлаб, шу хафа бўлмасин, шунинг оиласини бузиб қўйдим, деб келаман. Сиз бўлса, болаларингизни икки соат ташқарига чиқаришни истамайсиз. Ҳов, биласиз, кўча тўла қиз!.. Обкелинг, чалопни!

Омонат кулбага ҳам яна бир дарз кетди.

У чалопни симирагач, қўйлагини ечиб, эшикнинг тутқичига илди-да, ўзи ичкари уйдаги диванга бориб чўзилди. Нозима останада серрайиб туриб-туриб, унинг ёнига келди: “Бораверинг, ўша қизларга” дея олмади. Бир хўрсиниб, унинг яланғоч кўксига бошини қўйди. Ҳамдам унинг сочларини силади: “Ундай эмас-да, жоним. Одамнинг бор шавқини сўндириб юборасиз”.

Ҳамдам анча қолиб кетди, у кетгач, вужудига ғалати толиқиш ҳис қилди. Юмшоққина тўшак ўзига оҳанрабодай тортаверди. Ювиниб, салқинлаб олганиданми, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. Болаларини чақириб, уйга киргишига ҳам ҳафсала қилмади: “Ҳамдамнинг кетганини кўриб, ўзлари киришар”. Шу ётганча қотиб қолибди. Бир пайт қайнонасининг шанғиллаган овозидан чўчиб уйғониб кетди. Қайнонаси унга кўлтитаёғини ўқталиб, “Юзинг курсин, сен беҳаё, беномуснинг!” деб бақириб ётган эмиш. Ўрнидан сакраб туриб, атрофга қаради, ҳеч ким йўқ, на қайнонаси, на болалари. “Ўзингнинг юзинг курсин! Хайрият, тушим

экан. Юрагимни ёрди-я, жодугар!”. Кун тоб ташлаган бўлса-да, хона дим, у жиққа терга ботиб кетган эди: “Ие, болалар ҳалиям кирмабди-ку!”. Унинг кўнглига нохуш хавотир ўрмалади, шошиб деразадан пастга қаради:

– Санжар, Санжар-ув! Ноила! Ноила-а!

Уйнинг олдидаги ўйин майдончаси бола-чақага тўлиб кетган, фақат унинг болалари кўринмас эди. Оёқларига шиппагини илиб, ташқарига югурди. Йўлакнинг эшигида ранги аёздай захил, ҳамиша илондек заҳарга тўлиб юрадиган қўшни аёл – Шарофатга дуч келди.

– Ҳамсоя, менинг болаларимни кўрмадингизми?

Шарофат кинояли кулимсиради:

– Бечоралар ўтиришган эди уйларининг бўшагини кутиб. Бирон-бир шериксиз уй ахтариб кетиб қолишгандир балки.

Бошқа пайт бўлганда унга гап топиб берган бўларди, ҳозир бу чаён билан талашиб ўтиришга на вақти бор, на қуввати.

...Сўрамаган одами қолмади. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ахир ҳамма салқин уйнинг тўрида жон сақлаб ётган пайт эди, ким ҳам кўрарди унинг болаларини. Онасиникига, милисахонага кўнғироқ қилди.

Охири юрак ютиб, қайнонасининг уйига телефон қилди. Телефонни қайнонаси олди:

– Эшитаман.

– Хола-а, бу мен, Нозимаман.

Иккинчи томон анча пайт жим бўлиб қолди:

– Хола-а, – йиғлаб юборди Нозима. – Мен болаларни йўқотиб қўйдим.

– Нозима! Сендан илтимос қиламан, болаларни бундай овора қилма. Катта кўчада йиғлаб юришса, мени танийдиган бировга дуч келиб қолибди. “Биз Робия Соатованинг невараларимиз, шу кишини ахтариб юрибмиз” деса, Худо ёрлақагур аллақаерлардан уйга олиб келиб берди. Бир ёмонларга дуч келса, нима бўлар эди? Яхшидир, ёмондир, етти йил тузимни единг. Сендан илтимос, сенга ҳеч қандай таъна қилмайман, қандай истансанг, шундай яша, лекин болаларга тегинма. Мен энди сенга болаларни бермайман.

Нозима бир зум ўзига кела олмай турди, боягина дунёларга сиғмай турган вужудига секин-аста хотиржамлик, ҳаловат инди: “Худого шукур-ей!” Аммо шу дақиқанинг ўзида кўнглида бошқа бир истак пайдо бўлди.

– Хола! Мен болаларимни кўчага чиқариб қўйганим йўқ. Бола, бола-да, сизни соғиниб, уйдан қочиб кетгандир. Бир оғиз айтса, ўзим олиб бориб қўймасмидим, шунча йиғлаб ахтариб юргунча. Аммо мен ҳам болаларимни ҳеч кимга бермайман. Яхшиликча бермасангиз, яна судлашамиз.

– Ҳай, Нозима, ўзингни бос, қаҳримни келтирма. Мен яхши биламан, болалар сенга умуман керак эмас. Сенга бола керак бўлса, бир парча гўдакларни қоқ тушда иссиққа чиқариб қўйиб, ўзинг маишат қилиб ётмас эдинг? Сен бизга қасдлашиб, болаларни олиб юрибсан. Биз сенга нима ёмонлик қилдиг-у, болалар сенга нима ёмонлик қилди?

– Хола, у болаларнинг онаси менман. Аччиғим келганда ургандирман, уришгандирман, ташқарига чикариб қўйгандирман. Онаси сифатида уларни жазолашга ҳақли одамман, лекин уларнинг кафтига битта тикан кирса, менинг юрагим оғрийдир. Чунки улар менинг юрагимнинг ёғидан бино бўлган.

– Сен ўша болаларни ўйлайдиган она бўлганинда жимгина уйингда ўтирган бўлар эдинг. Сен фақат ўзининг маишатингни ўйлайдиган аёлсан. Судга бер, мана кўрасан, олдин айтмаган бўлсам, энди айтаман бор ҳақиқатни!

– Билганингизни қилинг.  
– Қиламан ҳам.

Икки томон ҳам келишгандек бир пайтда шарақлатиб телефонни қўйди. Нозиманинг қаршисида яна бир муаммо пайдо бўлган бўлса-да, кўнгли хотиржам тортган эди: “Топилди-ку болалари! Ўтиришгандир тиззаларда чулдирашиб... “Бизни онамга бериб юборманг”, деб”.

Аллақачон тун чуқиб, атроф қоп-қоронғу бўлган эди. Туриб хонанинг чироғини ёқди. Эшикни қулфлади. У жуда чарчаган эди. Болаларининг дараги чиққач, бирдан бўшашиб кетди. Ёстиғининг тагидан тунги қўйлагини олиб кийди-да, диванга чўзилди, аммо сира уйқуси келмади. “Ёлғизликнинг тунлари бунчалар дилгир!”. Аслида у қачонлардан бери ёлғиз, эрининг уйида ҳам ёлғиз эди. Лекин у пайтлар қўшни хонада кимдир уни интиқ бўлиб кутиб ётганини билар, бу ёлғизлик унга ғурур ва лаззат бағишлар эди. Энди у интиқ, интизор. Кутаётган одами ҳеч қачон уники бўлмаслигини билса ҳам, ғурури оёқ ости бўлса ҳам индамайди, индаёлмайди. Чунки энди ундан бошқа ҳеч кими, ҳеч нарса йўқ. Ҳа, болалари бор. Кампир сенга бола нима керак, дейдими? Ўзи она бўла туриб, менга шу гапни айтди-я. Наҳот, менда умуман оналик туйғуси йўқ, деб ўйласа? Унда мен аёл бўлиб, инсон бўлиб яшаб нима қилдим? Ҳатто мушук ҳам бир жойдан иккинчи жойга ўтса, болаларини тишида тишлаб олиб ўтади. Наҳот, ўша ҳайвонда бўлган оналик туйғусини менда йўқ деб ўйлайдилар? Ҳа, улар Нозимани ҳайвондан ҳам баттар деб ҳисоблашади, ҳали бунинг учун жавоб беришади!

У бир неча кун атай индамай юрди, ўзича бироз дам олмоқчи бўлди. Эрта туриб болаларга нонушта ҳозирлаш, сўнг кўнгли хавотирга тўлиб, изига қарай-қарай ишга кетиш, “Болалар нима бўлдийкин?” деб югуриб келиш, уларга тушлик, кечки овқат ҳозирлаш, тинимсиз “тек”, “қўй”, “жим ўтир”лардан жуда чарчаган эди. Бу уч кунда ёмонликка Ҳамдам ҳам изламади. У ҳам телефон қилмади. Шу омонат ҳамроҳдан ҳам дам олмоқчи эди у. Туриб-туриб зерикди, ўйлаб қараса, шу болалар учун овқат ҳозирлар, шулар билан ўтириб ўзи ҳам нимадир ер, шулар уйни тўзғитар, у йиғиштирар, шулар билан ҳаракат, ҳаёт бор экан. Баъзи оқшомлар умуман чироғи ҳам ёқилмади. Чироқ керак ҳам бўлгани йўқ, қаерда нима турганини билса... Бир ухлаб туриш учун чироқ ёқиш шартми? Ҳамдамни ҳам жуда соғинди. Бу йигит ҳеч қачон уники бўлмаслигини била туриб ҳам, уни ўйлашдан, уни кутишдан, узоқ тунлар уни соғиниб кўз ёш тўкишдан ўзини тийиб туролмасди. Бир кун келиб уни бутунлай йўқотиб қўйишини ўйлаганда, дунё кўзига зимистон бўлиб кўриниб кетарди. Ўзига ўзи тушуна олмас эди. Бу нима? Севгимми? Қирар ақли кириб, чиқар ақли чиқиб бўлган бир ёшда наҳот ҳеч қачон унга тегишли бўлмайдиган бир йигитни севиб қолган бўлса?! “Йўқ, унга ўрганиб қолган. Ҳа, шундай. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Ҳозир ундан воз кечишнинг ҳам иложи йўқ, уй уники, чет элга чиқиш учун беш-олти сўм пул жамғарсин, кейин ўзига ҳам, уйига ҳам этак силкиб кетади, қолади”. Бу гаплар ёлғиз қолган дамларда ўз-ўзига таскин учун айтиладиган шунчаки ёлғонлар эди, холос. Аслида бу йигитдан ҳеч қачон воз кеча олмаслиги ўзига ҳам, Худога ҳам аён ҳақиқат эди.

Тўртинчи куни прокуратурага борди. Прокурор Сардорни чақириб, бир вақтлар Нозимани кўрқитгани каби, “қора дори” кўрсатганми ё бошқа жиддийроқ гап қилганми, шу кунгек икки болани ҳам Нозиманинг она-синикига ташлаб кетибди.

Шу куни Ҳамдам ҳам келди. Бўлиб ўтган воқеаларни йиғлаб-юпаниб гапириб ўтирган эди, синглиси болаларни етаклаб келиб қолди. Ҳамдам бўлиб ўтган ишларда ўзини айбдор сездими, болаларнинг бошини силаб, “Сизлар ўтириб туришлар, бугун бир байрам қиламиз. Бир кило иссиққина тандир гўшт олиб келай, оналарингга шоколад, сизларга музқаймоқ ҳам олиб келаман”, деб, чиқиб кетди. Санжардан ташқари ҳамманинг юзига табассум югурди.

Ҳақиқатан байрам эди ўша кун Нозима учун. У дарров чой қўйиб, дастурхон ясашга тушиб кетди. Лекин ҳар қанча ялинса ҳам синглиси ўтирмади, “онам билан бир жойга боришимиз керак эди”, деб кетиб қолди. Ҳамдам роса тўлиб-тошиб келди, Нозима учун “Қора марварид” виноси, ўзига идиши ажабтовур ароқ ҳам олиб келган эди. Роса мазза қилишди. Ҳамдам кўярда қўймай болаларга ҳам сал-сал вино ичирди: “Бу сизларни бақувват қилади”. Ҳамма мазза қилди, гиналар унутилди, аразлар ёзилди, аламлар эсдан чиқди. Бироз кайфи ошган Ҳамдам кўшиқ бошлаб юборди:

“Қора холинга тушган киприкларининг сояси...”  
Қолганлар қарсақ билан жўр бўлди.

Шовқин-сурон билан эшикнинг тақиллаётганини ҳам анча кеч эшитишди. Даврага қовушмай бир четда ўтирган Санжар нимагадир даҳлизга чиқиб, эшикнинг тақиллаётгани эшитди:

– Эшигимизни кимдир қаттиқ уриб ётибди, – бола кўрқиб кетганидан ранги бироз оқариб турарди.

– Ҳозир ўзим қарайман, – Ҳамдам мардона эшик томон юрди.

Бир пасдан кейин унинг ҳам ранги оқариб келди:

– Опам!

– Опангиз? Опангиз бу ерда нима қилади?

– Биронта меҳрибонимиз бергандир-да адресимизни... Энди нима қилсақ экан?

Эшик тобора қаттиқроқ тақиллар эди.

Нозима шошиб унинг қўлига туфлисини тутқазди:

– Айвондаги супанинг подвалига кириш.

Ўзи эшикка йўналди:

– Ким у? Ҳозир!..

Эшик очилиши билан Ҳамдамга икки томчи сувдек ўхшаш бир аёл довулдек ёпирилиб ичкарига кирди:

– Келинг... – ич-ичидан қалтираб кетаётган бўлса-да, мулозамат қилди Нозима.

Довул унинг мулозаматини ҳам, ўзини ҳам йўлдан суриб ташлаб, пойафзалини ҳам ечмасдан, ҳамма хоналарни бир-бир кўриб чиқди:

– Қани, Ҳамдам?! – ўшқирди ҳамон дағ-дағ қалтираб турган Нозиманинг қаршисига келиб.

– Қанақа Ҳамдам?

– Мана мунақа Ҳамдам! – аёл бош бармоғини икки бармоғининг ўртасидан чиқариб, Нозиманинг тумшуғи тагига тикди. – Машинаси эшигининг тагида турибди. Столингга ароқ, вино, гўшт! Бу киши Ҳамдам қаердалигини билмасмиш. Икки хароминг билан сен ҳам отамнинг топганига шерик бўладиган бўлдингми? Мегажин!

Аёл унинг ёқасидан олиб, юмдалай кетди. Кўрқиб кетган Нозима ўзини ҳимоя қила олмай қолди, аёл қаттиқ

итариб юборган эди, у гуп этиб йиқилиб тушди. Шундан кейин аёл унинг устига ўтириб олиб, бошига муштлай бошлади. Нозима ҳеч нарсани сезмай қолди, қулоғига фақат қизчасининг “Она” деб чинқириб йиғлаётган овози эшитилиб турарди. Бир вақт устидаги аждарҳо “гурс” этиб орқага йиқилди ва бирдан жимиб қолди. Нозима ҳайрон бўлиб, атрофга қаради. Унинг оёқлари учидан Санжар катта ўқлоғни маҳкам қучоқлаганча, билинар-билинемас қалтираб турарди.

Нозима бир амаллаб йиқилиб ётган аёлнинг тагидан чиқиб, унинг бошига борди. Аёл беҳуш эди, бошининг тагида ҳалқоб бўлиб турган қонни кўриб Нозима кўрқиб кетди.

– Ҳей!.. Опа!.. – астагина елкасидан туртди Нозима.  
– Сув!..

Нозима югуриб Ҳамдамнинг ёнига келди:

– Санжар бошини ёриб қўйибди.

Ранги оқариб кетган Ҳамдам ярим эмаклаб, супанинг тагидан чиқди-да, чангдан оқариб қолган шимини енгил-елпи қоққан бўлиб даҳлизга чиқди: “Ҳеч тинч кун йўқ экан-да.” Бориб ҳамон кўзларини юмиб ётган опасининг боши устига энгашди.

– Ҳа, опа, сизга нима бўлди? Бу ерда нима қилиб ётибсиз?

Опа оҳистагина кўзларини очди:

– Бало бўлди, дард бўлди. Сен ўзинг нима б... еб юрибсан бу ерда?

– Мен шу ерда яшайдиган бир ошнамникига келган эдим. Қарасам, эшик очиқ, чўзилиб ётган ким бўлди, деб кирсам.. Қани тулинг, ўзим сизни дўхтирга олиб бораман.

У опасини авайлабгина турғизиб, қўлтиғига кирди-да, ташқарига олиб чиқди.

Ҳамдам кечкурун кўнғироқ қилгунча Нозима неча ўлиб, неча бор тирилди. Йўлакдан эшитилган ҳар бир қадам товуши унинг ёнига кишан кўтарган милисаларни бошлаб келаётгандай бўлаверди.

– Опам сизни судга бериб, қаматиб юбораман, деяпти, – унинг овози жуда ҳорғин эди. – Бир амаллаб тинчитдим. Мен уч-тўрт кун ёнингизга боролмайман, булар изимга одам ҳам қўйишлари мумкин. Ёлғиз ўғил бўлиш ҳаммиша қийин бўлган. Бир ўзимга юзта назоратчи. Бироз сабр қилиб тулинг, уйни ўзгартирамиз.

– Хўп.

– Ўзингиз ҳам уч-тўрт кун онангизникига бориб турсангиз, яхши бўлар эди.

– Хўп.

– Нозима...

Шу пайт тимирскиланиб юрган Санжар телефоннинг орқасида турган қутичани оламан деб, телефонни тушириб юборди. Алоқа узилиб қолди. Нозима шарақлаб ерга тушган аппаратни олиб, ўглининг елкасига ўша аппарат билан бир туширди: “Касофат! Ҳар доим бир нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб юрмасанг, бўлмайди”. Кейин телефонни жойига қўйиб, яна жиринглашини кутди, лекин қайтиб, кўнғироқ бўлмади.

Кутавериб, сиқилиб кетди. Ториқиб, айвончага чиқди. Аллақаердан мусиқа овози эшитилди. Тўй бўлаяпти, шекилли, “ёр-ёр” айтилаётган эди: “Қат-қатгина қатлама, қатланади, ёр-ёр. Қизни олиб янгалар отланади, ёр-ёр...”

Энди “опа”лар Ҳамдамнинг тўйини ҳам тезлаштиришади. Сардор ҳам уйланади. Шундай оқшомларнинг бирида унинг уйига “ёр-ёр” садолари остида янги келин солланиб кириб келади.

Болаларнинг тез овуниши тез унутишларидан бўлса керак. Болалари кундузги шармандагарчиликларни аллақачон унутиб, уйни бошларига кўтарганча, қувлашмачоқ ўйнашар эди. Болаларининг бахтиёрлиги унга жуда малол келди.

Дақиқа сайин заҳарга тўлиб бораётган Нозима айни дамда шу болаларни ўлдириб қўйишга ҳам тайёр эди: “Дардисарлар! Шу болалар бўлмаганда аллақачон чет элга кетиб қолар эди. Ишлаб, шаҳарда битта қилиб, уй қурдирарди, машина оларди, ҳамма орзу-ҳавасларига етарли пул жамғаргандан кейин эрга тегарди...”

Шарақлаган овоз хаёлларини бўлиб юборди. Санжарнинг оёғи телефоннинг симига илашиб қолиб, яна телефонни ерга тушириб юборган эди. Нозима учиб, хонага кирди. Унинг важоҳатини кўрган Санжар йиғлаб юборди:

– Урманг, онажон, билмасдан қилдим. Момонникидан янги телефон олиб келиб бераман. Илтимос, урманг.

“Момо”нинг тилга олинishi Нозиманинг жазавасини кўзитди:

– Момонг сенга телефон бераман, дедими? Мана сенга телефон!

У боланинг кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган бир бурдагина юзига тарсаки тортиб юборди. Бола гандираклаб орқага йиқилаётган эди, унинг нозиккина билакларидан чангаллаб ушлаб, яна бир тарсаки туширди. Энди уни тўхтатиб бўлмасди. Яна, яна, ураверди, ураверди! Бола энди онасининг оёқларини қучоқлаб йиғлар эди:

– Онажон, урманг, урманг, онажон! Бошқа бундай қилмайман, мени кечиринг.

Нозима болани бир силтаб, ўзидан ажратиб олди-да, ерга итариб юборди. Ярадор қуш мисол ер билан битта бўлиб ётган болани бир тепиб, яна айвонга чиқиб кетди. У бир пас деразадан келаётган муздай ҳавога кўксини тутиб турди, унинг юраги ёниб кетаётган эди. Ҳали келин тахтиравонига жойлашмаган шекилли, эзма санъаткорлар ҳамон “ёр-ёр”ни чўзиб ётишар эди: “Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан эй...” Нозима зарда билан дераза қопқасини итариб юборди. Дераза ойналари зириллаб кетди. У хонага қайтиб кирганда Санжар хонанинг бир четида, тагидаги кўрпанинг ярмини устига ёпиб, қунишибгина ётар эди: “Юзинг қурсин!”

Бир четда тиззаларини қучоқлаганча ҳурпайиб ўтирган Ноила ҳам кўзига ирқит мушукдек ёқимсиз бўлиб кўринди.

– Нега душманингда қарагандай пуси-иб қарайсан? Қайси гўрданам сенларни туғдим? Сенлар билан ҳеч қаерга сизмайман.

Қиз ҳамон қилт этмасдан онасига тикилиб ўтирарди. Унинг нигоҳидаги кўрқув ва бегоналикка ўхшаш ғалати ифода унинг қаҳрини келтирди:

– Ёт-т! Ҳозир бир тепиб, деворга ёпиштириб ташлайман.

Қизча кўрқиб кетганидан шошиб, ўтирган жойига ёта қолди. Ётганда ҳам муқаррар тушиши мумкин бўлган тепки зарбидан кўрқиб, ғужанак бўлганча, онасидан кўз узмай ётар эди.

– Аҳмоқ! Одам ўз онасидан ҳам шундай кўрқадими? Момонг сенларга шундай ўргатган-да: онангдан эҳтиёт бўлинглар, уриб ўлдириб қўйиши мумкин, қовуриб еб қўйиши мумкин. У одам эмас, одамхўр ҳайвон, деб! Э-э, момонга ўхшамай ўл! – у ошхонага ўтаётиб, қизчанинг

ярми очилиб қолган дўмбоққина сонларига бир тепди. Зарбнинг кучидан қизчанинг бир ҳовуч жуссаси тўп этиб деворга урилди. Аммо қиз ғиқ этган овоз чиқармади, бошини нозиккина билаклари орасига олганча, силжиб борган жойида ғужанак бўлиб ётаверди.

Нозима музлаткичдан боя Ҳамдам ичиб бошлаган ароқни олди-да, пиёлага тўлдириб қўйди. Пиёлани тик турган ҳолида бўшатди. Ичимлик муздай эди, аммо ичини ёндириб юборди. Косага бир капгир ош солиб, столга қўйди. Ўзича бир-икки қошиқ ош еган бўлди, яна ароқ қўйди. Ароқ энди юракларини куйдириб ўтди. Яна қўйди, энди бутун жону жаҳони куйди. Эзма кўшиқчи ҳамон келинпошшани юпатиш билан овора: “Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр...”, “Ҳа, аллақандай ойимтилла унинг уйига эга бўлиб олади. Бу эса болалари билан шу омонат катақдан ҳам қувилаяпти! Жодугар қайнонаси аввал бошдан уни ҳайдаш пайида бўлган. Шунинг учун уларни на загсдан ўтказган, на уйнинг рўйхатига киритган. Бир-икки марта айтса, “Шунгаям мен юрайми, эру хотин қилаверинглар”, деб бош қўшмади. Ўшанда никоҳинг ҳам, уйинг ҳам бошингдан ордона қолсин, деб бекор қилган экан. Мана энди унинг даъвоси ҳеч қаерга ўтмайди. Ноқонуний хотин! Ўзлари беришмаса, ҳеч қандай мулкка шерикчилиги йўқ болалар! Ўҳ-ҳ, жодугар! Бир умр чанга ботиб, тупроқ кечиби, кесакка суриниб юрган бўлса ҳам илоннинг ёғини ялаган экан, бу кампир!”

Оёқларини узатиб ётгиси келди, бир амаллаб ўрнидан тураркан, боши гир айланиб кетди, деворларга суяна-суяна хонага ўтди. Толиққаниданми, кўзларини зўрға очиб юрарди. Шу аҳволида ҳам ҳамон ғужанак бўлиб ётган “коптокча”нинг қўрқув тўла кўзлари очиқ эканлигини кўрди: “Э-э, ўл-э, дардисар!” Ўтаётиб, болани ўхшатиб бир тепди. Оёқлари жуда ҳам юмшоқ нарсага тегди, биқинигами, қорнигами, бола нақ ярим метр жойга силжиб кетди. У ётган жойида чўзиб ингранди, лекин йиғламади.

Эрталаб томоқлари қақраб уйғонди, кеча кўп ичганиданми, кўнгли беҳузур бўлаётган эди. Кун чошгоҳ бўлиб, уйнинг ичи қуёш нуридан қизиби, дим бўлиб кетган эди. Шошиб юз-кўлини ювиб, ишга отлана бошлади. Кеча ҳам ишга борманган эди, бугун бормаса, бўлмайди. Шусиз ҳам директорнинг ойимчаси ҳар куни бир асабини бузади.

У шошиб, ўғлининг бошига келди:

– Санжар, ҳой, Санжар! – боланинг устидаги кўрпани олиб, қўлидан тортиди, – Тур, кун пешин бўлиб кетди. Мен ишга кетаяпман. Уканг билан ўзларинг овқатланаверинглар.

Ўғлини силкилаётиб, негадир кафти қизиби бораётганини ҳис қилди. Ҳайрон бўлиб, боланинг пешонасини

ушлаб кўрди. У алангаи оташ бўлиб қизиби ётар эди. Шундагина унинг юзлари ҳам бўғриқиб кетганини пайқади:

– Санжар, ўғлим!

Чўккалаб, ўғлини кўтариб уйғотмоқчи бўлди, аммо боланинг боши шилқ этиб пастга тушиб, осилиб қолди, ўзи зўрға кўзини очди:

– Сув...

– Ноила, ҳай, Ноила! Тур, бир пиёла сув олиб кел.

Ноилдан ҳеч қандай садо чиқмагач, болани жойига ётқизиби, ўзи ошхонага югурди, Санжар бир қултум сувни зўрға юртди.

У Санжарни тинчитган бўлиб, Ноиланинг бошига югурди. “У ҳамаша ҳаммадан олдин уйғонар эди. Унга ҳам бир гап бўлган бўлмасин”. Қизчанинг кўзлари очиқ, пастки лабларини тишлаб, индамай ётар эди. Нозима унинг пешонасини ушлаб кўрди, “иситмаси йўқ”.

– Сенга нима бўлди, қизим?

Қизча лабларини яна ҳам қаттиқроқ қимтиди, қизариб кетган кўзларига қалққан ёш чеккаларидан оқиб, ёстиққа тушди.

– Ичи-им оғрияпти, – деди у анчадан сўнг жуда заиф овозда.

– Нега оғрийди? Ичинг ўтаяптими?

– Йў-ўқ, ўзи... оғрияпти...

“Ана, керак бўлса! Шуниси етмай турган эди, холос. Бу ёғи уйни бўшатиши керак. У ёқда иш, энди иккаласи баравар ётиб олди. Уларни даволатиш учун қанча пул, қанча вақт керак!”

Икки боланинг ўртасида ҳайрон серрайиб туриб-туриб, хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб кетди: “Севимли момоларига кўнғироқ қиламан. Келин излаб юргунча, ўғли билан келиб, невараларини даволатсин”.

Телефонни кампирнинг хонасига ўтказиб беришган шекилли, яна кампирнинг ўзи олди. Мулойимгина қилиб, “Ҳа, эшитаман!” деди. Нозиманинг товушини эшитиб, бирдан овози дағаллашди:

– Ҳа, тинчликми?

– Болаларнинг мазаси йўқ. “Тез ёрдам”га олиб кетаяпман. Дадаси борсин.

– Нима бўлди уларга? – бақриб кетди кампир. – Кеча уйимдан соппа-соғ қузатгандим. Сен жувонмарг бир нарса қилиб қўйгандирсан-да!

– Хола, кўп бошимни оғритманг, – Нозима кампирнинг гапини қайтариб ташлади. – Мен сизнинг гапингизни кўтаришга мажбур эмасман. Ҳозир бир нарса деб, гапингизга яраша гап қайтарсам, бир умр кўкайингиздан кетмай юради. Бола керак бўлса, болам деса, борсин. Бормасаям, садқаи сар, тақдирида борини кўраверади, – у шарақ эткизиб гўшакни ўрнига қўйди.

*Боши ўтган, давоми келгуси сонда*





## ГЎЗАЛ ХОТИРАЛАР ЖИЛВАСИ

Таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Омон Мухторнинг “Узун йўлакдаги икки киши” китобига кирган битикларнинг аксарият қисми республикамизнинг қатор газета, журналларида илк бор ўқувчиси билан юзлашган. Бироқ, адиб ҳаётини кузатув, ўй-суҳбат, хотира ва адабий манзара-тасвирларининг бир жилд остида жамлашиши, яхлит ҳолда эълон қилиниши адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Зотан, муаллиф бутун бир давр адабиёти намоёндалари қиёфаси билан боғлиқ, ғаройиб-антиқа воқеаларни нозик чизгилар орқали акс эттиради. Шунингдек, Ф.Хўжаев, Й.Охунбобоев сингари давлат арбоблари қисматига ҳам жонли чизгилар берилган. М.Қўшжонов, Қ.Йўлдошев каби адабиётшунос олимлар, Б.Зокиров, Б.Ихтиёровга ўхшаган санъат аҳллари қиёфасига хос гўзал кузатишлар ўрин олган.

Китобнинг номи С.Аҳмад ва С.Зуннунова билан кўп йиллар олдин бўлиб ўтган воқеани акс эттирувчи мўъжазгина хотирадан олинган. Унда инсон руҳияти ва ҳоли теран ҳис этилади, қалбида туғён урган гўзаллигу нафосат туйилади. Бир сўз билан айтганда, шогирд ва укалик мақомида туриб, ёзувчи-шоир ижоди билан бир қаторда унинг одамийлик хислатлари, инсоний қиёфаси ҳам улуғланади. Қисқа ва азоб-уқубатли йўлни мардона босиб ўтган С.Зуннунова шахсиятига эҳтиром ва эътибор, бизда айти шундай муносабат уйғота олиш баробарида, О.Мухтор ижод лабораториясига чуқурроқ кириб бориш имконини ҳам беради. Чунки, адиб ўз кўнглининг ички туйғу-кечинмаларини очишда ғоятда самимий, муносабат билдиришда эса ўта холис, беғараз позицияда туради. Назаримизда, айти шу ҳол унинг бадиий насри – ҳикоя, қисса ва романларига муносабат билдиришда муҳим калит вазифасини ўтай олади.

О.Мухтор академик шоир, файласуф ва мутафаккир Ғ.Ғуллом турмуш тарзи қизгин ҳаёт кучоғида кечганини қайд этади. Бу “кайфият одами” табиатига хос беғубор соддалик, самимият, иқтидориди кузатиш учун бадиҳагўйлик, “қоса тагида нимқоса” қўйиб сўзлаш салоҳияти сингари муҳим қирраларга диққат қаратади. О.Мухтор нафақат Ғ.Ғуллом, балки Ойбекни ҳам ўз давридан ажратиб таҳлилга тортмайди. Шунга қарамайдан, Ойбек инсон ва ижодкор сифатида тенгқурларидан анча юксак туришини эътироф этади. О.Мухтор тарихий ҳақиқатга садоқат тамойилига содиқ қоларкан, Ғ.Ғулломга нисбатан Ойбек ўз имкониятларини тўла намоён эта олган эди, деган хулосага келади. А.Қаҳҳорни

эса, “ўлик сўз ва эзмалик”ни хушламайдиган, “тилга оро” берган, шахс сифатида эса: “қаҳри бор” адиб ва инсон сифатида эслайди. А.Қаҳҳор ижодий принципларига тўхталар экан: “Унинг юрагида ҳаётини қусур-иллатларга қарши нафрат туғилиб, бу нафрат куйдирувчи қаҳр ўтига айланди”, деб ёзади.

Кўринадики, О.Мухторни бадиий насрга етаклаган омиллар сирасига Ғ.Ғуллом, Ойбек ва А.Қаҳҳорга ўхшаган катта авлод файласуф ижодкорларига бўлган айрича меҳр, улар ижодининг муҳиби бўлишни ҳам киритиш лозим. Бу ўринда ҳам О.Мухтор камтарин ва хокисор шогирд мақомида турар экан: “Ойбек бир тоғ бўлса, биз шу тоғ этагидаги бир тош”, дейишдан заррача ийманмайди. Бинобарин, адиб насрини Ғ.Ғулму Ойбек, А.Қаҳҳор услубий маҳоратлари ижодий ўзлаштирилиши фонида ҳам кузатиш мумкин.

О.Мухтор олисдан кўринган манзаралардан ИН-СОН ва ИЖОДКОР деган иккита сифатни ажратиб олиб, шунга кўра тасвир палитрасини кенгайтиради. Унинг бир қарашда жўн, ammo тарих синовларидан ўтган фалсафасига кўра: “Дунё карвонсарой, биз барчамиз сайёҳлармиз.” Англашиладики, олис ва яқин тарихимизни баҳолаш асносида О.Мухтор позицияси ҳар бир инсонни ўз қисматига кўра идрок этишга асосланади. Бу ҳол адиб романларида кузатиш учун: Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Лутфий, Навоий, Машраб, Нодира, Файзулла Хўжа, Байрон, Мирза Ғолиб, Шермуҳаммадбек ва уларни қуршаган ўнлаб бошқа тарихий шахслар образини қисмат етовидидаги бандалар сифатида англаш концептуал жиҳатдан ўзини тўла оқлашини кўрсатади.

Хуллас, Омон Мухторнинг “Узун йўлакдаги икки киши” китоби биз учун адиб ижодий лабораториясини очишда ўзига хос калит вазифасини ўтовчи тадқиқот, бадиий-эстетик кузатувлар йиғиндиси вазифасини ўтайди. Кези келганда, таъкидлаш ўринлики, адабиётшунослигимизнинг кейинги босқичида ёзувчи ва шоирларимизнинг айти типдаги, инжа кузатувларга бой асарлари анча камайиб кетмоқда. Шуни унутмаслигимиз керакки, қалам аҳлига хос самимий эътирофлар улар ижод лабораториясига кириб боришнинг энг оптимал йўлларида биридир. Қолаверса, бундай асарлар ижод лаззатидан туйилган оний лаҳзалар тароватига хос гўзалликни китобхонга юқтириши жиҳатидан ҳам қадридир.



# ҚОҚОҚ ҚОҚОҚОҚОҚОҚ ҚОҚОҚОҚОҚОҚ

## Хикоя

Кўнғироқ чинқириғидан уйғониб кетдим. Соат энди беш ярим бўлганди. Телефонимни ёқдим. Ҳеч ким кўнғироқ қилмабди. Рост-да, ким ҳам мени тунда бевозта қиларди? Танишлар, касбдошлар учун бу вақт кеч ҳисобланади... Ўзим ҳам қизиқман-да... Тез юзимни ювиб келиб, тиқишга ўтирдим. Кечаги “буюртма”ни битиришим керак. Ҳар қалай бир сўм, икки сўм... Машинани тақиллатмасликка ҳаракат қилиб, тиқишни бошладим. Келин кеч ухлаган. Бир эмас, иккита ёш боласи бор, ахир. Ярим соатлар тикувдим, ҳовлидан супургининг “шип-шип”и эшитилди... Соат етти яримда ўрнимдан турдим. Кўйлак битганди. Ёқалари, энглари каштали, ялтироқ келинлар кўйлаги. Қимматбаҳо матодан. Жуда чиройли чиқибди. Ичимдаги хўрсиниқни аранг босдим.

Дераза орти каттагина боғ. Дарахтларнинг оқ-пушти гуллари бир-бирига қўшилиб, бирам гўзал манзара ҳосил қилгандики... Шафтоли гулининг бўйлари ўша ёқдан туриб ҳам кишини маст қиларди. Болалигимдан баҳорни яхши кўраман. Бир пайтлар баҳор чоғлари ўша боғдан бери келмасдим. Ҳозир бундай сайру томошаларга вақт қаерда дейсиз?! Бир лаҳза маҳлиё бўлиб қолдим. Ичкаридан укамнинг овози қаттиқ-қаттиқ эшитилди:

– ...Қари қизиз соат тўққизгача ётади-ю, менинг хотиним ҳаммадан вахли туриб, ҳовли супуриши, чой дамлаши керакми? Турсин ўрнидан уям. Энди ўн саккиз яшар қизмас. У тенгиларнинг боласи мактабга бораяпти. Ҳеч бўлмаса чойини ўзи дамлаб ичсин заҳрига!..

Нимадир тарақлади. Дадасининг овозидан кичкина жияним йиғлади. Келиним уни овутиди:

– Вой, айланай, бўлди, бўлди... Даданг сани уришмаяптилар...

Аямдан садо чиқмади. Ортимга қайтдим. Мактабда бирор нима еб оларман...

Бугун олти соат дарсим бор эди. Нонушта қилишга, тушликкаям улгуролмадим. Дарсдан кейин буфетга кирсам, ҳеч нарса қолмабди. Секин-секин уй томон судралдим. Авваллари уйда мени бир мўъжиза кутиб тургандай, ошиқардим. Йиллар ўтгани сари қадамларим



сушлашгандай. Баҳор сабоси юзимни сийпалаб ўтди. Кўчада ҳам дарахтлар чаман бўлиб гуллаган. Лекин йўловчилар бунга бепарво, шаҳд билан кўзлаган манзиллари томон ошиқишади. Кўпчилик ишдан уйига қайтмоқда. Ёнимдан иккита боласини боғчадан олиб, қўшни келин ўтиб қолди. Дарси эрта тугаган шекилли бозорлик қилишгаям улгурибди. У билан бир мактабда ишлаймиз. Бошланғич синфларни ўқитади. Яхши аёл. Қўлидаги юки оғирлигини билиб, уни чақирдим.

– Тўхтанг, Мавлуда. Қўлингиздагини менга беринг.  
– Ҳа, йўғ-а, қўйовринг, Рухсора опа, – деб жилмайди келинчак.  
– Беринг, иккита бола билан қийналасиз, ахир.  
– Раҳмат, – деди у, кейин сўзсиз юриш ноқулай бўлдими, гап бошлади:



– Бозорда юрувдим, дадаси телефон қипқолдила. Ишдан кеч қайтаман, болаланиям опке деб.

– Ҳа.

– Икки бола билан ишлаш қийин экан. Ҳали униси касал бўлади, ҳали буниси. Ҳали униси хархаша қилади, ҳали буниси.

– Ҳа.

– Лекин ишламасангизам, уйдан чиқмай қоларкансиз. Ўзизга қарамай қўяркансиз. Шунинг учун ишга чиқдим... Дадаси аввалига рози бўлмади.

– Ҳа, – зўр-базўр жилмаяман.

Йўлда қўшнимизга келин бўлган синфдошимнинг уйи бор. Ўзи чиқиб қолса-я, деган хавотир аралаш ерга қараб ўтдим. Хайрият, чиқмади. Қизчаси пақирчада сув сепаяпти. Бир ўрим сочи тебраниб қўяди. Калта кўйлақчаси шабадада ҳилпирайди. Ўғли футбол ўйнапти. Бақриб-чақриб, терлаб-пишиб тўп тепаяпти. Болаларини кўриб, унинг саргузашти эсимга тушиб кетди. У мактабни битирган йили бир йигит билан севишганди. Ота-онаси ўзларига тенг кўрмай, йигит юборган совчиларни қайтаришди. Лекин синфдошим севгисига содиқ бўлиб, ўша йигит билан қочиб кетди. Институтга энди гина кирганди, ўқишиниям ташлади. Тўғри қилган экан. Мана энди тўрт боланинг онаси бўлиб ўтирибди.

Ундан кейинги ҳовлида маҳалламиз “кўз-қулоғи” туради. Кимнинг келини ҳомиладор, кимнинг қизи аразлаб келган, ҳаммасидан хабардор. У Мавлудадан эри-ю қайнона, қайнотасини, ўзининг ота-онаси-ю, ёнидаги бола-чақаларини обдон сўраб бўлгач, менга истамайгина кўз ташлади.

– Сен яхшимисан, аянг яхшими?

– Ҳа.

Ёнидан ўтарканман менга ачингандайми, жиркангандайми қараганини, ҳатто Мавлудага ғалати ишора қилганини кўриб қолдим. Унинг учта қизи, икки ўғли бор. Катта ўғли менинг синфдошим. Алоҳида уйда яшайди. Кичик келини ўзи билан бирга. Уч қизи бор, иккитаси гапсўз билан тўй бўлганини эшитгандим. Иккаласи ҳам тиниб-тинчиб кетишди, шекилли.

Уйга кирсам, опамлар келишган экан. Кўришиб бўлгач, уларнинг ёнига ўтирмадим. Укамнинг эрталабки гапи эсимга тушиб, келин билан бирга хизмат қилдим. Ошхонада жиянларимнинг “вағир-вуғур”и билан келиним икковимиз тамадди қилган бўлдик.

Хонамга кирсам, мен эрталаб тикиб қўйган кўйлақ жойида йўқ, эгаси олиб кетган ҳойнаҳой, уйқуга ётдим.

Эрталаб яна телефон соати чинқириғидан уйғондим. Тез туриб, кўча эшигини очдим. Ҳовлига сув сепдим. Келин турганча супуриб қўйдим. Яна тикишга ўтирдим. Бугун бир ҳамкасбим учун замонавий фасондаги костюм-юбка бичдим. Эри аллақандай катта жойида амалдор. Бир ўғил-бир қизи бор. Бирни кийиб, бирни ечади. Қайғу-ғами йўқ... Мактабдаям эрмакка, кунини ўтказиш учун ишлайди. Либосни бичдим-у, тикишга улгуролмадим. Соат етти бўлаётганди. Ошхонага бориб, нонушта тайёрладим. Аям ўрнидан туриб келди. Бечора аямнинг юзидаги ажинлар кечагидан-да кўпайгандай кўринди кўзимга. Сут пишириб, олдига қўйдим. Нон тўғраб ея бошлади.

– Ая, кўйлақни эгаси обкетдимми? – деб сўрадим ёнига ўтириб.

– Қанақа кўйлақ? Э, ҳа, анави ялтироқми? Ҳа, обкетди.

– Ҳмм...

– Пулига мой обкелдик, уйда мой қомаган экан.

– Ҳа... – дамим ичимга тушиб кетди.

Ҳар сафар шундай бўлади. Менинг буюртмам битишига уйда нимадир тугаб туради.

Нонушта қилиб бўлгунимизча ошхонага укам ҳам, келиним ҳам киришмади. Идишларни ювиб қайтаётганимда, укамнинг уйдан келинимнинг овози эшитилди:

– Келин бўлиб тушганимга тўрт йил бўлди. Битта узук оберганиз йўқ. Иккита қўчқордай ўғил туғиб берганимга раҳматиз шуми?! Одамларни эрлари ҳар байрамда тилла совға қилади. Туғса-ку, комплектлар олиришади... Мен билмайман, оберасиз шуни!

Орада укамнинг гўнғиллагани эшитилди. Жияним йиғлади. Келиним боласига “эй, ўчир-эй”, деб давом этди:

– Жуда бўлса, ўша меҳрибон опангиз бир ой маошини рўзгорга берар. Нима, фақат Сиз уни боқишиз керакми? Уям қарашсин-да, текин еб ётавермай.

Хўрлигимни аранг босиб ичкарига кириб кетдим. Аммо келиннинг баланд овози бу ерга ҳам баралла эшитиларди:

– Эрга тегиб кетмайдими энди, ўй-ўтиравермай? Иззати битмадими? Йўқолса, хонасини болаларга берардик. Иккита бола билан икки хонада яшаш жонга тегди...

Зумда кийиниб, пардоз ҳам қилмасдан, кўчага югурдим. Мактабга борарканман, келинимнинг сўзлари қулоқларим остида жарангларди.

У чекка қишлоқдаги узокроқ холамизнинг қизи. Отаси йўқ, анча йиллар аввал вафот этиб кетган. Мактабни битирганидан кейин, онаси менга шогирдликка олиб келганди. “Айланай, биз буни катта ўқишларда ўқитолмаймиз, сизларга ўхшаб. Ҳеч бўлмаса, бир ҳунар ўргансин”.

Ўша йили укамни уйлантириш ташвишида эдик. Уятчан, камгап, меҳнаткаш қизлиги учун мен келинликка тавсия қилгандим уни. Янги келинлигида бирам яхши эди. Қўлимни совуқ сувга урдиргани кўймасди. Мен тикиб берган ялтироқ кўйлақларни кийиб, “опажон-опажон” деб бир гапириб, ўн куларди.

Болали бўлиб, туғруқхонадан келгач, уйига кирдим. Жиянимни бир кўрай деб қўл узатсам, чақалоқни зўрға қўлимга берди. Ушандан бери муомаласи кундан-кунга совиб бораяпти.

Тўрт соат дарсим бор эди. Тугатиб, уйга бордим. Келинимнинг қовоғи шишган, онам маъюс. Нима бўлган бу уйга ўзи, ҳаммалари бир бўлиб йиғлашганми? Қўлимни ювиб келиб, сўрига – онамнинг олдига чиқдим. Келиним бир лаган ошни “тақ” эткизиб, дастурхонга қўйди-да, ўзи ўтирмай, кетиб қолди. Совуган чой билан ош едим. Нимагадир юрагим безиллади. Ойлик олмадингми, деб сўради онам.

– Йўқ, ҳали вақт бор-ку.

– Тезроқ олганимда яхши бўларди. Бозорликнинг баракаси учиб турибди. Бу ёқда унниям таги кўриниб қолди. Укангни боласи касал бўлганида бировдан қарз олган экан. Шунинг учун...

– Яхши, – дедим гапни калта қилиш учун. – Эртаиндин ойлик берар. Ё бўлмаса, тикканларимдан тушиб қолар...

Онамнинг чехраси очилди.

Ойлик маошга ҳали эрта бўлса-да, эртаси куни аллақандай умид билан мактаб кассасига бордим. Кас-сиримиз Умрзоқ ака “ҳеч гап йўқ” деб икки қўлини ёйди. Йўлақда аёл ўқитувчилар гаплашиб туришган экан. Тарихчи ҳамкасбим Салтанат опа менга қараб сўз қотди:

– Ойлиқдан хабар олгани келувдийизми, айланай?

– Ҳа.

– Сизга ойликнинг нима кераги бор экан, – деди у бошимдан оёғимгача разм солиб. Индамадим.

Бу аёлнинг Алининг аламини Валидан олиш ода-ти бор. Ҳозир болалар дарсини эшитишмаган ёки гап қайтаришган шекилли, менга ёпишяпти.

– Бизга ўхшаб уч-туртта болайиз, эрийз, рўзгорийз бўлмаса. Бир бошийиз, бир ўзийиз. Бунинг устига тикиш қилиб, пул топсангиз. Шунча пулни нима қиласиз?..

Гапини эшитмасликка олиб, тез-тез юриб кетдим. Ёнидаги ўқитувчилар “Ҳай, опа”, “Об-бо, бекор қилдийиз” деб қолишди.

– Ҳа, нима, рост-да. Тавба, бурнидан баланд гапи-ролмайма? Шунинг ёнини олишларингни-чи?..

Салима опа бир ярим ставка дарс беради. Ярим ставкасини директор билан уришиб-талашиб олган. Эри амалдорнамо. Уйда битта келини бор. У ҳам бекор ўтирмай, уйининг олдида “бозорча” қилади. Шунга карамай, нуқул пулга зориқиб, норозиланиб юради.

Уйга келиб, буюртмаларимнинг пулларини онамга олиб чиқиб бердим. “Бир-икки кунда ойлик бераркан, ун-гача етиб турар”, дедим. Онам пулни индамай олди.

Бугун ҳаво биллурдай тоза, чертсанг жаранглайдигандай. Ҳавонинг лаҳзадаги ўзгаришидан кайфиятим ёришиб, кундузги дилхиралик ёдимдан кўтарилди. Онам мени кутиб ўтирган экан, шекилли, хонасидан чиқиб, мен билан ошхонага юрди. Укамнинг хонасидан кели-нимнинг хиянларимга бақиргани эшитилди. Онам ошхо-нага бориб, овқат иситиб, чой дамлаб берди. Анчадан бери бундай қилмасди, ҳайрон бўлдим. Ёнимга ўтирди, кеч қолганимни сўради. Ҳайронлигим ошди. Тафтишчи-лар келаётгани сабабли кечга қолганимни айтдим. Онам овқатланишимга завқ билан термулиб туриб секин гап бошлади:

– Сени бугун яхши бир жойдан сўраб келишди.

Онамдаги ўзгаришнинг сабабини энди тушундим. Тўғриси, ҳаяжонландим. Чунки бундай гапларни эшит-май қўйганимга анча бўлганди.

– ...Ким экан?

– Ўзи қўшни маҳалладан. Тошкентдаги катта ўқиш-ларда ўқиб, шу вақтгача уйланолмаган экан. Ўзимга мос, ўқимишли қизни оламан, ўқитувчи бўлса яна яхши, деб-ди. Шунга... сени... Нима дейсан?

– Билмадим, – дедим ўн саккиз яшар қизлардай уя-либ, – ундай одамни кўрмаган бўлсам, танимасам...

– Тўғри айтасан, биз ҳам шундай дедик. Шунинг учун эртага учрашувга чиқасан.

– Бунча тез?.. – Жавобимдан ўзим уялиб кетдим.

– Яхши ишнинг тез бўлгани яхши-да! – Онамнинг кўзлари чақнарди.

Жавонни очиб, учрашувга қўйлак танладим. Тўғ-риси, яхшироқ қўйлагим йўқ экан. Ҳаммаси одми, ўқи-тувчиларга мос. Яна аниқроғи, қирқ ёшдан ошган аёлларнинг кийими. Мана бу қўйлак бўлмайдиган, узун, ҳарқалай, Тошкентда ўқиган бўлса... Мана бу костюм-юбка жуда қалин, бу кофта-юбка эса ёзги, юпқа. Танлаб-танлаб, охири ўтган йили ёзда олган ихчамгина қўйлакни танладим. Сал юпқароқ демаса, бўлади! Эртага кунду-зи учрашамиз, ҳар қалай бугунгидай жала қуйвормас, қора девларга инсоф берса!... Соат ўнга яқинлашиб қолганда, ўрнимга ётдим. Тўхта, учрашувга бир ўзим бо-раманми?! Ҳар қалай биринчи марта кўришим бўлса, уят бўлмасмикин? Ўйлай-ўйлай Гулшанга кўнғироқ қилдим. Гулшан қўшни маҳаллада туради, мендан икки ёш кичик. Мактабимиз олдидаги гўзаллик саломида ишлайди. Ҳар

замон дардлашиб турардик. Аниқроғи, у дардини айтар-ди. Эртага иши кўп экан, ялиниб-ёлворишга тўғри келди. Охири рози қилдим. Энди ухласам бўлади!

Яна эрта туриб, ҳовли супурдим. Ҳовлидаги бир туп олма гуллай бошлаган. Хушбўй ҳиди бутун ҳовлига таралди. Кайфиятим кўтарилиб, ашула айтгим келди. Учрашувга ярим соат қолганда Гулшан келди. Ясаниб, чиройли бўлиб кетибди. Унинг олдида менинг кийимим одми, соч турмагим, пардозим ўта оддий бўлиб қолди. Майли, гўзаллик – оддийликда.

“Истиқлол” боғига бордик. Йўлларда ўтлар энди кўкариб, атроф яшилликка ўранаётган пайтлар. Йигитга унчалик қаролмадим. Лекин менимча, бўйи-баста келиш-ган, ўзиям кўримликкина, шекилли. У билан асосан Гул-шан гаплашди. Мен бир-иккита саволларига жавоб бер-дим, холос. Гулшан билан суҳбатидан маълум бўлишича, ўтган йили аспирантурани битириб, фан номзоди бў-либди. Техника фанлари номзоди! Ҳозир политехника институтида ишларкан. Шунча гапнинг орасида Гулшан ҳатто унинг телефонидан кўнғироқ қилишга ҳам улгурди... Ҳалиям шу Гулшаннинг келгани, бўлмаса икковимиз ҳам оғзимизга талқон солиб-иб ўтиравардик. Исми Озод экан! Озод! Чиройли исм. Ота-онаси билан бирга тураркан, кенжа ўғил экан, шунақа гаплар!.. Назаримда бугун ҳаво ҳар кунгидан ажойиброқ бўлди. Қуёш чарақлаб турибди, лекин ҳаво салқин. Ариқчалардаги сувнинг “жилдир-жил-дир” қилиб оқиши кишига бирам хуш ёқади-ей...

Ҳовлимиздаги олма чаман бўлиб гуллади, гулини тўқди, мевага кирди ҳамки, совчилардан дарак бўлма-ди... Келиним хиянларимни олиб, онасиникига кетган, укам ишдан ҳали қайтмаган, уйда онам икковимиз эдик. Ҳовлидаги сўрида китоб ўқиб ўтирсам, уйга опам кириб келди. Ўрнимдан туриб кўришмоқчи эдим, “Ҳе” йўқ, “бе” йўқ, ерда ётган онамнинг ковуши билан мени ура кетди. Уриб-уриб қарғади, қарғаб-қарғаб урди:

– Ҳа, бозори касод, қари қиз, ўзингга эр топиб қў-йувдингмики, бировга илинсанг?! Ё ўзингдан ортдимми, кўнглингга урдими, инъом қиласан уни Гулшан-пулшан деганларига! Биззи ориятдан ўлдирдинг-ку бир эргами ё қаро ергами тегмай?! Поччанг кўзимни очирмайди, қозикда қариган синглинг бизникига келмасин, менинг қизларимга ҳам нуқси уради, деяверади.

Сўрида ўтирган онам ҳам юзимга бир шапати урди:

– Сен бозори касодни деб келиндан тилим қисик, бир нима десам, қари қизингни бил, дейди. Шу ёшга-ча ит ҳам олмади, бундан кейин гўр бўлармиди, дей-ди. Укам билан ҳар кунни уруш, ҳар кунни жанжал. Қари қизинг уйимдан чиқиб кетсин, дейди. Жўраларимни уйга чақаришга ор қиламан, дейди. Сен нимани ҳам билар-динг, яшшамагур...

Онам шундай деб ўтирган жойида йиғлай бошлади. Мен бутунлай гангиб қолгандим. Опам ураётганидан ҳам кўра онамнинг йиғлагани кўпроқ таъсирлантирди мени.

Кечқурун ўз хонамга кириб, бўлиб ўтган жанжални эсларканман, хонамга кўз югуртирдим. Раҳматли да-дам “Бу хона кенжа қизимга” деб ўзимга мос қилиб бе-затиб бергандилар. Ушанда бешинчи синфда ўқирдим. “Менинг ҳам алоҳида хонам бўлди”, деб қувонганман. Деворга кичкина гилам осиб, ерга палос ёзгандик. Уй бурчагида ихчамгина хонтахта. Ушанда дарс тайёрлар-дим. Мактабда, институтда ўқиганимда. Ҳалиям тай-ёрлайман. Эшиқдан кираверишда кичкина шкаф. Унда кийимларим, китобларим туради. Энди мана шу кички-нагина хонага, дадам менга берган хонамга ҳам сиғмай қолдимми?!...

Опамнинг уйига кўп боравермасдим-ку. Борсам ҳам, почтамнинг йўғида, бирровга бориб келардим. Кейин унинг қизлари кичкина. Ҳали мактабда ўқийди. Нега уларга менинг нуқсим ураркан?! Бир пайтлар, институтга кирганимда, уни битирганимда шу опамнинг ўзи қизларига мени ибрат қилиб кўрсатиб “холанга ўхшасаларинг, одам бўласизлар”, деган эмасмиди?!

Дарвоқе, опам нима деди?! Ҳа, Гулшан Озодни ўзига қаратиб олибдими?! Шундан бери учрашиб юришаркан?! Унаштирилишибди! Яқинда тўйлари бўлармиш! Бу нимаси бўлди?! Мен уни дугонам, яқиним деб учрашувга олиб борсаму, у мен учун келган йигитни ўзига оғдириб олса?! Инсоф қаерда қолди? Лекин... лекин мен бун билмагандим-ку. Ахир, ўзим хоҳламагандим-ку.

Келиним нега онамга мени таъна қилади. Унга оғирлигим тушгани йўқ-ку. Укам, менинг жон укам, туғилганида хурсандлигимдан осмонларга сакраганим, якка-ю ягона укажоним мендан ор қилар экан-да. Боя опам нима деди? Уйдан чиқиб кет, дедими?! Энди туғилган уйимга ҳам бегона бўлдимми? Демак, кетишим керак. Лекин... қаерга бораман...

Ўрнимдан туриб, хонадан чиқаётганимда эшик ёнидаги кўзгуга дуч келдим. Мактабни битирганимда синфдошларим совға қилишган кўзгу. Юрак шаклидаги, пастда, юракнинг туташган жойида иккита узук акси туширилган кўзгу. Тепасида ўша битирув кечаси совға қилинган сунъий гул... Кўзгуда кўзлари нам, оқ оралаган сочлари тўзиган, кўзлари остига билинар-билинемас ажин тушган бир қиз мунғайиб турарди. Қари қиз. Ҳеч кимга керак бўлмаган қиз. Ҳаммадан дакки ейишга яралган қиз. Ҳаммадан таъна эшитишга яралган қиз. Сўнги умиди ҳам поймол бўлган қиз. Оғзидагини олдирган ландовур қиз. Бу дунёда ҳеч кими йўқ қиз...

Ўша куни хонадан чиқмадим. Йиғлаб-йиғлаб, ухлаб қолибман. Эртаси куни эрталаб ишга отландим. Нонушта ҳам қилмадим. Йўлдаги салонда Гулшаннинг кувноқ чехрасига кўзим тушди. Мени кўриб, уялмади, аксинча менга эшиттириб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Аввалгидан-да яшариб-очириб кетганди...

Дарсларимни ўтиб бўлиб, уйимга эмас, мутлақо бошқа томонга юрдим. Юриб-юриб, шаҳар чеккасига бордим. Бу ерда темир йўл бор. Ундан поездлар тез-тез, важоҳат билан ўтиб туради. Болалигимда уйимиз шу яқин атрофда эди. Ҳозир у уйлар бузилиб, ўрнига қандайдир ҳарбий бино қурилган. Онам бу ерга келиб, ўйнагани қўймасди. “Худо кўрсатмасин, бир фалокат бўлмасин”, дерди. Ҳозир эса менга ўша фалокат керак.

Уёқ-бу ёққа юриб, кеч бўлишини кутдим. Қуёш бота бошлади. Узоқдан вишшиллаб поезд келарди.

Шу пайт орқамдан қандайдир товуш эшитилди. Нозиланиб ўтирилдим. Ҳарбий кийимдаги бир киши менга қараб кулимсираб турарди. Ноилож ортимга қайтдим:

– Менга гапираяпсизми?

– Ҳа-да. Боядан бери сизга гапирман.

– Кечирасиз, эшитмай қолибман.

– Бўп туради. Хаёллар билан банд эдингиз.

– Ҳа, бу ерларда болалигим ўтган. Ўша пайтларни соғиниб келгандим.

– Уйларингиз шу ердами?

– Сизларнинг ишхонангиз жойлашган ерда, – дедим кўлим билан ишора қилиб.

– Эй, шундайми. Унда ҳамдардлик билдираман. Лекин биз.. бундай бўлишини хоҳламагандик...

Мендан кулаятими десам, юзида самимий, содда табассум аксланиб турарди. Ёшиям унча каттага ўхшамайди. Жуда нари борса мендан бир-икки ёш катта, холос. У билан танишдик. Исми Баҳодир, Андижондан экан. Шу ерда ишларкан, қандай вазифалиги сир эмиш.

Мен ҳам ўзимни таништирдим. Касбимнинг сирли жойи йўқ, ўқитувчиман, дедим. У кулиб юборди. Кулганда юзлари яшнаб кетди. Қизиқ, бундан нари борса ўн-ўн беш дақиқа олдин ўзимни ўлдириш ҳақида ўйлардим. Энди у хаёлларим ўзимга аҳмоқлик бўлиб туюларди. Баҳодир ака билан тез чиқишиб кетдик. Телефонларимизни алмашдик.

Ҳаётимга маъно киргандай эди. Энди мени кечкурунлари ҳам йўқлайдиган кишим бор. Эрталаб нонушта қилмай, ишга отланаман. Кун бўйи мактабда юриб, уйга кун ботганда бораман. Уч-тўрт кунда, баъзан кун ора бирор жойда учрашадиган бўлдик. Бир кун у менга анча тикилиб турди. Биринчи учрашувимиздагидай куёш ботиб борар, шабада аллақерлардан гул исини димоққа олиб келиб урарди. Аввал кулимсиради. Кейин кўзларимга жиддий тикилди. Негадир юзлари бир оз қизарди.

– Рухсора, – деди у ютиниб, – мени Нукусга жўнатиш-япти. Анча пайтга. Мен... агар қарши бўлмасангиз... сизни олиб кетмоқчиман. Бир умрга... розимисиз?

Юрагим бехос гупирлаб уриб кетди. Ахир мен нима ҳам дейишим мумкин? Секин бош ирғаб ерга қарадим.

– Ҳа.

Баҳодир ака ҳаяжон билан кўлларимни силади.

– Раҳмат сизга, раҳмат... Лекин... бироз кутиб турасиз... Аввал ўзим бориб яхшилаб жойлашиб олай, сўнг... ахир сизни овора қилиб қўймай дейман-да... Кейин... Андижонга бориб хотиним билан расмий ажрашишим керак... Шунга озроқ вақт керак бўлади. Рухсора, мени кутасиз-а?

Мен, яна ерга қарадим. Ахир шу ҳам савол бўлдимми? Кутаман-да! Кутмай нима ҳам қилардим. Баҳодир ёнимга қайтмаган тақдирда ҳам ўз баҳодиримни кутавераман.

У кетди. Мен хиёбондан чиқарканман, юзимга куёшнинг оташ нафаси урилди. Баҳор чекиниб, ўрнини иссиқ ва қайноқ ёзга бўшатиб бермоқда эди.





## Мозийлардан оққан ҳар сас қадрдон

### БУ ЮРТНИНГ...

Тошганида тоғу тошни кемирган,  
Далли, жўшқин дарёси бор бу юртнинг.  
Ёлғиз ўзи ёв лашкарин емирган,  
Широқ кезган саҳроси бор бу юртнинг.

Ўчмагандир Ватан деган ноласи,  
Мардлик эмар бешикдаги боласи.  
Шу замин деб жонин тиккан лоласи,  
Тўмарисдек момоси бор бу юртнинг.

Бедов миниб эрам боғда сайрона,  
Тор тутганда тўти булбул ҳайрона.  
Сал жаҳлидан ёв қўргони вайрона,  
Гўрўғлидек танҳоси бор бу юртнинг.

Боғларида олма битган, нор битган,  
Манглайига номус битган, ор битган.  
Ўн икки йил сувга боқиб ёр кутган,  
Вафо рамзи – Зухроси бор бу юртнинг.

Мозийларни суяб турган минори,  
Соя солар минг асрлик чинори.  
Балолардан асраган туг-тумори,  
“Уч юз олтмиш” – Куброси бор бу юртнинг.

Бунда менга ҳар хазон-хас қадрдон,  
Мозийлардан оққан ҳар сас қадрдон.

### Абдувоҳид САИДМАТОВ

Тошҳовуз вилояти Ҳалланг қишлоғида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлаган. "Боболарим ёққан чироқ" номли шеърый тўплами нашр этилган. Ўқитувчи.

Шу заминга меҳрим бердим бир жаҳон,  
Абдуллодек шайдоси бор бу юртнинг.

### КЕРАКМАС

Сен тақдир қўшигин тинглаяпсан жим,  
Мен ҳам бу қўшиқдан бўйим теракмас.  
Шоирлик мен учун қисматдир балким,  
Балки сенга менинг сўзим керакмас.

Остона ҳатладим, кўрдим қуёшни,  
Кўрдим муҳаббатдан эгилган бошни.  
Арзин қабул қилгил, мен бағри тошни,  
Сени кўрмас бўлса, кўзим керакмас.

Ишқ, бу озор деди, қайсидир даҳо,  
Мен ҳам ишқ тақдирин ўйлайман гоҳо.  
Бир қалам учуда берсам-да баҳо,  
Сенсиз ўзимга ҳам, ўзим керакмас.

### БИЗ ШОИРМИЗ

Биз шоирмиз қалам тутган,  
Қиш ҳам бизга баҳордир.  
Бизлар учун шу заминнинг  
Кўлмаги ҳам наҳордир.  
Шу тупроқда гоҳ майсамиз,

Гоҳ чинор, гоҳ ўрикмиз.  
Биз Ватаннинг битта эмас,  
Минг дардига шерикмиз.

Ёстигимиз тошлар гоҳо,  
Қумлар бизга тўшакдир.  
Шу тупроқнинг ҳар заррасин  
Севганимиз бешакдир.  
Ёғий келса урҳо-ур деб  
Жангга кирган черикмиз,  
Биз Ватаннинг битта эмас,  
Минг дардига шерикмиз.

Ким дунёни фоний деди,  
Биз мангулик тимсоли.  
Жомий мисол, Румий мисол  
Ё Навоий мисоли...  
Шу юрт бизни болам деди  
Жон онажон, дедик биз,  
Биз Ватаннинг битта эмас,  
Минг дардига шерикмиз.

### ТУННИ УЙҒОТАМАН

Тунни уйғотаман бир куни,  
Овозим етганча бақириб.  
Тунни уйғотаман бир куни,  
Кечаси қуёшни чақириб.

Сарвиноз юлдузлар нозланар,  
Гўё ов овлашга қўйилган.  
Ярим ой беовоз розланар,  
Кўнглимнинг ярми йўқ, ўйилган.

Биламан, қуёшнинг ётоғи,  
Ул баланд тоғларнинг бағрида.  
Биламан, кундузнинг сўроғи,  
Зулматли чоғларнинг бағрида.

Бир куни мен тунни уйғотсам,  
Ёки тун уйғотса ўзимни.

Айтаман биттасин қўймасдан,  
Ҳеч кимга айтмаган сўзимни.

Тунни уйғотаман бир куни..

### ОТ АЙЛАНИБ

Гарчи ўзга адирнинг  
Майсалари шириндир,  
Гарчи тани тутқунлик  
Найзасидан тилимдир.  
Майли кимлар кимхобу,  
Кимлар гилам ёпгайдир.  
От айланиб, бир куни  
Қозигини топгайдир.

Гўрўглию Алпомиш  
Олса ҳамки етовга,  
Озодлигу эркинлик,  
Хурлик керак бедовга.  
Гарчи мардга дўст бўлиб,  
Кенгликларда чопгайдир.  
От айланиб, бир куни  
Қозигини топгайдир.

Сакраганда булутни  
Қияларда қолдирган.  
Учганида бургутнинг  
Қанотларин толдирган.  
Гарчи боғи эрамнинг  
Мевасидан тотгайдир.  
От айланиб, бир куни  
Қозигини топгайдир.

Юлқинганда тутгали  
Арқонларга йўл бўлсин,  
Ҳайбатига чидашга  
Арслонларга йўл бўлсин,  
Гарчи олғир замона  
Унга каманд отгайдир.  
От айланиб, барибир  
Қозигини топгайдир.





*Ё  
Ёшлик Ёшлик Ёшлик  
Ёшлик Ёшлик Ёшлик*



**Отабек САФАРОВ**



## СУКУТДАН ОРТИҚ СЎЗЛАР

Бакувват томирларга эга замонавий ўзбек шеърляти ҳамон ўзининг асл манбаларидан озикланиб бойиб келмоқда. Бугунги кунда чоғдош шоирларимиз ижоди алоҳида китоблардан ташқари вақтли нашрлар – “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” сингари журнал ва газеталар орқали ўқувчилар эътиборига хавола этилаётир.

Сўзсеварлар ўз ижоди намуналарини саҳифаларида кўришга интиқ камсонли шундай журналлардан бири “Ёшлик”дир. Ушбу журнал гарчи иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаб кетмаган, аксинча, ялтироқ муқовали бозорбоп нашрларга қараганда анча камтар кўринса-да, ўзининг асл мақсадига содиқ қолароқ фаолият юритаётганини таъкидлаш жоиз. “Ёшлик”нинг “Назм”, “Биринчи учрашув”, “Неваракулча” каби рукнлари турфа жанрларда қалам тебратаётган шеърлятимизнинг турли авлодига мансуб ижодкорларга минбар бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили журнал саҳифаларида элга танилган, ўз услубини топган-топаётган шоирлар билан бирга эндигина сўзини қоғозга ишона бошлаган навроста ижодкорларнинг ҳам асарлари эълон қилинди.

Сўз залворини ҳис қилган одам учун шеър теран моҳият, кўнгилнинг ясама, сохта эмас, рост сўзидир. Зотан, қолипга тушмайдиган туйғулар, ўлчовга бўй бермайдиган ҳислар ифодасигина чин шеър саналади. Бинобарин, ҳақиқий шоир сўзни исроф этмайди, уволидан кўрқадди, баайни қаламтарошнинг иши учун болтани ишга солмайди, ёш шоир Беҳзод Фазлиддин сатри билан айтганда эса, “сўзласа сукутдан баланд сўзла”йди. Журналда эълон қилинган уйғоқ кўнгил манзаралари, майсадаги шудрингдай

соф, гўдакнинг кулгисидек тиниқ туйғулар тасвири, гоҳ оғриқли, гоҳида завқли кечинмалар диаграммаси нозик акс этган, тароватли шеърлар мутолааси бунинг тасдиғидир.

“Ёшлик”нинг 2012 йилдаги илк сониди эълон қилинган Икром Отамурод шеърлари шоирнинг ҳамон дунёни фалсафий англаш, “кангул” кенгликларини ўзига хос тарзда тасвирлаш йўсинига содиқлигини кўрсатди.

*Дарёдай оқар ичимда дард,  
Дард ичимда қурир дарёдай.*

Дарднинг оқиши ва қуриши бир-бирига қанчалик зид бўлса, изтиробда, қийноқда қолган қалб оғриқларини ифодалашда шунчалик уйқашдир. Фақат аввалги сатрдаги дард азобнинг кўламини, иккинчи қатордагиси азобнинг даражасини ифодалайди. Сўз маънолари товланишини теран ҳис қилган шоир туйғуларнинг зўриққан манзарасини чиза билди. Жумладан:

*Қоядай ўсар ичимда дард,  
Дард ичимда чўқар қоядай*

*ёки  
Дарахтдай яшнар ичимда дард,  
Дард ичимда чирир дарахтдай*

сатрларида “ўсар”, “чўқар”, “яшнар”, “чирир” сўзлари бир-бирини рад этмайди, балки дарднинг шакли ҳақидаги тасаввурларни янада бойитади. Муаллиф эса контрастлик орқали тасвирнинг ёрқинроқ бўлишига, хотирадан маҳкамроқ жой олишига эришади.

**Отабек САФАРОВ**

*1985 йил Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети бакалавр босқичини, 2010 йили магистратурасини тамомлаган. Ҳозирда университетнинг катта илмий ходим-изланувчиси. “Шукур Холмирзаевнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзусида тадқиқот олиб бормоқда.*

Шоирларимиз ижодига сер солиб қараган одам уларни бугун ижтимоий муаммолар ташвишидан кўра инсоннинг ичини тирнаётган қириндилар кўпроқ қийноққа солаётганига амин бўлади. Инсоннинг ўзи ҳақида ўйлаши-фикр юритиши ўзликни топиш бобидаги илк қадамдир. Зотан, “Ўзини таниган Ҳақни танийди” ҳадисига мувофиқ, одам дастлаб ўзини тафтиш қила билмоғи лозим. Шу маънода ижодкорларнинг бир замонлардагидай “яхши одам қандай бўлиши керак”, “ёмон одамни қай тарзда таниш мумкин”, “Ватанни нечоғлик севмоқ лозим” деганга ўхшаш насиҳатлардан йироқлашиб, Инсонни таниш, тушуниш, англашга интилаётгани диққатга моликдир. Албатта, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, Ватанни севиш, онани эъзозлаш сингари фазилатлар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди (қолаверса, буларнинг ҳеч бири шоир шахсиятидан йироқда эмас). Бу ерда гап, яхшилиқни яланғоч ташвиқ қиладиган зўраки қофияли битиклардан кўра эзгуликнинг кўнгилдаги ифодаси тасвири таъсирлироқ ва самаралироқлиги хусусида бормоқда. Мисол учун, кутгани келмаётган, кўзлари эшикка тўрт бўлиб қадалган одам изтиробини Муҳайё Рустам қизи (1-сон) шундай тасвирлайди:

*Жимгина тикилар дераза,  
Эшик ҳозир йиғласа керак  
(кўзларим тешиб юборди уни).  
Чойшаб ингранади, ёстиқ хўрсинар,  
Тўрт девор қилт этмас.  
Жимлик чўккан уй.  
...СЎЗ ЙЎҚ.*

Бу ўринда лирик қаҳрамон деярли эсланмаяпти, уни нима изтиробга солаётгани ҳам изоҳланмаяпти, бироқ қаҳрамоннинг теварагидаги нарса-буюмлар ҳолати (жимгина тикилаётган дераза, йиғлаб юборгудай эшик, инграётган чойшаб, хўрсинаётган ёстиқ, қилт этмас девор, жимлик чўккан уй) туфайли тасаввуримизда аниқ-таъсирчан манзара ҳосил бўлмоқда. Чунки шоира ўз ҳолича соғинч туйғусига дахлдор ҳеч қандай маъно англамайдиган нарса-буюмларга кутилмаган мазмун юклай олган.

Ёки яна бир шоирамиз Сайёра Салаеванинг (4-сон) “Яшашга ўргатди мени қайғулар” тарзидаги иқрори бахт ва бахтсизлик каби тушунчалар аслида “элликка-эллик” тарзида тенг тақсимланмагани, фикрчан инсон ҳаётида униси бунисининг ичида ва аксинча яшашини кўрсатади. Сайёранинг “Тунларим хўл бўлар, Ҳар тонгда кўёшга иламан” ёки Мунаввара Қурбонбоеванинг (11/12-сон) “Нафас олмай турар теграмда турмуш, Вақтнинг оёғи шол, қулоқлари кар”, Жумагул Сувонованинг (9-сон) “Ноиложлик ичра илож қидириб, Қайта тўлдирмоқчи бўламан дилни. Бунинг учун аввал ювиб, тозалаб, Офтобда қуритиш керак кўнгилни” ёхуд Беҳзод Фазлидиннинг (7/8-сон) “Йиллар оқиб кетди – юзлари сўлғин, Таъмини йўқотган туйғулар тахир” сингари

мисралари ёш ижодкорларнинг туйғуларни нозик идрок этиши, ўзгача назари борлигидан далолатдир.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳақиқий ошиқ-маъшуклик беҳад таъсирчан, ёлғон ниқоблардан холи, ҳиссиёти чўнг, туйғулари теран бўлишини “Бўлса иккимизнинг юзимиз акси сувда пайдо, Ул сув қай тараф борса, очилгай гули раъно” тарзида ифодалаган эди. Яъни, маҳбубанинг дилбар чеҳраси ва ошиқнинг ғамгин қиёфаси аксланган сувдан ўзгача (маъшуқа ва ошиққа мос!) гул – бир япроғи қизил, яна бири сариқ бўлган раъно гули очилмоқда... Шоира Кумуш Ўсарова ҳам (4-сон) теваракка боқиб, бошқалар кўраётган, лекин пайқамаётган жиҳатларни илғайди, улардан маъно топади:

*Мен ёмон туш кўрдим. Ўша муҳаббат  
Учукдайн тошиб чиқди лабимга.  
ёки  
Тушимни айтсам гар оқар сувларга,  
Учуклардан тошиб кетади ариқ...*

Шарқона назарга кўра, босинқираб уйғонган киши тушининг рўёбга чиқмаслигини истаб сувга кўнгил ёради. Юқоридаги шеърда жавобсиз муҳаббатданми ёхуд бевафо ёрданми зада дил аламли севгисининг рўёга эврилиши, тушга айланиб қолишини истамоқда. Бироқ юракни забт этган туйғуни унутмоқ осонмас, ҳар эсланганда кўнгил беҳаловат бўлади, кемтик қалб симиллаб оғрийди... Момолар ўгитига амал қилган қиз тушини сувга айтса, изтироб “юқиб”, ариқ ҳам “учуклардан тошиб кетади”...

Дарҳақиқат, олам ва одамни жисм кўзи билан эмас, кўнгил кўзи орқали кўрадиган ижодкор бошқалар сезмаган қирраларни пайқаши, ўзгалар эшитмаган оҳангларни тинглаши муқаррардир. Воқеан, шу оҳангларни илғгани учун ҳам у ижодкордир. Азим Суюн “Қайга келдим” сарлавҳали шеърда ёзади (2-сон):

*Кўзларимда оҳанглар оқар,  
Тарам-тарам шойи оҳанглар.  
Шомги, тонгги ойли оҳанглар,  
Оҳанглар ё афсунгар ранглар?  
Кўзларимда рангларми оқар?*

“Поэтик могокан” (профессор Қозоқбой Йўлдошев таъбири)нинг идроки ўқувчини-да хушёр торттиради, ўзига, кўраётганларига эътиборлироқ бўлишга чорлайди. Шеърни ўқиган журналхон шунга амин бўладики, эҳтимол, моддий жисмларнинг ёлғиз сиртига боқишга одатланган нигоҳининг қувватини янада оширса – ичдан чуқур назар солса, кўраётганлари замирида-ортида ўзга – жозибалироқ-сирлироқ маънолар ҳам мавжуддир, балки асл ҳақиқат шундадир...

Шоирларимиздан Хосият Бобомуродованинг “Баҳор” шеъри (3-сон) табиатга ёвуқ инсоннинг кечинмаларини кўрсатиши жиҳатидан эътиборлидир.

*Бунча нозик, митти ғунчалар,  
Қандай қилиб очилар, кулар?  
Балки унинг жасоратини  
Тўлғоқ тутган оналар билар.  
Қирғоқларга сиғмай тошар сув,  
Шивирлайди яшил япроқлар.  
Турналарнинг қайтганин кўриб,  
Вужудимга кирар титроқлар.*

Табиат юрагининг дукурини дил-дилидан ҳис этаётган одам учун ҳар нарсада ибрат бордир. Дарҳақиқат, митти ғунчаларнинг очилиши – “кўз ёриши” иккинчи ҳаётни дунёга келтирган она мисол ҳайратли эмасми? Бежиз “турналарнинг қайтганин кўриб” вужудида титроқ сезмайди қахрамон: у табиатга монанд уйғонади, яшайди.

Ўтнафас шоир Шавкат Раҳмон “Ўлим бирлаштира бегоналарни, одамлар бир ёқдан йиғила келар, бир кўздан тикилар “жабрланган”га, фақат бир юракдан йиғилар келар”, дея мамот масаласига ўзгача кўз билан қараган эди. Абдусайд Кўчимовнинг “Қисмат” шеърида бу “жабрланиш” янада бошқача талқин этилади (5-сон):

*Қисмат тиригида қилмади вафо,  
Мана, ниятига бугун етишди:  
Халойиқ уйдан қабрғача то,  
Елкада кўтариб кетишди.*

“Ёшлик” журнали “Биринчи учрашув”, “Невалкулча” рукнлари орқали ижодга энди кириб келаётган, шеърият оламида тетапоя бўлаётган ёшларимизнинг изланишларига ҳам имкон беради. Катта ёшли ижодкорларимизнинг қадами ҳар хил бўлгани сингари илк учрашаётганимиз ёш шоир ва шоирларимизнинг ҳам одими бир хил эмас. Бири ўзини ҳаяжонга солган воқеа-ҳодисани ахборот йўсинида баён қилишга зўр берса, бошқаси қалбида сизаётган кечинмаларни самимий ифодалашга уринади.

*Майсаларни эркалаб ёмғир,  
Бағрига мўл умидлар солди.  
Она замин кўрсатиб борин,  
Гўзалликни кафтига олди.*

**(Сарвар Юсупов, 2-сон)**

Чиндан ҳам, баҳор келганида уйғонган замин бор давлатини намоён қилади – худди кафтида тутади. Ёмғирнинг майсаларни эркалаши, бағрига мўл умидлар солиши жайдари, айна вақтда ҳаётини мантиққа мувофиқ тасвирлар ҳаяжони ўқувчига ҳам осон юқади... Ёки Исомиддин Пўлатнинг “Она” шеърида (2-сон) волидасининг қиёфаси ҳузурида ёлвораётган фарзанд кечинмалари ифодаланади. Онанинг нурли чехрасидан бола қанчалик ҳаловат топса, болалик сабаб ўзининг онага етказган озорларидан шунчалик ҳаловатсизликка дучор бўлади.

*Сенга термиламан,  
Гўё покланади борлигим.  
Кўзларингга боқиб,  
Юзларингга боқиб,  
Сочларингга...  
Оҳларингга...  
Ажинларингга...  
Боққанимда, термилганимда,  
Юрагимни олади чақиб,  
Жон-а!  
Она!*

Афсуски, журналда эълон қилинган шеърларнинг ҳаммасини ҳам, айниқса, ёшларнинг машқларини бирдек такомилга етган деб бўлмайди. Баландпарвоз шиорларни, ҳаммага маълум ҳақиқатларни қофияга солса шеър бўлади дейдиганлар йўқ эмас. Уларнинг битганида айтилавериш сийқаси чиққан гаплар насихат мақомида такрорланади. Бундай битиклар туйғусизлиги сабаб ўқувчининг юрагига етиб бормайди, сукутдан юксак бўлмагани учун ора йўлда сарсон қолиб кетаверади...

Аслида, шеърни изоҳлаб бўлмайди. Юқорида баён этилганлар ҳам мутолаа сўнгидаги ўй-фикрлар, шахсий мулоҳазалар, холос. Қолаверса, каттагина журнал йил бўйи эълон қилган назмий асарлар таҳлилини биттагина мақола доирасига сиғдириш ғоятда мушкул иш. Биз эса, ўқувчи сифатида шунга амин бўлдики, янги аср ўзбек шеърияти тобора бойиб-ўсиб бормоқда.







## ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

Бугунги адабий жараёнда замон билан ҳамоҳанг равишда кенг кўламли ўзгаришлар, жиддий изланишлар рўй бермоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадиий публицистика, Болалар ва ўсмирлар адабиёти, Наср ва Назм кенгашларининг 2012 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишлари доирасида ўтган адабий анжуманларда адибларимизнинг ижодий ишлари, изланишлари, эришган ютуқлари ҳамда бугунги кунда қалам аҳли олдида турган муаммолар ва долзарб вазифалар муҳокама этилди. Ҳисобот йиғилишларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али бошқарди.

Бадиий публицистика кенгаши томонидан ўтган йили кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Уюшмада бир қатор адибларнинг публицистик китоблари тақдимотлари ўтказилди. Айниқса, А. Иброҳимовнинг “Бизким ўзбеклар”, “Рухий озик маҳзани”, Я. Қўчқоровнинг “Жайхун бўлиб оққан сўз” номли китоблари юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Публицистларнинг кенгашга топширган йигирмага яқин кўлёмалари кенгаш аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, энг саралари нашрга тавсия этилди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ташкил этилган “Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан”, “Ватан учун яшайлик” рукнларида мунтазам равишда публицистик мақолалар эълон қилинди. Шунингдек, ушбу рукнларда “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Туркистон”, “Хуррият”, “Маърифат” ва бошқа марказий газеталарда ҳам адибларимизнинг кўплаб мақолалари ёритилди.

Бадиий публицистика кенгаши раиси А. Мелибоев ҳамда С. Умиров, Қ. Норқобилов каби ижодкорлар ўтган йилда бадиий публицистика соҳасида кўзга кўринган ишлар, нашрдан чиққан янги китоблар, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ва бошқа марказий ҳамда вилоятлардаги нашрларда эълон қилинган сара мақолалар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Болалар ва ўсмирлар адабиётида ҳам бугунги кунда кўпгина янгиликлар кўзга ташланмоқда. Ўтган йили йигирмага яқин болалар адибларининг янги китоблари нашр қилинди. “Тонг юлдузи”, “Гулхан”, “Ғунча” каби болалар нашрларида олти юздан ортиқ шеърлар эълон қилинган. Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси А. Жўраев ҳамда С. Матжон, А. Акбаров, Т. Адашбоев каби ижодкорлар болалар учун яратилаётган ана шундай асарларнинг мазмуни, ютуқ ва муаммолари ҳақида фикр билдирдилар.

“Академия” нашриёти томонидан болалар учун нашр қилинаётган китобларнинг хилма-хиллиги, мазмундорлиги, турли серияларда китоблар чоп этиш йўлга қўйилганлиги эътироф этилди. Энг муҳими, ана шу китобларга болаларнинг қизиқишлари ортиб бормоқда. Бундай муҳим ташаббусларни бошқа нашриётлар ҳам, хусу-

сан, болалар ва ўсмирлар учун адабиётлар нашр этишга кўпроқ ихтисослашган “Чўлпон” нашриёти ҳам унутиб қўймаслиги керак. Зеро, ҳозирги кунда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда бадиий китобларнинг алоҳида ўрни бор.

– Ҳозирги пайтда кузатишларимга таяниб шуни айтишим мумкинки, – деди кўнчаклик билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, – болаларимизда сўз бойлиги ниҳоятда камайиб кетмоқда. Бунга сабаб китобхонликнинг сусайиб кетганлиги, болалар китоб ўрнига замонавий техник воситалар – компьютер, телевизор ва бошқаларга кўпроқ диққат қилиб қолишяпти.

Дарҳақиқат, бугунги кунда интернет ва бошқа тарғибот воситалари орқали тарқалаётган ахборот хуржлари, турли бузғунчи ғоялар таъсиридан болаларни ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ота-онанинг биринчи галдаги вазифасидир. Дунё адабиётида ҳозирда йигирмага яқин жанрларда болалар учун китоблар нашр қилинади. Бизда эса бу борада ҳам муаммолар мавжуд. Демак, болаларимиз учун яратилаётган асарларнинг жанрлари хусусида ҳам жиддий ўйлашимиз, бу ишга адибларни фаол жалб қилишимиз зарур.

Нафақат болалар адабиётида, балки катталар учун яратилаётган асарлар борасида ҳам эътиборга лойиқ ишлар ҳамда баҳс-мунозарага арзирлик масалалар талайгина эканлиги Наср кенгаши йиғинида ўртага ташланди. Кенгаш раиси У. Ҳамдам ҳамда Й. Солижонов, Ш. Назарова, У. Жўрақулов, Қ. Йўлдошев каби адабиётшунослар ўтган йили юртимиз адиблари томонидан яратилган насрий асарлар ҳақида атрофлича фикр билдирдилар.

2012 йилда ўндан ортиқ романлар нашр қилиниб, китобхонларга тақдим этилди. Улар ранг-баранг мавзуларни қамраб олган бўлиб, уларда тарих ва бугунги куннинг муҳим ижтимоий муаммолари қаламга олинган. Шунингдек, ўтган йили ўттиздан ортиқ қиссалар, икки юздан ортиқ ҳикоялар наср ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинган. Ушбу асарларнинг ҳаммасини камчиликлардан холи деб бўлмайди. Бироқ ёзувчиларимиз янги сўз айтиш, жамиятда рўй бераётган воқеаларга муносабатини янгича усулларда талқин қилишга йўл қидиришмоқда. Бу, албатта, ёзувчиларимизнинг фаол изланишда эканлигидан дарак беради.

Чинакам ёзувчи ҳар доим ўз замонаси қаршисида жиддий масъулият сезади. Бугун бутун дунёда инсоният олдида кўплаб глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Инсониятнинг тубанликка бошловчи бузғунчи ғояларга қарши адибларимиз ўзларининг дадил жавобларини айтишлари керак. Шунингдек, давр руҳини, одамлар тафаккуридаги буюк ўзгаришларни, барчага ибрат бўладиган замонамиз қахрамонлари тимсолларини асарларда муносиб акс эттириш истеъдодли ёзувчилар олдидаги муҳим вазифадир. Бундай асарлар, албатта, ўз ўқувчиларини топади.



## Дилга илҳом солади баҳор



Мақсуда ЭРГАШЕВА

### ОРЗУ

Мен фанонинг кўйлагинимас,  
Ҳаёт, сени кийгим келяпти.  
Тупроқ менинг вужудимнимас,  
Мен тупроқни суйгим келяпти.

Экиб кўйсам ерга қаламни,  
Япроқлари ёзилиб кетса.  
Майлига, шеър ёзолмасам ҳам,  
Бўйи кўкка чўзилиб кетса.

Пойим узра гулгун ҳаётнинг  
Дарёлари ўйилиб оқса.  
Кундузлари нурга йўғрилсам,  
Тунларда ой қайрилиб боқса.

Кўзим қаросига ботириб,  
Бармогимда ёзар эдим шеър.  
Мен ҳаётни кийиб юрсаму  
Мени сира согинмаса ер.

Бу шунчаки орзу, эҳтимол,  
Бу шунчаки кўнгил хоҳиши.  
Орзу қилмоқ биздан ва лекин  
Рўёбидир Худонинг иши.

\* \* \*

Дунёнинг биздан ҳеч қарзи қолмади,  
Ҳеч кимнинг айтгудек арзи қолмади,  
Яшадик, яшнадик, елдик, югурдик,  
Энди нолийдиган тарзи қолмади.

\* \* \*

Дунё айвонига қурдим иморат,  
Гоҳи тош, гоҳи лой, қумдан иборат.  
Тошни-тош, лойни-лой ургунимча то,  
Жисмим иморати бўлмиш харобот.

\* \* \*

Осмон жуда олис, осмон каттадир,  
Маконинг қай макон, қай қаватдадир,  
Ёмғирдай ёғдирар юлдузларини,  
Унинг ҳам тақдири лавҳу-хаттадир.

\* \* \*

Шу боғлар ичрадир гуллаган чоғим,  
Шу боғлар ичрадир кўксимда доғим,  
Шукрона битилган байтдек тўкилсин,  
Шу боғ тупроғига сўнгги яроғим.

\* \* \*

Гоҳо магиз бўлдик, гоҳо пўст бўлдик,  
Гоҳо магиз қолиб пўстга дўст бўлдик.  
Дунё ечиб олди пўстинимизни,  
Кейин пасайдик биз, ерга дўст бўлдик.



Хурсандой ХОЛБОЕВА

### ОРЗУ

Майсаларнинг пойида бир кун,  
Бўронлар ҳам чўкса эди тиз.  
Оппоқ сутга чўмилса-ю тун,  
Бўй таратса оламга ялпиз.

Булбул чеккан фироқларимни,  
Тўкиб солса, сайраса жўшиб.  
Ўпиб оқса қирғоқларини,  
Осуда сой – юлдузли қўшиқ.

Чарақлаган осмонни кўриб,  
Бебоиш ўйлар чарх урса бетин.  
Ойдин кеча пинжига кириб,  
Ҳарсанг тошга ўтирсанг секин...

\* \* \*

Руҳим самоларга учган чоғларда,  
Саргайган япроқдай тўкилар хаёл.  
Сен кетсанг... сен кетсанг олис ёқларга,  
Адирлар югурар – бошида ҳилол.

Сукунат бағрида огир тин олиб,  
Субҳидам уйғонган ажиб чоғларда...  
Менинг бу савдодой юрагим қолиб,  
Дарахтлар йиғлайди кузги боғларда...

\* \* \*

Чаман-чаман орзуларим,  
Ҳаётимнинг сарлавҳаси.  
Дилни қўшиб бегайман,  
Китобимнинг ҳар лавҳасин.

Пайти келар ҳаётимнинг,  
Маъносини ўқиш гали.  
Менинг умрим шу туришида,  
Ўқилмаган китоб ҳали.

**Қарши**



Гулчехра ОРТИҚОВА

### ТУН ХАЁЛИ

Тун эртақлар сўзлайди менга,  
Хаёлларим самодай ўйчан.  
Юлдузлардан таралган нурга  
Тикиламан... етаман қачон?

Тун тўкилар қалбим тубига,  
Туйғуларим қилади тафтиш.  
Қалбимдаги аччиқ саволга  
Жавоб топмай дилимда ташвиш.

Сукунатга ғарқ бўлган борлиқ,  
Гўё фақат юрагим уйғоқ.  
Дунё кезар безовта хаёл,  
У қийналар ўзимдан кўпроқ.


### ЁМҒИР

Ёмғир ёғаяпти тунда майдалаб,  
Кўзимдан қочмоқда ҳаловат, уйқу.  
Ёмғирнинг куйлари ерни эркалаб,  
Борлиққа улашиб чиқмоқда орзу.

Табиат сокинлик оҳангидан маст,  
Эринмай чалар у ёқимли куйни.  
Чекиниб бораяпти қоронғу, зулмат,  
Кўнгилга хуш ёқар ширин бир туйғу.

Қанийди юрак ҳам ёмғирдан сўнгги  
Оламдек чарогон, бўлса бегубор.  
Ҳар баҳор лолалар қайтгани каби  
Муҳаббат ҳам қайтса, қанийди тақрор.





**Гулноза МЎМИНОВА**

**ИЛТИЖО**

*Киприklarим билан кўзни аяйман,  
Губор тушмасин деб, гард қўнмасин деб.  
Бир нота вон, бебурд жонни аяйман,  
Шаънимга доғ, юракка дард қўшмасин деб.*

*Тангрим, Ўзинг кўриб, билиб турибсан,  
Сабру бардошимни синагувчи Сен.  
Қанча оғир замни раво кўрибсан,  
Энди кўтармоққа куч-қувват ҳам бер.*

**ШАБНАМ**

*Гуллар юзин ювдингми, шабнам,  
Эркалатиб суйдингми, шабнам.  
Шафақ аста юз кўрсатган дам,  
Қайга қочдинг, беркидинг, эркам.*

*Нега бунча қисқадир умринг,  
Тонг беаги – синглингми шудринг.  
Наҳот етмас сабринг, бардошинг,  
Шуълалардан қочдингми, шабнам...*

**УМИД ҒУНЧАСИ**

*Маҳзун куйни бир лаҳза тинглаб,  
Хира тортди қалбим ойнаси.  
Ҳарир парда аро мўралаб,  
Жилмаяди умид ғунчаси.*

*У шунчаки безубор ғунча,  
Очилмоғи ё сўлмоғи бор.  
Унинг нозик бўйи етгунча,  
Ўзинг асра, қалбим – умидвор.*

**Тошкент**



**Вазира ИБРАГИМОВА**

**ГУМОН**

*Согинч торларини чертди ҳисларим,  
Юракни бир ўтинч ўртади ёмон.  
Севгининг дардидан хаста дилимни,  
Сўраб қўйишингиз гумондан гумон.*

*Сизнинг ёнингизга талпинганда қалб,  
Фурур йўлин тўсиб бермайди изн.  
Айрилиқнинг бедор кечаларида,  
Ҳижроннинг куйлари чалинар ҳазин.*

*Кутмоқлик лаҳзаси асрларга тенг,  
Негадир мен сизга интиқман ҳамон.  
Нигоҳим интизор боққан эшикдан,  
Кириб келишингиз гумондан гумон.*

\* \* \*

*Оқсам эди согинч ёшида,  
Кўзингизнинг қиргоқларидан.  
Юрагингиз қалқарми, балки  
Юрагимнинг титроқларидан.*

*Қолсам эди муҳаббат билан,  
Сизда хумор боққан кўз бўлиб.  
Минг азобда изҳорга кўчган,  
Лабингизда ўша сўз бўлиб.*

*Олсам эди юрак оромин,  
Ҳаловатсиз ўтса менсиз вақт.  
Қалбингизнинг тубида яшаб,  
Орзу бўлиб қолмоқ қандай бахт.*

*Толсам эди озорларида,  
Ишққа ташна қалбим билан ҳам.  
Яшамоққа илинж сезардим,  
Кўзингизда ўзим кўрган дам...*

**Жиззах**



*Муқаддас*  
**ОҚМАМАТОВА**

### ШАМОЛГА

*Ҳар кун шошасан қай бир манзилга,  
Ҳар кун изларингдан қараб қоламан.  
Қани сендай бўлсам, дейман гоҳида  
Не-не орзуларга ета оламан.*

*Шамол бўлганимда кўкларда учиб,  
Булутлар ҳақида достон ёзардим.  
Қай кун ниятларим қогозга битсам,  
Дилимни покласам – шу кун тозардим.*

*Мени кечирсинлар, азиз фурсатлар  
Ва гоҳо ўзимдай “тўпори байтим”.  
Нетай, дил ўртанса, қўймаса қалам,  
Мен фақат уларнинг айтганин айтдим.*

**Ангрен шахри**



*Несебели*  
**МАМБЕТИРЗАЕВА**

### СЕН БОР ЭДИНГ

*Сен бор эдинг, менга ҳаёт бор эди,  
Дунё гўзал эди, дардни сезмасдим.  
Сен бор эдинг, менда нажот бор эди,  
Йиқилмасдим, йиқилишни билмасдим.*

*Сен бор эдинг, буюк санъат бор эди,  
Куйладим, куйладим, шодли куйладим.  
Сен бор эдинг, учқур қанот бор эди,  
Шамоллардан сенга бўса йўладим.*

*Сен бор эдинг, ёруғ эди йўлларим,  
Ишқ дарёси тўхтамасдан оқарди.  
Сен бор эдинг, гўзал эди тушларим,  
Бахт ҳар куни эшигимни қоқарди.*

*Сен бор эдинг, жоним, мен ҳам бор эдим,  
Сенинг зарранг эдим, юрак парчаси.  
Мен аслида ўзимда ҳам йўқ эдим,  
Сенга боғлиқ эди барча-барчаси.*

*Сен йўқ бугун, борлигим ҳеч билинмас,  
Бўшаб қолган кенг дунёга сизмадим.  
Сўнги чора менга нажот бўлолмас,  
Йиғладим, йиғладим, тўйиб йиғладим...*

### КЕЛДИМ

*Беш кунлик дунёда меҳмонинг бўлиб,  
Кўнглинг боғига киргали келдим,  
Мени ранжитмагин, мени ҳайдама,  
Муҳаббат мевасин тергали келдим.*

*Ҳеч қачон сўлмагай умид гуллари,  
Унга малҳам сувин қуйгали келдим.  
Ғунча очилгандек табассум айла,  
Булбулдек дардингда куйгали келдим.*

*Ёрсиз бу дунёда нечук маъно бор,  
Ҳаёт гўзаллигин кўргали келдим.  
Султоним, олиб қол бахт қасрингда,  
Ишқ йўлида хизмат қилгали келдим.*

**Қорақалпоғистон**





*Дилнавоз  
АБДУЛЛАЕВА*



*Ойбек ТАШМАНОВ*

### **ЖИЛҒАНИНГ АРМОНИ**

*Тоғ бағридан оқар жылгача,  
Тошдан-тошга урганча бошин.  
Жилдирайди ҳазин ва мунгли,  
Ҳарсангларга артиб кўз ёшин.*

*Унга дедим: нечун хомушсан,  
Чўнг қоялар маконинг ахир?!  
Сабр қилсанг, елиб-югурсанг,  
Сўнг денгизга етасан охир.*

*Жилга деди: тушун, эй инсон,  
Қайтмас бўлиб, кетяпман бу чоғ.  
Айро тушгум энди Ватандин,  
Шу армоним, шундан дилда доғ.*

### **БОЛАЛИК СЎҚМОҒИ**

*Болаликдан ҳар куни ўтгум,  
Шу кичкина, оддий сўқмоқдан.  
Гоҳ уловда, гоҳ эса яёв,  
Мен қатнайман олис қишлоқдан.*

*Майли қуриб тахтиравон йўл,  
Тилло тўкинг бошдин оёққа.  
Тенг кўрмасман, мен болалигим  
Изи қолган оддий сўқмоққа.*

**Жиззах**



### **СОҒИНЧ БЕКАТИ**

*Бекатда турибман ёмғирда ивиб,  
Булултар осмонни қилганди қамал.  
Кўёш ҳам паналаб, устимдан қулиб,  
Эркалаб силарди сочимни шамол.*

*Дарахтлар шивирлаб, кўксимни тилиб  
У гўзал суратин ёдимга солар.  
Соғинган кўзларим лиммо-лим тўлиб,  
Бир ажиб туйғулар хаёлим олар.*

*Турналар учмоқда қатор ва қатор,  
Замин жим, қушлар ҳам сайрамас ҳатто.  
Кўлларимга ботиб борар гулдаста...  
Абадий қолади бу бекат ёдда.*

### **МУҲАББАТ**

*Термулиб ҳуснингга тўймайман асло,  
Сенинг хаёлинг-ла оламан нафас.  
Богларни қўл бериб айлаймиз сайр,  
Бизнинг муҳаббатга ой қилар ҳавас.*

*Кел энди яқинроқ, қўлларимдан тут,  
Сени қишлоғимга олиб кетаман.  
Кўксимга бош қўйиб, ўтмишинг унут,  
Сен билан мен албат бахтга етаман.*

**Самарқанд**





**Сардор АБДУРАСУЛОВ**

**ЎН ЕТТИ ЁШИНГДА**

*Эй кўзлари мунчоғим,  
Кўрсам кетар чарчоғим.  
Сенсиз ўтган ҳар чоғим,  
Армон бўлар шубҳасиз.*

*Файз кирар ҳар онимга,  
Келсанг агар ёнимга.  
Ширин сўзинг жонимга  
Дармон бўлар шубҳасиз.*

*Нақ ўн етти ёшингда,  
Не хаёллар бошингда?  
Пок ҳисларим қошингда  
Сарсон бўлар шубҳасиз.*

*Кулгинг баҳордек яшнар,  
Жонимга олов ташлар.  
Шу он мен томон қошлар  
Камон бўлар шубҳасиз.*

*Севгимни этсам изҳор,  
Ноз қилишинг безубор.  
Ким сенга берса озор  
Нодон бўлар шубҳасиз!*

*Сен ила қурсам суҳбат  
Бу менга олий рағбат.  
Тилда сўзларим албат  
Бийрон бўлар шубҳасиз.*

*Аразлаб, сўнг сақлаб кек  
Соф сеvgимга қўйсанг чек.  
Сенга яхши, менга лек  
Ёмон бўлар шубҳасиз.*

*Менинг мағрур малагим  
Десанг: “Ўзга керагим”.  
Шунда гариб юрагим  
Вайрон бўлар шубҳасиз.*

*Ғам кўчасида қолсам,  
Синдирма сабр косам.  
Сени севмайман десам  
Ёлгон бўлар шубҳасиз.*

*Ҳаётда бўлиб аҳдли  
Кеч бўларму ё вақтли –  
Сени севган энг бахтли  
Инсон бўлар шубҳасиз!*

**Фарғона**

**Рухсора Тўлабоева**

**ҚУШЧАМ**

*Сен менинг сабримга ишонаверма,  
Менинг ҳам бардошим тугайди ахир.  
Озор бераверма, ёндираверма,  
Қисматим шароби бунчалар тахир.*

*Сен учун кузимда гуллар яшинатдим,  
Сенинг чун қорларда чечак ундирдим.  
Ёмғирлардан қуруқ жой пана этдим,  
Согиниб яшашига дилни кўндирдим.*

*Бетоқат қушчага ўхшайсан бунча,  
Қанот қоқаяпсан сабр этолмай.  
Шундоқ ҳам кўзимни очиб-юмгунча  
Умрим тугаб қолар сенга етолмай.*

*Учиб кетгинг келар мудом ёнимдан  
Олис-олисгами, билмадим қай ён?  
Тушунгин, хаёлинг ўчмас ёдимдан,  
Ўзимдан ўтгани ўзимга аён.*

*Бу гал ҳам мен сендан воз кечолмадим,  
Кўнглим сени истар, хаёлларим ҳам,  
Бу сирли жумбоқни ҳеч ечолмадим,  
Юзлари ёқимтой, бераҳм қушчам.*

**Тошкент вилояти**



**Зилола НАМОЗОВА**

**ТОНГ**

*Олтин сандигидан зарларин сочиб,  
Кенг, мовий қасрда сеп ёяр қуёш.  
Ибо-ла оҳиста юзини очиб,  
Келинчак мисоли тарар олтин соч.*

*Узун тун озринган олам ёшини  
Олтин рўмоли-ла артади секин.  
Шундан бошланади: тириклик, ҳаёт,  
Бош кўтарар гиёҳ, майса-ю экин.*

*Гулгун чехрасидан ёгду улашиб,  
Яшашга бошлайди топгин деб камол.  
Ҳар саҳар азонда юсак минордан  
Намозга чақирган муаззин мисол.*

**ГУЛЛАР**

*Меҳрини ҳовучлаб сочганда қуёш,  
Гуллар кўтаради саждадан бошин.  
Оҳиста жилмаяр шодланиб дилдан,  
Нурнинг этагига артади ёшин.*

*Дийдор илинжсида ҳар саҳар интиқ,  
Қаъдада тинмай ёр жамолин сўрар.  
Висол умидида зиёрат тилаб,  
Нурдан боши узра рўмоллар ўрар.*

**ШАМОЛЛАР**

*Юрагимда шамол увиллар...  
Гиёҳларим қовжирар, сўлар.  
Кўзларимга тўлдириб қумни,  
Осмонимни зулматга кўмар.*

*Юрагимда увиллар шамол...  
Ҳароратни олиб кетар у.  
Юз очади лойқаранг жамол,  
Тароватни ҳалок этар у.*

*Шамол юрагимда увиллар  
Бошсиз, қўлсиз ҳислар ортади.  
Булутларнинг остида дув-дув  
Кўзим гўё лашкар тортади.*

**Қарши**



**Барно ҚАРШИБОЕВА**

**ЎЙЛАРИМ**

*Ўйларим сен билан лиммо-лим,  
Қошимга келгин, ёр, сўр ҳолим.  
Наҳотки кутсам-да келмайсан,  
Наҳотки чўчитмас заволим.*

*Фироқни сен билан кузатай,  
Меҳримни муҳраб узатай.  
Тонг чоғи шабнам қув қулганда,  
Мен сени шабнамдан қизғониб,  
Бир майин, бир нозик уйғотай.*

\* \* \*

*Оҳ, бу ёлгон изҳорлар  
Девона этди мени.  
Юрагимга, руҳимга  
Бегона этди мени.*

*Ҳаётим дебон суйсам,  
Жонини узатган ёр.  
Мени ҳақир дунёга  
Бир ўзи кузатган ёр.*

*Муштоқ қалбим ярадор,  
Қуш каби бечорадир.  
Ошиқлик солган бу дор,  
Бўйнимда овворадир.*

*Ёлгон-ёлгон изҳорлар,  
Жонимга раҳм этинг.  
Интизорлик шарҳини  
Ёримга бориб айтинг.*

**Ангрен**



## Феруза СУЛТОНҚУЛОВА

### БОЛАЛИК ХОТИРАСИ

Қара, қирлараро сепини ёйган,  
Баҳор – яшил бўёқ кўтарган рассом.  
Зангори оламга киргим келмоқда,  
Ўзимга бахт дея қўйганимча ном.

Ахир сен тинглагил, ўша қирларда,  
Бегубор болалик кулгуси янграр.  
Кўзлар тикилганча мовий самога,  
Юрак ҳайратидан бахтиёр чақнар.

Ҳали юракка ёт гамлар, ташвишлар,  
Ҳали топилмаган азоблар таъми.  
Тезроқ улгайишни истаган олам,  
Англамас, лаҳзадир умрнинг шаъми.

Худди қизгалдоқдай, худди япроқдай,  
Пичирлаб айтаман: яшаи – саодат.  
Йиғлайман соғинган баҳорларимда,  
Хазонлар уюми кўксимда қат-қат.

Ахир, қайтолмайман ўша қирларга,  
Кўчди кулгуларим ним табассумга.  
Энди яшил бўёқ кўтарган рассом,  
Шодликлар ўрнига чизар хотира!

### БОЙСУНДА

Бойсунда бошқача ёғар ёмғирлар,  
Бошқача йиғлайди йиғлоқи осмон.  
Кўз ёши тоғларнинг бошин ювади,  
Кўз ёши боғларга фидо қилар жон.

Бойсунда бошқача ёғар ёмғирлар,  
Бошқача дилда бир ваҳм шиддати.  
Чақинлар чақнайди, момогулдурак –  
Минг йиллик асира, осмон хилқати.

Бойсунда бошқача ёғар ёмғирлар,  
Бошқача бир дардда булутлар сузар.  
Покланиш ёмғири – таннинг ичида,  
Бедор бир қушча бор, гамни унутар.

Бойсунда бошқача ёғар ёмғирлар,  
Бошқача кўнглинга йўл топар еллар.  
Раҳматдан чечаклар хиёл бош эгиб –  
Уялиб, эркалаб, нозланиб кулар.

Бойсунда бошқача ёғар ёмғирлар,  
Бошқача...

Сурхондарё

## Қандилат ЮСУПОВА

### ҲАДИК

Ка-атта шаҳар,  
Дил хўрсинар...  
Қалбдан орзу кетмайди.  
Йўл бир узу-ун туюлар –  
Кўлим ҳечам етмайди.

Дод дейману...  
Айтолмайман.  
Кўзим ёшдан кўр бўлар.  
Аммо ортга қайтолмайман,  
Қайтсам энди айб бўлар...

Зўр орзулар дилим қамраб,  
Орзиқшидан юрак ёнгай.  
Не қилсам-да мен тентираб,  
Пешонада бори бўлгай!

Лекин мен ҳеч билолмадим,  
Нега тақдир ўзбошимча.  
Бу шаҳарга нега келдим,  
Яшай билмадим ўзимча.

Мен дардисар, мен бечора,  
Бироқ баланд дорда кўнгиш.  
Ажаб бозорда овора,  
Орзуларга асира қул.

Кўнглим сезар, ҳа, албатта,  
Барча орзуйим ушалар.  
Аммо... шаҳар жуда ка-а-атта,  
Дил хўрсинар...  
Дил хўрсинар...

Андижон



# Мушухада



Замира БАЛТАЕВА



Шеър – шоирнинг анланган ва анланмаган тасаввурларидан таркиб топган туйғулардан яралади. Унда “борлиқ билан йўқлик” чегараси доим бир-бирига таъсир ўтказиб, бири-иккинчисини маром билан ҳаракатланишига рағбат бағишлаб туради. Шу икки сифат ўртасида мувозанат билан фикр юритаётган ижодкор-шоир йирик ва ўзига хос туйғулар йиғиндисини муайян тартибга, яхлитлик, бутунликка жамлай олади. Шеър – мангу дард ҳақидаги сўз. Шубҳасиз, Эркин Воҳидов ижодиёти ана шундай теран мушоҳадалар тўпламидан иборатдир. Фикр ва туйғу нисбати зиддиятда, ҳаракатда, тадрижиятда экан, шоир поэтик олами ҳам тобора тиниқлашиб, кенгайиб, ўзига хос ва мос йўл танлаб боради. Биз мана, олтимиш йилдирки, атоқли шоиримиз ижодидан баҳра олишда давом этмоқдамиз.

Эркин Воҳидовнинг серқирра ва ранг-баранг ижодий меросига нигоҳ ташласак, ўтган давр “алдамчи” ғояларига кучли танқидий маррада фикр юритганини ҳис қиламиз. Бунинг ёрқин намунаси сифатида “Ўзбегим” қасидаси ҳам мисол бўла олади:

*Илму шеърда гоҳу султон  
Лек тақдирига қул,  
Ўз элида чекди ғурбат,  
Зору нолон ўзбегим.*

Маълумки, ижодкорнинг доимий ҳаракатдаги тафаккурида куртак очган бадий фикрнинг ўзига хос ҳалқасини ташкил қилувчи муайян образда эстетик нигоҳ, лирик ҳарорат мужассам. Шу боис ҳам унга реал ҳаёт билан айнанлик мақомини бериш мумкин эмас.

“Илло бадий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқати бўлмай, онг ва туйғу – руҳоний назар ифодасининг уйғунлигидан ҳосил бўлувчи гўзаллик сифатида матнга таяниб, ижодкор микроламига кечинмадошлик орқали поэтик идрок этилади”, деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Ислому Ёқубов. Дарҳақиқат, ижод оламининг ўзига хослиги поэтик идрок моҳиятидан озиқланади. Тўғрироғи, ижтимоий-руҳий, миллий ва умуминсоний

жиҳатлар қамрови шароит тақозоси, ижодкорнинг айна шу жиҳатларга қай даражада ёндашуви билан ҳам белгиланади. Бинобарин, шеърий табдилда шакл, мазмун ва услуб уйғунлигини таъминловчи асосий омил дунёқарашнинг нечоғли юксаклиги ва тафаккурнинг миқёсларига бориб уланади. Айна пайтда, поэтик тушунча тадрижи ҳам ички, ҳам ташқи моҳиятини бутунлаштирадиган эстетик моҳиятнинг ўзига хос қирралари билан рақобатга киришади. Ҳар бир шеър воқелиги ижодкор кечинмаларидан вужудга келади. Бу эса умуммиллат кайфиятини ифода қилаётгандек таассурот уйғотади:

*У бахш этган оташда ёндим,  
Ўзи бўлди менга раҳнамо,  
Унга, фақат унга ишондим,  
Юрак мени алдамас асло!*

Ақл ва юрак амри зиддиятини қарама-қарши қўйган ушбу сатрларда шоир реал ҳаёт манзараларига назар ташлайди. Бунда шоир ҳодисотни поэтик кашф этиш билан чекланиб қолмайди, балки ижодий ёндашув ҳамда эстетик баҳолаш мезонларини бирлаштиради. Бу муносабат туйғу шиддати уйғунлигини таъминлаш баробарида тасвир тўлақончилигини ҳам тасдиқлайди.

Академик Б.Назаров таъкидлашича: “Эркин Воҳидов шеъриятининг наинки мазмун, ғоя ва шакл теранлиги, балки оҳанг, услуб, поэтик оқим жиҳатидан ҳам ниҳоятда ранг-баранг эканини айтмасдан ўтиш мумкин эмас. Назаримда, ҳозиргача биз Эркин Воҳидов асарларининг, шеърларининг, асосан, матнидагина кўриниб турган маҳоратни ёритишга, очишга кўпроқ эътибор бериб келдик. Э.Воҳидовнинг қатор, ҳатто, аксар шеърлари шундай хусусиятга, ўзига хосликка эгаки, уларда айрим асосий фикр, ғоя ва мақсад асарнинг матнида, унинг юзида кўриниб тургандан кўра, кўпроқ замирига, қатламларига яширинган, гоҳида эса, ҳатто чирмаб ташланган бўлади”. Дарҳақиқат, 60 йиллар авлодининг поэтик тафаккурида анча юксалиш, санъатни

Замира БАЛТАЕВА

*Тўрткўл туманида туғилган. Айна пайтда Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети ўзбек филологияси кафедрасида ассистент-ўқитувчи лавозимида фаолият юритмоқда. Йигирмадан зиёд мақолалари даврий матбуот ва журналларда чоп қилинган. Илмий тадқиқотчи.*

инсон қалбини таржима қилиш ҳолати деб тушунган, миллат эрки ва озодлиги мавзуси уларнинг ўзига хос сўқмоқларини белгилашга замин ҳозирлаган давр эди. Шу сабабли Э.Воҳидов фалсафий-интеллектуал олами бадиий маҳорат жиҳатидан ҳам ранг-баранг ва “йирик туйғулар”ни куйлай олганида қабариб кўринади.

Шеър – ижодқорнинг ички кечинмаларини, оламини қабул қилиш ва уни ифодалашдаги айрича усулини белгилаб беради. Чунки ижодқор ана шу кичкина қалби орқали, катта умумлашмалар ясай олади. Хоҳ у Ватан ҳақида битилган бўлсин, хоҳ у муҳаббат, “қалби буюрганини” қаламга олади. Эркин Воҳидовнинг самимий, дилбар ва жозибали сатрларида миллатнинг пинҳон изтироблари, унинг маънавий-руҳий манзараси яққол кўзга ташланиб туради. Чунки шоир китобхоннинг, наинки китобхон, балки шу юртда яшовчи оддий инсонларнинг қалб нидоларини шеърга айлантиради. Бу ўз навбатида миллат кўшиғига, унинг мадҳиясига айланиб кетади. “Сен томонга отилган ўқ менга тегсин” сатрларининг ўзиёқ фикрларимизни тасдиқлаб турибди.

Шеър – оғриқлардан яралади. Тўрт мисра шеърга олам маъно сингдира олган ижодқор чинакам салоҳият

эгасидир. Унинг учун шоир чинакам туйғуларнигина, қалбнинг миллат учун энг зарур сўзларинигина шеърга айлантира олсагина мақсад ҳосил бўлғуси. Эркин Воҳидов “Тўрт сатр” шеърисида ҳам шу каби мазмунмоҳиятни кўрсата олади. “Камтарлик ҳақида” деб номланувчи шеърда ҳам чиройли ташбеҳ қўллай олган. Унда чойнакнинг пиёлага эгилиши – камтарлик рамзидир.

Туйғу ва кечинма муносабатлари моҳияти аслида ўқувчини ҳам шахсият, ҳам жамият тутуми зиддиятларини англаш ва қайта баҳолашга ўргатади. Ифоданинг ранг-баранглиги эстетик дидни, қалб гўзаллигини тарбиялашга хизмат қилади. Айни шу ораликда шеър ёрдамга келади. Шеър ўзликни англашнинг энг мақбул йўли. Чунки унда инсоннинг руҳоний дунёси юксалади, комилликка интилади.

Умуман, Эркин Воҳидов лирикасида ҳиссий идрок ҳамиша талқинни бошқаради. Унда туйғулар силсиласи сезимлар қувват-ҳофизасини кенгайтиради. Аслида ҳам ҳақиқий шеър туйғулар силсиласидан ўсиб чиқади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов лирикаси бунга яққол мисолдир.



*Биринги уррашув*  
*Биринги уррашув*  
*Биринги уррашув*

Шахноза НУРМАТОВА

## Ҳаёт билан ҳаёлим чалкаш



### КЎНГЛИМ

*Бу дийдорни неча йил кутдим,  
 Кутдим кеча-кундузлар аро.  
 Богингизда гул кўнглим сўлди,  
 Севгим оппоқ, айрилиқ қаро.*

*Билмам, сени қачон йўқотдим,  
 Сенсизликда бемор кунларим.  
 Айролиқнинг шамолларида,  
 Ўтиб борар бедор тунларим.*

*Бу дийдорни неча йил кутдим...*



\*\*\*

*Ҳаёт билан ҳаёлим чалкаш,  
 Узун-узун кунларим сароб.  
 Бошларимга ёғар саволлар,  
 Тополмайман уларга жавоб.*

*Шамолларга айтгум розимни,  
 Нечун бунча кунларим тахир?  
 Қалбимдаги оловнинг тафти,  
 Умримни кул этмоқда ахир.*

Самарқанд



Ғулом КАРИМИЙ



## ҚАДИМИЙ СЕВГИ ҚИССАСИ

### Драма

Қатнашувчилар:

**Зариадр** – суғд саркардаси

**Одатида** – шаклар подшоҳи Омаргнинг қизи

**Гуштасп** – Суғдиёна подшоҳи

**Омарг** – шаклар подшоҳи

**Мардон** – Зариадрнинг дўсти, саркарда

**Саксфар** – шаклар саркардаси

**Аршак** – саркарда

**Фарҳод** – уруғ оқсоқоли

Мидия шаҳзодаси, мулозим, чўпон, соқчилар, саркардалар ва уруғ оқсоқоллари.

Воқеалар тақрибан эрамиздан аввалги 7-6-асрларда Суғдиёна ва шаклар диёрида бўлиб ўтади.

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Яксарт дарёси яқинидаги суғд лашкари қароргоҳи. Зариадр чодир. У чодир олдида ерга санчилган тол новдаларини қилич билан бир зарбда қирқиш машқини олмоқда. Соқчилар қирқилган новдалар ўрнига дарҳол янгиларини санчишади. Мардон пайдо бўлади.

**Мардон:** Саркарда жаноблари! Навкарлар ҳудудимизда ов қилаётган шак қабиласига мансуб бир овчини ушлабдилар. Эғнидаги либоси ва отига қараганда, аслзода эмиш.

**Зариадр:** Биз бу қабила билан тинч-тотув яшамокдамиз. Шундай экан, уни иззат-икром-ла ҳузуримга келтиринг.

**Мардон** (таъзим қилиб): Бош устига.

Зариадр ўз чодирига киради. Бироздан сўнг эркакча либосдаги Одатида кириб, енгил таъзим қилади.

**Одатида:** Суғдиёнанинг жасур саркардаси Зариадрни кўриш бахтидан бошим осмонга етди! Ҳурмуз ҳаққи, ўлжамни олиб тинчгина қайтмоқчи эдим, лек навкарларингиз монелик қилишди.

**Зариадр:** Ҳақиқатни сўзлаётганингизга амин бўлсак-да, бу ер бизнинг ҳудудимиз эканлигини эслатмоққа мажбурмиз. Ов қилиш учун олдин рухсат олганингизда дуруст бўларди.

Ғулом КАРИМИЙ

1962 йилда туғилган. ТошДУнинг Шарқ факультетида таҳсил олган. Айни пайтда, Шарқишунослик институтида катта илмий ходим лавозимида меҳнат қилмоқда.

“Карвон” (1988), “Турон қоплони” (1988), “Соҳибқирон ва аллома” (2002) тарихий қиссалари, “Наршах қалъаси” (2011) тарихий романи, “Арслонхон минораси” (2012) ҳикоя ва эсселар тўплами чоп этилган. Ўндан ошиқ бадиий, илмий ва таржима китоблар муаллифи.

бўлардингиз. (ялтоқланиб) Қўлингизнинг хизматини қандай тақдирлаш эса олий ҳимматингизга ҳавола.

Одатиди (жаҳл билан): Бўхтон! У алжияпти – мен овчиман!

**Чўпон:** Ҳали шунақами!

У кутилмаган ҳаракат билан Одатиданинг бошидаги қалпоғини юлиб олади, сочлари ёйилиб елкаларига тушган Одатиди ғазабланиб, ханжарини суғуради. Лол қолган Зариадри ўрнидан туриб кетади.

**Одатиди:** Муртад!

**Зариадри:** Ханжарингизни булғаманг! Бу чўпон қилмишига яраша жазо олар. (соқчиларга) Меҳмонимизни беҳурмат қилгани учун унга қирқ дарра урилсин!

Соқчилар фарёд чекаётган чўпоннинг қўлларини қайириб, олиб чиқишади.

Зариадри (Одатиданинг қалпоғини ердан олиб, илтифот ила узатаркан): Бу азиятлар учун узр, малика. Нима ният билан келганини билганимда чўпонни асло киритмаган бўлардим. Икки дўст халқ орасига низо солишдан ёмони йўқ. Сиз хотиржам бўлинг. Ижозат этсангиз... ўзим сизни кузатиб қўяй!

**Одатиди:** Ташаккур, саркарда. Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман. Бироқ кузатишнинг ҳожати йўқ – қандай келган бўлсам, шундай кета оламан. Хайр!

**Зариадри:** (унга завқу шавқ билан қарайди) Бундан буён сиз таъқиб қиладиган буғуларнинг барчаси шу тарафга сузиб ўтишини Тангридан илтижо қиламан! Токи, баҳонаи сабаб билан сизни яна ва яна кўришга мушарраф бўлсам.

**Мардон** (Одатиди чиқиб кетгач): У ҳақда қўшиқлар тўқилгани бежиз эмас экан-да. Дарҳақиқат, Суғдиёна маликаси бўлишга муносиб қиз.

**Зариадри** (хаёлчан): Йўқ... у бутун дунёнинг маликаси бўлишга муносиб.

**Мардон:** Қизининг хусн бобида тенгсиз эканлигини билган шоҳ Омарг барча совчиларга рад жавобини бераётибди. Шу жумладан, Хоразм ва Бақтрия ҳукмдорларидан келган совчилар ҳам қуруқ қайтишибди. Қизим ҳали ёш, деган баҳона билан ҳатто оғангизнинг совчиларини қайтариб, сал бўлмаса, ўртамизга низо туширай деди. Эшитишимча, шу кечакундузда шаклар диёрига Мидиядан катта қарвон келибди. Етти йиллик хирожни совға-салом тарикасида келтирган Мидия шаҳзодасининг ўзи ҳам қарвон сафида эмиш. Балки унга омад кулиб боқар – Омаргнинг мол-дунёга ўчлигини ҳамма билади.

**Зариадри** (тушқун аҳволда): Наҳот у қизини мол-дунёга алмаштиради, деб ўйласанг? Балки, муносиб куёв чиқишини кутаётгандир?

**Мардон:** Бе! Подшою шаҳзодаларки куёвликка муносиб экан, улардан зўри чиқармиди!

**Зариадри:** Бу малак баайни кўқдан ерга тушган Ноҳиднинг ўзи. Ҳатто унинг ҳозиргина чодиримизда бўлганига ишониш қийин. Гўёким самодан бир лаҳзага ерга қўниб, сўнг бу зерикарли заминни тарк этган каби.

Мулозим киради

**Мулозим:** Саркарда ҳазратлари, кабоб пишди.

**Зариадри** (Мардонга): Навкарлар билан баҳам кўрингиз. Менинг негадир иштаҳам йўқ. (улар чиқиб кетишгач) Одатиди! Ростдан ҳам кўқдан тушганмисан ёки ер қизимисан? (кўксини ушлаб) Сен инъом қилган буғу сизга тортилдим, ёки менинг юрагим!

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Шоҳию ҳарир пардалар билан безатилган хобхонада канизақлардан бири йиғлаётган Одатиданинг сочларини қирққоқил қилиб ўрмоқда. Одатиди ортига ўгирилади, сўнг, шу ўтирган кўйи унинг кўксига бош қўяди.

**Одатиди:** Ана, қалбим тўридаги барча сирлардан воқиф бўлдинг. Энди айт, нима қилай? Қандай қилиб унга туйғуларимни изҳор қилсам бўлади? Бунинг имкони борми?

**Канизақ** (бироз ўйлаб туриб): Мактуб битинг, ҳазрати олиялари. Уни қандай етказишни эса мен зиммамга оламан.

**Одатиди** (саросималаниб): Мактуб? Қиз бола бўла туриб-а?! Бирортасининг қўлига тушиб қолса нима бўлади? Қолаверса, унинг ўзи буни қандай қабул қилади?

**Канизақ** (ишва қилиб): Ўшанда кўзларида нима акс этганини ҳалигина айтмадингизми!

**Одатиди:** Менимча, барча эркаклар менга шу нигоҳ билан боқишади, аммо фақат унинг кўзларидагина ҳақиқий муҳаббатни кўрдим. Ҳурмат-эҳтиром-чи! Агар унинг ўрнида менга оғиз солган шоҳлару шаҳзодалар бўлганида, ҳолим не кечган бўлишини тасаввур қилиб кўр! Айниқса, ўзига бино қўйган унинг акаси Гуштасп! Кўргани кўзим йўқ! Эшитишимча, менга етиша олмаганидан сўнг, бир баҳона топиб бизга қарши уруш очмоқчи бўлиб юрган эмиш.

**Канизақ** (яна ўша ишва билан): Мидия шаҳзодаси шу ерда-ку! Қўл қовуштириб ўтирмас! Айтганча, кўзим тушди – келишгангина йигит экан. Бойлигини айтмайсизми!

**Одатиди:** Алжима! Мен Зариадри ўнта Мидия шаҳзодасига ҳам алмаштирмайман!

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Зариадрининг чодирини Яксарт соҳилига тикилган. Дарё кўриниб турибди. Зариадри кўз ўнгида Суғдиёна пойтахти Мароқандда акаси Гуштасп билан бўлиб ўтган суҳбат гавдаланади.

**Гуштасп** (кескин): Энди айбингни ё бошинг, ё кўлдан чиқазганинг ўша қизни саройимга келтириш билан ювасан.

**Зариадри:** Қизнинг отаси, қолаверса, ўзи рози бўлмай, қандай келтираман?

**Гуштасп:** Ихтиёрингда катта қўшин. Шаклар юртига юриш қилиб, Одатидани асира қилиб келтирасан!

**Зариадри:** Бир қизни деб икки дўст халқ орасида уруш очиш қанчалик ўзини оқлайди?

**Гуштасп** (парво қилмай): Бу муаммони урушсиз ҳал этиш имконини ўзинг барбод қилдинг. Ўз оёғи билан келган экан – қисматига кўникмай, қаёққа борарди! Очкўз отага эса совға-саломлар юбориб, қизининг Суғдиёна бош маликаси бўлганини айтардик. Энди нима қилиб бўлса-да, уни саройга келтирасан. Акс ҳолда, укам эканлигинга ҳам қараб ўтирмай, жаллод қўлига топшираман!

\*\*\*

**Зариадри** (нариги қирғоққа термулади): Эвоҳ, лашкар билан яна бир қадам олға босмоқ, шакларга қарши уруш очилганини англатади. Одатиди, Одатиди! Ўртамиздаги ишқдан беҳабар акам сени банди қилиш учун юбораяпти. (кескин бош чайқайди) Йўқ – Зариадри

нинг бутун вужуди сен томон талпиниб турса-да, юртинга ҳеч қачон лашкар тортиб бормади!

Мулозим киради

**Мулозим:** Шаклар юртидан мактуб келмиш. Чопар уни ўз қўли билан сизга етказмоқчи.

**Зариадр:** Айт, кирсин.

Мулозим чиқиб, чўпон кириб келади ва унга мактубни узатади.

**Зариадр** (мактубни олиб, чўпонга): Яна сенми? Боравер, хизматинг муносиб тақдирланур. (чўпон чиқади) Бу сафар Одатида нима ёзибди! Ё тангрим, бунда менга мамотдан дарак борми ё ҳаётдан мужда! (мактубни очиб ўқийди) “Эй баҳодир! Мени дея юртимга лашкар тортишинга не ҳожат! Барча шоҳу шаҳзодалар қолиб, сени танлаганимни ёзмаганмидим! Икки ўт орасидаман. Қабиладошларим қирғин, юртим вайрон бўлишини истамайман. Аммо сенга ҳам мағлубиятни раво кўрмайман. Зариадр! Баҳодирим! Мени ёнаётган бу икки ўт орасидан олиб чиқ! Яна бир гап: қароргоҳинга савдогар либосидаги жосус жўнатилган. У жисман ва қалбан сенга ўхшаб кетадур. Эҳтиёт бўл!” Ҳой! Ким бор! (мулозим кириб, таъзим қилади) Лашкар орасида савдогар кийимидаги бегона одам бор. Кўриниши менга ўхшаш. Дарҳол ушлансин!

**Мулозим:** Бош устига! (чиқади)

**Зариадр:** Ҳайҳот! Ўзимни оламдаги энг бахтли кимса деб атайинми, ё энг бахтсиз! Одатида мени севишга яна бир бор амин бўлдим. Аммо бир-бирига қарши қилич кўтарган икки халқни қай йўл билан яраштирай! Бунга эришини учун – агар талаб қилинса! – ҳеч иккиланмай бошни садқа қилардим! (соқчилар қўллари орқасига боғланган Саксфарни келтиришади) Бизни холи қолдиринг. (Соқчилар чиқиб кетади. Ҳайратланиб). Тавба, кўзгуда ўзимни кўраётгандекман! Йигит, жосуслигинг ошкор бўлди. Мақсадинг не? Яширмай барчасини айтсанг, ҳаётинг ўзинга сийлов.

**Саксфар** (мағруп): Зиммамдаги вазифани бажаролмай, душман қўлига тушдимми, энди менга ўлим афзал!

**Зариадр:** Мен, аслида, шакларга душман эмас – бу урушни тўхтатиш чорасини ҳар он, ҳар сонияда қидираётган, бунинг учун ҳамма нарсага тайёр дўстман. Ўлимни бўйнингга олиб жосус сифатида келганинг, элингни севишинга далолатдир. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма Одатида мансуб бу элни мен сендан кам севайман. Хуллас, биз душман эмас, балки кераксиз бу урушнинг олдини олишда иттифоқчи бўлишимиз даркор. Шунга рози эрсанг, элимга хоинлик қилаяпман деб ўйламагин-да, саволимга жавоб бер.

**Саксфар:** Сўзинг самимийлигига шубҳам йўқ. Буни маликасини номини тилга олган маҳалинг кўзингда порлаган ўтдан сездим. Демак, сен ҳам унинг ошиқларидан бирисан.

**Зариадр** (ажабланиб): Наҳот бу борада ҳам сен билан рақиб бўлсак! Исминг нима?

**Саксфар:** Мен шаклар лашкари саркардаси Саксфарман. Лекин хотиржам бўл – менинг ўз суйганим бор. Отам савдогар эди ва болалигимда унга ҳамроҳлик қилиб, юртинг бўйлаб кўп кезганман, унинг йўллари, пасту баланди, шаҳару қишлоқларини яхши биламан. Шу сабаб юртимиз хатар остида қолганида

жосусликка ўзим дов бўлдим. Бироқ бу юмуш тижорат каби беҳатар эмас экан – қароргоҳинга келган кунимоқ қўлга тушдим.

**Зариадр** (тантанавор): Ва амин бўлдингки, ёв эмас, дўст қўлидасан! (бироз ўйлаб туриб) Энди сен билан либосларимизни алмаштирсак.

**Саксфар** (ҳайрон): Нега? Менинг савдогарча либосим сендек саркардага на ҳожат?

**Зариадр:** Сен бўлиб юртинга бораман – зора шу йўл билан урушни тўхтатиш имконини топсам. Сен эса менинг либосимни кийиб, бу ерда йўқлигимни билдирмай турасан. Ҳа, айтгандек, бирон мушкулот чиқмаслиги учун, ишончли саркардаларимни ушбу сирдан воқиф этаман.

Либослар алмашинади.

### ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Омарг саркарда ва уруғ оқсоқоллари билан ҳарбий кенгаш ўтказмоқда. Совчиликка келган Мидия шаҳзадаси ва шак саркардаси либосидаги Зариадр ҳам шу ерда. У Саксфардан сира фарқ қилмаслик учун қиёфасига сал ўзгариш киритган.

**Омарг:** Кунни кеча жасур саркардамиз Саксфар душман қароргоҳида бўлиб қайтди. (Зариадр туриб таъзим қилгач, қайта ўтиради) У етказган хабарга кўра, ёғий сони бизникидан ортиқ. Тўғри, шак саҳроси бепоён – чекиниб, суғдларни саҳро бўйлаб адаштириб-улоқтириб, ҳолдан тойдириб, сўнгра ногаҳоний ҳужум билан тор-мор этиш мумкин. Бироқ қочиш бизга муносибми?

**Мидия шаҳзадаси:** Аълоҳазрат, суғдларни юртга монесиз киритиб, саҳрога чекиниш муборак номингизга ростдан ҳам доғ туширади. Энди сизда Мидия подшоҳлиги каби қудратли иттифоқчи бор эмасми? Мен чопар юбордим – Мидия кўшини жанубдан бостириб киради ва шу тариқа суғдларни исканжага оламиз. (таъзим қилиб) Бу ёрдам учун мени соҳибжамол ва оқила қизингизга муносиб кўрасиз деган умиддаман.

**Фарҳод** (тараддудланиб қолган Омарга): Қўлингизнинг бир қошиқ қонидан кечинг, шоҳим. Мидияликлар босқинчиликлари билан оламда маълуму машҳур – Суғдиёни забот этгач, юришни биз томонга давом эттирмасликларига кафолат қани? Фикри ожизимча, суғдлар билан муросою мадора йўлини излаган маъқул.

**Омарг:** Қизимни қўш қўллаб Гуштаспининг ҳарамига элтиб берайми? Бошқа фарзандим бўлмаса!

**Фарҳод:** Шундай экан, наҳот унинг узоқ Мидияга кетишини истасангиз?

**Омарг** (қатъий): Қизим фақат шаклар маликаси бўлғуси!

**Аршак:** Донолигингизга тасанно, шоҳим! Бу нафақат сиз, балки бутун элнинг тилаги. Жанг олдидан сир сақлашга ҳожат йўқ: биз – барча саркардаларингиз маликага ошиқмиз! Истаганингизни қувв қилин! Қолганлар эса қисматига тан берур. Куёвингиз кўмондон бўлиб, бизни жангга бошласин. Унинг изидан ўтга ҳам, сувга ҳам кирамиз, зеро, Одатиданинг ёри бош бўлган қўшин ҳар қандай ёвни енгишга қодир!

**Омарг:** Қизимни ўз ихтиёрига қарши мажбуран ҳеч кимга бермайман. Яхшиси бўлажак ёрини унинг ўзи танласин. Одатидани чақиринг. (Одатида кириб таъзим қилади). Қизим, кўзимнинг оқу қораси! Элу юрт тақдири сенга боғлиқ бўлиб қолди. Саркардаларимдан қайси

бири ёринг бўлишини истасанг, мана шу жомни тутқаз – у менинг куёвим бўлиб, кўшинимни зафарли жангга бошлаб борур!

Одатида олтин жомни олиб Зариадрининг кўлига тутати. Ҳар томондан “Саксфар!”, “Омад қуши Саксфарнинг бошига кўнди!”, деган хитоблар ёғилади. Бошқа саркардалар тиз чўкади.

**Омарг:** Қисматни ўзгартириб бўлмас. Саксфар яқиндагина хатарли бир юмушни уддалаб қайтган эди, бугун эса тақдир унинг зиммасига улуғ бир вазифани юклади. Бу – Тангрининг инояти. (саркардаларга) Энди сиз ҳам сўзингизда туриб, қаттол ёвга қарши у бошчилигида жангга отланинг! (Саркардалар ўринларидан туриб, таъзим қилишади) Саксфарга бош кўмондонлик либоси ва қурол-яроғлар келтиринг!

Зариадр ва Одатидадан бошқалар чодирни тарк этишиб, мулозим либос ва қуролларни кўйиб кетади.

**Одатида** (Зариадрининг кўксига бош кўяди): Зариадр! Баҳодирим!

**Зариадр** (унинг сочини силайди): Мени танидингми, азизам? Қандай қилиб ҳақиқий Саксфардан ажрата олдинг?

**Одатида:** Севгувчи қалб янглишмас!

**Зариадр:** Юрагим бахтдан лиммо-лим бўлса-да, бироқ бошим қотиб қолди – бир-бирига қарши турган ҳар икки лашкарнинг бош кўмондони ўзим. Ғалабага ташна ҳар икки тараф ҳам мендан умидвор. Қандоқ йўл тутади?

**Одатида:** Шак лашкарига Яксарт томон ҳаракат қилишга фармон бер. Шундай қилайликки, тўқнашган икки тараф бир-бирининг қонини тўкиш ўрнига, тўйимиз муносабати билан ўтказиладиган базмда байрам қилсин. Кучини кураш ва чавандозликда намоён этсин.

Ноғора ва бурғу садолари янграб, Зариадр ва Одатида чодирдан чиқишади.

### БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Яширинча ўнг соҳилга ўтган Мардон лашкар билан Яксарт бўйига етиб келган Зариадрининг чодирга киради. Унга таъзим қилиб, Одатидага шубҳа билан қарайди.

**Зариадр:** Гапиравер, ундан яширадиган сирим йўқ.

**Мардон:** Саркардам, йўқлигингизда фалокат юз берди – ўқудан кечиб ўтган Мидия кўшини жанубий сарҳадимиздан босиб кирди. Оғангиз Гуштасп пойтахтда қолган лашкарни йиғиб, ғаним йўлини тўсса-да, кучлар тенгсизлиги туфайли жанг бой берилиб, унинг ўзи маҳв этилмиш!

**Зариадр** (чексиз андуҳ билан): Шўрлик акам! Мамлакат эгасиз қолдимиз?

**Мардон:** Энди унинг эгаси ўзингиз! Эркини сақлаб қола билсангиз, албатта. Жангда катта талафот кўрганига қарамай, тезда ўнганган Мидия кўшини аламазада шаҳзода бошчилигида пойтахт Мароқанд сари юришда давом этмоқда. Биз олдинроқ етиб, ёв кўлидан устунликни тортиб олишимиз лозим. Бироқ шаклар билан сулҳ туза олсакки бунга эришамиз.

**Зариадр:** Азизам! Отанг ҳузурига қайтиб, Суғдиёна тарафдан шакларга ҳеч бир хавф таҳдид солмаслиги ҳақидаги лафзимни унга етказ. Мен эса дарёдан ўтиб, яна ўз лашкаримга бош бўлиб, юртим озодлиги учун курашга отланаман.

**Одатида:** Мен қаллигингман ва сендан ажралмайман. Айниқса, шундай синов дамларида. Саркардалар мен олтин жом тутган кишига итоат этишга онт ичишган. Бу эса сенсан! Икки лашкарга бош бўлиб, ҳар қандай ёв устидан ғалаба қозонишинга ишончим комил.

**Зариадр** (иккиланиб): Отанг не деркин?

**Одатида:** Отам ҳам лафзига содиқ қоладур!

**Зариадр:** Нафақат ёр, балки мададкорим ҳам ўзинг. (Қарс уради. Кирган мулозимга) Саркардалар машваратга йиғилишсин. (Мардонга) Сен ҳам иштирок этасан.

### ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Мароқанд саройи. Зариадр тахтда, ёнида Одатида.

**Зариадр:** Иттифоқликда Мидия устидан қозонган бу ғалабамиздан кейин, Тангрим Суғдиёна ва шаклар заминига абадий тинчлик ато этсин. Севишган қалблар ҳеч бир қон тўкишларсиз бир-бирларининг висолига етадиган кунлар жуда яқин.

Мулозим киради.

**Мулозим:** Шаклар подшоҳи Омаргнинг элчиси ташриф буюрди.

**Зариадр:** Энг ҳурматли меҳмон сифатида ҳузуримга бошлаб кир.

Фарҳод кириб, таъзим қилади

**Фарҳод:** Подшоҳи олам Омарг сиздек баҳодир куёви ва суюкли қизига кўпдан кўп саломлар айтиб, ёв устидан қозонилган ғалаба билан муборакбод этиш учун юборди.

**Зариадр:** Шак қабиласининг мўътабар оқсоқоли элчи сифатида ташриф буюрганидан бошимиз осмонга етди. Бу ғалабага шак лашкари ёрдамисиз эриша олмасдик. Бундан буён шаклар юртига бирон ёқдан хавф пайдо бўлса, дарҳол кўмакка етиб боришни суғд лашкари ўзига бурч билур.

**Фарҳод:** Суғду шак иттифоқини Тангрим боқий этсин! Завжангиз эрмиш малика шохимизнинг ягона фарзанди эканлиги сизга маълум. Шу боис шохимизнинг бир илтимоси борки, унга биноан қизидан туғилган илк ўғил фарзанд унинг тахтига ворис деб эълон қилинса.

**Зариадр:** Биз аълоҳазратнинг илтимосини буйруқ сифатида қабул қилиб, у ҳозирнинг ўзида инobatга ўтганини етказишингизни сўраймиз. Зеро, суғдлар ва шаклар аслида Яксартнинг икки қирғоғида яшайдиган бир халқдир. Бизнинг зурриёдларимиз бўлмиш келгуси авлодлар суғд ёки шак эмас, балки битта эл номи билан аталишига имоним комил.

Муғаннийлар чолғу чалиб, мутриблар суғд ва шак қардошлиги ҳақида куйлай бошлайдилар.

Парда



□□□□□□ □□□□□□□□□□

